

„КАМОЛОТГА ЭЛТУВЧИ КАЛОМЛАР“
туркумидан

БАХТ, ОМАД ВА ҲАЁТГА БОШЛОВЧИ СЎЗЛАР

АФОРИЗМЛАР



821(100)-84

536 | 2016/157

10664

From 01-28-80
624

2016/157-10664

“Камолга элтувчи каломлар” туркумидан

БАХТ, ОМАД ВА ҲАЁТГА БОШЛОВЧИ СЎЗЛАР

Афоризмлар



Тошкент – 2015

221(100)-84 Афоризмлар

УЎК: 82-84

КБК: 94.8

Б 36

Бахт, Омад ва Ҳаётга бошловчи сўзлар: Ҳикматли сўзлар, турли халқ мақоллари ва афоризмлар. Нашрга тайёрловчи: Равшан Мамадалиев. – Тошкент: Yurist-media markazi, 2015. – 208 б.

ISBN 978-9943-4338-2-3

УЎК: 82-84

КБК: 94.8

Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир:
филология фанлари номзоди
Абдумурод Тилавов

Тақризчи:
филология фанлари номзоди, доцент
Адхамбек Олимбеков

Мазкур китобда илм-фан соҳасидаги қайсидир кашфиёти, фаолияти билан халқини бутун дунёга танитган, миллатининг фахрифтихорига айланган мутафаккирларнинг ҳикмати, сара фикрлари, шунингдек, турли халқ мақоллари жамланган.

Бу ҳикматлар **Ҳаёт** деб аталувчи майдоннинг қайсидир жабҳасида сизга асқотиши, ҳеч бўлмаганда тафаккурингизни бойи-тишига умидвормиз.

Ушбу ҳикмат намуналарини — камолга элтувчи каломларни Сиз азизларга таржима қилиб етказаётган Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетининг иқтидорли, салоҳиятли талабаларига оқ йўл, халқимиз манфаати йўлидаги хизматларида куч-ғайрат, шижоат тилаб қоламиз.

ISBN 978-9943-4338-2-3

© «Yurist-media markazi» нашриёти, 2015 йил

© Cengiz Erşahin

Alisher Navoiy

2016/117 номидagi

10664 O'zbekiston MS

Тафсилот

БАҚТ ВА БАХТ

Вақт ва Бахт ўртасида ажиб уйғунлик бор, назаримда. Муборак манбаларда Вақтнинг ҳисоб-китобли бўлиши ҳам таъкидланади. Вақтини беҳуда эмас, илм-маърифат, инсониятга фойдали амал билан ўтказган киши бахтиёрликка даъвогардир. Аслида бахтли бўлишга, бахтли яшашга ҳар кимнинг ҳам ҳаққи бор. Бунинг учун эса Ҳазрат Ҳувайдо айтганларидек:

*Хоки пойи яхшилар бўл, хок бўлмасдан бурун,
Бу қаро ер бағри сенга чок бўлмасдан бурун.*

Бахт, Омад ва Ҳаёт сирларини қидирган илм-маърифат, эзгу амал соҳибларининг, яхши инсонларнинг ҳаётий тажрибалари асосида айтган ҳикматли сўзларини Сиз азиз китобхонларга етказишдек эзгу ишни амалга оширган ёш таржимонларнинг иши қўлингизда. Ушбу китобни уларнинг адабиётга ва тил ўрганишга бўлган иштиёқ ҳамда муҳаббатларининг маҳсули ўлароқ қабул қилгайсиз.

Китобда инсон табиати, севги, умид, дўстлик каби **БАХТ, ОМАД** ва **ҲАЁТ**га дахлдор мавзулар борасида айтилган фикрлар жамланган.

Ўзбекистон Миллий Университети ўзбек филологияси факультетида таҳсил олаётган ёш таржимонларга эса **ВАҚТ**дан янада унумлироқ фойдаланиб, **БАХТ** манзилига етишларини тилаб қоламан.

Абдумурод ТИЛАВОВ,
филология фанлари номзоди,
ЎзМУ ўқитувчиси

ИНСОН ТАБИАТИ

Бир инсоннинг бой ёки камбағаллиги нималарга қодирлиги билан эмас, балки қандай инсон эканлиги билан баҳоланади.

Генри Бичер

Бирор инсон табиатини билмоқчи бўлсангиз, дўстларига эътибор беринг.

Япон мақоли

Одабийлик аста-секин шаклланади, аммо кутилмаганда ер билан яксон бўлиши ҳам мумкин.

Фадз Балдвин

Бўри капасини ўзгартиради, феълени эмас.

Турк мақоли

Баъзи инсонлар табиати ҳазилни қандай тушунганидан ҳам маълум бўлади.

Гёте

Чиройли фикр билан кучли феъл-атвор бирлашса, мўъжизалар рўй беради.

Гёте

Хатти-ҳаракат заифлиги инсон табиатининг ожизлигини англатади.

Эйнштейн

Кексалик ва хасталик инсоннинг ҳақиқий хусусиятларини юзага чиқаради.

Феликс Франкфуртер

Виждонли одам ҳеч вақт тун ярмида эшиги тақиллашидан хавотирга тушмайди.

Хитой мақоли

Бўш қоп тик турмайди.

Бенжамин Франклин

Баъзи инсонлар, билим кучдир, дейди. Бу тўғри эмас. Аслида, характер кучдир.

Шри Сатья

Бировни хафа қилмаслик ва бошқалардан ўпкала-маслик асл инсонийликдир.

Авраам Линкольн

Императорликни забт этдим, аммо ўзимни забт этолмадим.

Қирол Пётр

Муҳими, қанча узоқ яшаганингиз эмас, нима учун яшаганингиз, ниманинг орқасидан югурганингиз ва ўлимга тайёрлигингиздадир.

Паул Ватсон

Ҳар ким қийинчиликларга кўксини тутиши мумкин. Бироқ инсонларнинг ҳақиқий оламини билмоқчи бўлсангиз, уларга куч ёки имкон беринг.

Авраам Линкольн

Омадли инсон ўзига отилган тошлардан пойдевор қура олади.

Давид Бренклей

Характерни бунёд этиш билан руҳиятига таъсир этиш орасида жуда нозик чизик бор.

Колин Хэй

Яхши характер ғайритабиий қобилиятга қараганда кўпроқ мақтовга лойиқ. Бир нечта қобилият эгаси бўлиш Аллоҳнинг неъматидир. Яхши характерни эса фикрлар, жасорат ва қатъий ирода билан бунёд қиламиз.

Жон Лютер

Кўпчилик инсонларда ўттиз ёшгача бўлган даврда характер қаттиқлашади. Асло юмшамайди.

Уильям Жеймс

Характер икки нарса оқибатида вужудга келади:
мушоҳадали хатти-ҳаракат ва вақтни ўринли сарфлаш.
Элберт Хаббард

Инсонга баҳо бермоқчи бўлсангиз, қалбига қулоқ
тутинг.

Малкольм Форбс

Шартларни ўзгартириш билан характердаги
нуқсонларни тўғрилаб бўлмайди.

Ральф Уолдо Эмерсон

Ўз хатоларимизни тузатиш орқали бошқаларга
кўпроқ ёрдам беришимиз мумкин.

Франсуа Фенелон

Инсон табиати инқироз пайтида шаклланмайди,
балки янгидан бунёд этилади.

Роберт Фриман

Минг йиллик шуҳрат бир соат ичида вужудга кели-
ши мумкин.

Япон мақоли

Агар энг яқин дўстларингиз ўйлаганчалик яхши
бўлмасангиз, демак сиз яхши инсон эмассиз.

Йохан Лаватер

Яхши характер эгаси бўлиш ҳеч ким кузатмаётган
маҳали энг тўғри ишни қилишдир.

Ж.К.Ватс

Инсоннинг ҳақиқий феъл-атвори ҳеч вақт қўлга
киритилмаслигини била туриб қилган ҳаракатларига
қараб, уни баҳолаш мумкин.

Томас Маколей

Бошқаларнинг хатоларини эмас, балки ўз нуқсон-
ларингизни тузатинг.

Демокрит

Бургутлар тўда бўлиб учмайдилар.

Росс Перо

Инсон мол-мулкининг меъмори эмас, ўз табиати-
нинг меъморидир.

Георг Бордман

Характер – инсоннинг ҳаётдан танлаганлари йиғин-
дисидир.

П.Б.Федзвотер

Инсонлар бошқаларга қандай кўринсалар шундай
бўлишлари лозим.

Шекспир

Шухрат – бировларнинг биз ҳақимизда ўйлаганла-
ридир.

Томас Пейн

Тулки пўстини алмаштиради, лекин феъл-атвори-
ни асло ўзгартирмайди.

Суитонес

Баъзилар борган ҳар бир жойида бахт яратади.
Баъзилар эса кетганларидан кейин.

Оскар Уайльд

Тўғри иш қилсам, ҳеч ким эсламайди. Хато қилга-
нимни эса ҳеч ким унутмайди.

Аноним

Инсон қалбидаги кураш асл курашдир.

Бинкенд Ломбард

Инсонларни айблаверсанг, уларни севиш учун вақт
тополмайсан.

Мозер Тереса

Ҳаёт йўлингда учраган ҳар қандай қийинчиликка
бас келиш учун фақат ҳозир имкониятга эгасан.

Бриан Трейси

Воз кечишни бир бора ўргансанг, у одатий ҳолга айланади.

Бинкенд Ломбард

Характер тинч ва сокин муҳитда ривожланмайди. Фақат кураш ва изтироб тортиш билан руҳ юксалади, муваффақият қозонилади.

Ҳелен Келлер

Инсон шуҳрати бошқаларнинг у ҳақида ўйлаганларидир. Харақтери эса, ҳақиқатдан ким бўлганидир.

Жек Мейнер

Босиқлик ва шиддаткорлик ёлғизликдан туғилади, характер эса дунёнинг бўрон, довуллари орасида шаклланади.

Гёте

Кучсиз характер эгаси бўлиш гуноҳ эмас, аммо инсонни гуноҳга бошлайди.

Бригитте

Инсоннинг ҳақиқий характери унинг нималардан завқ олишига қараб ҳам баҳоланади.

Жошя Рейнольд

Фикрларингизга эътибор қилинг, сўзларга айланади. Сўзларингизга эътибор қилинг, муомала тарзига айланади. Муомалангизга эътиборли бўлинг, одатга айланади. Одатларингизга эътиборли бўлинг, характерга айланади. Характерингизга диққат қилинг, тақдирингизга айланади.

Франк Оутлов

Инсонларнинг уч хил характери бор: аниқ; эгалланган; “Мен эгаман” деб ўйлаган характерлар.

Альфонс Карр

Инсонлар дунё ва ҳаёт ҳақидаги фикрлари-

ни баён этишар экан, характерларини ҳам намоён қилаётганларини билмайдилар.

Ральф Уолдо Эмерсон

Характер бошқаларнинг ким эканлигини билганлари эмас, ўзингиз ким бўлганингизни кашф этганингиздир.

Мария Коллинз

Тоғларни эмас, ўзимизни забт этайлик.

Эдмон Хиллари

Киши бир ишни сидқидилдан, чин ихлос билан қилса шу иш давомли бўлади; ундан яхши бир натижа ва ютуқ кутилади... Ихлоссиз амал бизни ҳеч вақт мақсадга олиб бормади.

Умар Форук Жазарий

Характерсиз инсон адолатли қарор чиқара олмайди.

Гёте

Зарифа Норқобилова
таржимаси

БАХТИЁРЛИК

Меъданг яхши, оёқларинг соғлом бўлса, ҳар қандай киролининг хазинаси сени шундай бахтли қилолмайди.

Горацио Нельсон

Бахтга қаршимиздан чиқишини кутиш билан эмас, балки унинг қаршисига чиқа билиш билан эришилади.

Воамер

Пулга сотиб олинган бахт, ўша нархдан қимматроқ баҳо олдида енгиледи.

Сенека

Инсонлар кўпинча бурни тепасидаги кўзойнакни излаган паришонхотирлар каби ўз бахтини излаб юрадилар.

Гюстав Дроз

Ўз қайғуларинг билан бошқаларни ташвишга қўйма.

Будда

Баъзан бахтнинг ташқи томони чиройли, ичи эса вайрона уйга ўхшайди.

Ориф Ҳикмат

Ўзлигингиз билан бахтли бўлолмасангиз, ҳеч қачон эга бўлмаган нарсаларингиз билан бахтга эриша олмайсиз.

Зиг Зиглар

Сержаҳл бўлсангиз, ҳар дақиқа, олтмиш сония бахтни йўқотасиз.

Ральф Уолдо Эмерсон

Бахт уйқуга ўхшайди. Агар у ўз ҳолича келмаса, куч билан келтиришнинг асло имкони йўқ.

Монтегю

Ҳар бир бахт изтироб эвазига сотиб олинади.

Мандзони

Ҳар бир инсоннинг бу ҳаётда бахтли бўлиши учун нарса кифоя: бировни сева олиши, қиладиган иши ва умид қиладиган нарсасининг бўлиши.

Аллан Чалмерс

Бахтни эҳтирослардан эмас, ўз юрагингиздан ахтаринг. Бахтнинг булоғи ташқарида эмас, балки ичимиздадир.

Л.Н.Толстой

Кимдир бахтга эришганида унинг чарчашга асло вақти бўлмайди. Шу лаҳзада бахтдан бошқа нарсани ўйлай олмайди.

Фредерик Бенсон

Бахтга ўз кулбамизда етишамиз, бошқаларнинг боғида эмас.

Дуглас Ферральд

Бахтни излаган аёл бўйнидаги олмосларга эмас, кўпроқ столдаги атиргулларга қарайди.

Аноним

Хоҳ подшо, хоҳ фуқаро бўлсин, дунёдаги энг бахтли инсон – хонадонида роҳат-ҳаловат бўлганидир.

Гёте

Ҳақиқий бахт ўзингизда эканини унутманг. Ҳузур, бахт, қувончни ташқи дунёдан излашни бас қилинг. Дардлашинг. Табассум қилинг.

Мандзони

Оёқ кийимим йўқ дея хафа бўлар эдим, токи оёқлари йўқ фарзандга эга бўлгунга қадар.

Анатолий Франс

Инсонларнинг энг бахтсизи, бошқаларни бахтсиз қилиш ҳисобига бахтга эришмоқчи бўлганларидир.

Франсуа Фенелон

Бахтли оила барчадан олдинроқ жаннатга киради.

Жон Боуринг

Бахтли инсон ҳаётнинг қисқалигини ўйлайди, бахтсиз инсон учун эса бир кун ҳам абадийдек кўринади.

Лукиан

Ҳаётдаги энг катта бахт севилганимиздир.

Векот Юго

Энг бахтли инсон ажойиб фикр соҳибидир. Бўш вақтини мазмунли, ёқимли мусиқа, яхши китоблар, яхши расмлар билан ўтказган, яхши дўстлар билан таънишишни уддалай олган киши бахтлидир. Бундай инсон фақат ўзини эмас, бошқаларни ҳам бахт чашмасидан баҳраманд қилади.

Уильям Пенн

Майда-чуйда қийинчиликлар ўргимчак инига ўхшайди. Озгина ҳаракат қилсак ундан қутула оламиз.

Густав Винтер

Бахт вужуд учун яхши. Лекин дард руҳни ҳаловатсиз қилиб қўяди.

Аноним

Ғам-аламни ўйлаш уни кўпайишига олиб келади.

Аноним

Бу дунёда ҳамма нарсаси бор ҳам, ҳеч нимаси йўқ ҳам бирор дардга учрайди.

Шекспир

Фақат бахт излашни тўхтатганимизда бахтли бўла оламиз.

Аноним

Инсоннинг танҳо ўзи бахтли бўлиши айбли иш эмас.

Альберт Кан

Агар бахтли инсонни учратсангиз, унинг бир қайиқ кашф қилганини ёки ўғлини улғайтирганини ё бўлмаса боғда турли гулларни парваришлаганини кўрасиз.

В. Вольф

Бир соатлик бахт истасангиз, бир оз кутинг. Бир кунлик бахтни тиласангиз, балиқ овига чиқинг. Бир йиллик бахт истасангиз, сизга қолган катта мерос соҳиби бўлинг. Бир умр бахтли бўлишни истасангиз, бошқаларга ёрдам беринг.

Хитой мақоли

Бахтли бўлишни хоҳлаган киши кўп ишлар қилиши зарур. Ўз устида мунтазам ишлаши керак.

Демокрит

Ҳаётда фақат битта бахт бор: севмоқ ва севилмоқ.

Георги Санд

Севги – бахт эшикларини очадиган энг муҳим калитдир.

Оливер Холмс

Бахт – ташқи шартлар қандай бўлишидан қатъи назар, бахтли бўлишга қарор қилган ақлнинг натижасидир.

Дональд Вольтер

Бахт – нималарга эришишимиз эмас, қанча завқ олишимиздир.

Чарльз Энел

Бахтли бўлиш – нималарнинг соҳиби эканлигимизга эмас, бизнинг кимлигимизга боғлиқ.

Генри Дайк

Бахтни режалаштириб унга эришиш жуда ноёб ҳолатдир. Бахт кўпинча тўсатдан келади.

Роберт Халф

Азоб тортмаган руҳият бахтни қандай англар экан.

Жорж Санд

Бахтли бўлишдан кўра бахтли кўринишга урина-
миз.

Ла Рочефуколд

Бахтли бўлиш – ҳамма нарсанинг мукаммал бўли-
ши эмас.

Аноним

Бахтли ҳаётга эришиш учун кўп нарса керак эмас.
Бу бизнинг фикрлаш тарзимизга боғлиқдир.

Марк Аврелий

Беозор бўлишни ўрганинг, доим бахтли бўласиз.

Парамаханса Йогананда

Омад инсоннинг истаганига эришиши. бахт эса ти-
лакларига эришишни исташидир.

Шоль Валери

Қамоқхона панжарасидан ташқарига қараб турган
икки маҳбуснинг бири балчиқни, бошқаси юлдузларни
кўрар эди.

Э. Лангеридге

Бахтли инсон аниқ шартлар ичида эмас, балки
аниқ вазиятлар ичида бўлган инсондир.

Гук Довнс

Кўпчилик қарор қилганларидек бахтли бўлишади.

Авраам Линкольн

Бахт ташқи дунёингизда эмас, ички дунёингизда

нималар бўлганига, ҳаётдаги муаммолар бўронидан қандай омон қолишингизга боғлиқ.

Харольд Ли

Бахт, энг аввало, тан соғлиғидир.

Куртис

Инсон ўз қувончини ошириб бошқалар билан баҳам кўрсин, қайғуларини эса кичрайтириб айтсин.

Монтегю

Бахт тинимсиз меҳнат натижасида юзага келган ҳақиқий қониқиш ҳиссидир.

Жонес Барбара

Кўпчилик инсонлар ҳақиқий бахт ниманинг эвазига келиши борасида нотўғри фикрлайдилар. Бахтга олинган лаззатлар билан эмас, бебаҳо мақсадлар туфайли эришилади.

Хелен Келлер

Бахт – доимий ҳаракатда бўлганингизда келади.

Аристотель

Бахт шартларда эмас, қалбдадир.

Аноним

Табассум – инсоннинг юзидаги қишни узоқлаштирувчи қуёшдир.

Виктор Гюго

Чексиз бахт катта қайғулардан кейингина ҳаётингизга кириб келади.

В. Эдиш

Бахт фақат ғамларнинг камайишидир.

Гиппократ

Бахт ким ёки нималарга эга бўлганингизда эмас,

аксинча нима тушунганингизга боғлиқдир.

Дейл Карнеги

Табассумсиз ўтган бир кун, бекорга совурилган кундир.

Чарлз Чаплин

Бахтли одам бошқаларни ҳам бахтли қилади.

Анна Франк

Инсонлар қилган ишларидан завқ олмасалар, камдан-кам ҳолда муваффақиятга эришишади.

Дейл Карнеги

Бахтли бўлганингиздан сўнг сизга бахт олиб келган фазилатларни йўқотманг.

Бахт – икки инсон орасидаги энг қисқа масофадир.

Виктор Бorge

Бахт – мустаҳкам соғлиқ ва ёмон хотирадан бошқа нарсас эмас.

Альберт Швейцар

Эркинлик – бахтдир.

Сусан Антон

Бир йил давомида бахтли бўлишни истасангиз гулзор яратинг. Умр бўйи бахтли бўлишни истасангиз дарахт экинг.

Инглиз мақоли

Бахтнинг бир эшиги ёпилганда, бошқаси очилади.

Ҳелен Келлер

Бахт ҳаракат мевасидир.

Аристотель

Ҳақиқатдан бахтли инсон ҳеч қачон кулмаслиги мумкин, аммо кулимсирайди.

Ф.А.Авелинг

Бахт ўзлигингдан бўлган бирор нарса эмас, онгли танлашдир.

Милдред Бартольд

Куч-қувватимизни энг юксак даражасига қадар қўлласак, ҳаётда ҳаммамиз энг буюк мувафаққият ва бахтга эга бўламиз.

Смайли Блантон

Шундай инсонлар борки, бошқаларни хафа қилиш эвазига бахтли бўладилар.

Андрей Маврин

Бахтга эришиш қийин, чунки бахт бошқаларни бахтли қила олгандагина қўлга киритилади.

Стюарт Клоэт

Қўшиқ айтишни истаганлар, ҳар доим айтишга лойиқ бир қўшиқ топадилар.

Испан мақоли

Инсон ғамларни унутади ёки ўз мазорини ўзи қазийди.

Монтегю

Бахт жасорат беради.

Гёте

Бахт эртақлардаги эшикларини аждарҳолар кўриган хазинага ўхшайди. Унга эришиш учун курашмоқ керак.


Александр Дюма

Вақт учун умидсизларча курашишни йўқотсайдик, янада бахтлироқ бўлар эдик.

Уильям Питер

Бахтнинг олдидаги энг катта тўсиқ мунтазам бахтли бўлишни кутмоқликдир.

Бернард Фонтанелли



Инсонларнинг бахтлиси доимий ҳаракатда бўлганидир.

Гёте

Бахт борилажак бир жой эмас, сафар қилиш шаклидир.

Рой Гудман

Бахтли бўлмоқ бир уруғдир, баҳам кўрилган бахт эса – гул.

Аноним

Бахт бир капалак мисолидир. Қувлаганда тута олмайсиз, аммо жим ўтирганингизда келиб қўлингизга қўнади.

Аноним

Бахт ёки бахтсизлик икковидан бирини танлашдир.

Аноним

Ўзингизга бахтлиманми ёки йўқми, дея савол берсангиз, бахтли эмассиз.

Стюарт Милль

Бахт бир мукофот эмас, рағбатдир. Азоб чекмоқ жазо эмас, натижадир.

Роберт Ингерсол

Баъзилар бахтни қувлайдилар, баъзилар эса уни барпо этадилар.

Аноним

Бахтли ҳаёт бир оз қоронғуликдан иборат бўлганда ҳам бахт калимаси ўз маъносини йўқотар эди.

Карл Сунд

Менинг бахтим севган инсонларимнинг бахтини кўришдан завқланур.

Холли Кечил

Ҳаётдаги энг аҳамиятли ишимизга жиддий эътибор бермаймиз: яъни, бахтли бўлишга.

Роберт Стивенсон

Бахт қувват сарфлаганингизда ҳозир бўлади.

Вил Счултз

Бахт ниятларимиз ва тангрининг биз учун атаганининг мувофиқлашувидир.

Клаудия Рой

Баъзан инсон боласи бирор нарсага эришишимиз эмас, ўша нарсаларнинг соҳиби бўлиб, унинг қийматини билиш орқали бахтнинг келишини унутади.

Фридрих Конинг

Инсон ўз бахтининг меъмориدير.

Хориан

Бахт ҳаракатни талаб қилади. У узун дарёдир, турғун ҳовуз эмас.

Жон Год

Бахт очик қолдирилган, унутилган эшиклардан кирадиган меҳмондир.

Росе Лан

Бахтни йўқотганимиздан сўнг унинг қадрини янада яхшироқ англаймиз.

Плаутус

Бахт – бахт ва бахтсизлик орасидаги жараёндир.

Дон Маркиз

Бахтли бўлиш ўзимизга боғлиқдир.

Аристотель

Бахт бошқалар билан баҳам кўрилганда янада мустаҳкам бўлади.

А. Нильсен

Омад – орзу қилганимизга эришиб уни кўпайтириш. Бахт эса ўзингизда бориға рози бўлишдир.

Бернард Мельтцер

Бахт ҳақида ҳамма гапиради, лекин унинг нима эканини ҳеч ким билмайди.

Лоран хоним

Бахтли инсон кунлик ишлари билан машғул бўлиб, ҳаётдаги ўрнини кўрсатиш ва ўзига боғлиқ азоб билан бошқаларни ташвишга қўймаслик учун тиришади.

Ирис Мердок

Севган ишимизни қилганимизда эмас, қилган ишимизни севганимизда бахтли бўламиз.

Вильфредо Парето

Аҳволи сиздан ёмон одамга бахтингиздан сўз очманг.

Плутарх

Бахтни тотмоқнинг ягона йўли уни баҳам кўрмоқликдир.

Байрон

Бахтни ичдан ҳис қила олиш осон эмас, лекин уни ташқаридан излаб бўлмайди.

Эднес Реплив

Бахт келажак учун олиб қўйган нарсангиз эмас, балки айнан ҳозир етишишингиз лозим бўлган туйғудир.

Жим Рон

Бахтга орзу билан эришиб бўлмайди.

Эник Петоз

Аччиқ гапнинг кўпи кулдирар, севинчининг кўпи
ийғлатар.

Уильям Блейк

Бахт мақсад эмас, натижадир.

Элеонор Рожифильд

Бахт осон ишни қилиш эмас, биздан кутилган
қийин ишни муваффақиятли битириб, қилган иши-
миздан қаноатланишдир.

Теодор Рубин

Ҳақиқий бахт муваффақият напъаси ва янги нарсалар
яратиш завқидан келади.

Антуан Экзюпери

Нимага эга бўлганимиз эмас, нимадан завқ олишимиз
бахтни яратади.

Чарльз Спержен

Бахт истаганингизга эга бўлиш эмас, эга бўлганингизни
истамоқдир.

Роберт Счачэл

Ҳаётда қаҳрамонлик кўрсата оладиган ва кўп омадга
эришадиган инсонлар бор. Лекин битта камчиликлари
бор: бахтини бахтсиз инсонга мақтанишдан ўзларини
тия олишмайди.

Марк Твен

Уддасидан чиқадиган ишларимизни мақсадли нишонга
тўғрилаганимизда бахтга эришамиз.

Жон Стоссел

Йўлингиздаги энг аҳамиятли одим — яхши турмуш
ўрток танлаш ҳам бахтдир.

Аноним

Бахт завқ эмас, зафардир.

Зиг Зиглар

Ёши катта одамни севинтириш болани севинтиришдан осон.

Бернард Шоу

Бир инсоннинг бахти яшаётган уйи деворлари орасидадир.

Паскал

Қаттиқ истаган бирор нарса учун ҳаракат қилганингда бахтга рўбарў келасан.

Эрл Найтингейл

Барчамиз ҳаётда бахтли бўлиш учун яшаймиз, яшашимиз бир-биримиздан фарқли, лекин мақсад биттадир.

Анна Франк

Бахт уддасидан чиққан ишимизнинг роҳатида ва уни яратувчи ҳаракат ҳаяжонидадир.

Франклин Рузвельт

Билмаганимиз ҳолда очиқ қолдирилган эшикдан бахт кириб келади.

Баррес Морис

Ёнингдагини бахтли қила олсанг, узоқдагилар ёнингга келади.

Хитой мақоли

Балки бахтим шу сабабдан кулаяптики: қўлга киритганларимга қувониб, эришолмаганларимга ачинмайман.

Л.Н.Толстой

Бошқаларни бахтли қила олган инсон бахтлидир.

Диодор

Бахтнинг сири инсон истаган ишини қилишида
эмас, қилган ишини севишидадир.

Жеймс Барри

Катта бойликка эга одам фақат бир кунлик
эҳтиёжига етарли пули бор одамдан кўра бахтли эмас.

Геродот

Бахтли бўлишнинг икки йўли бор: ё хоҳишларни
камайтириш ёки имконларимизни кўпайтириш.

Бенжамин Франклин

Бахтли бўлганимиз учун жилмаймаяпмиз, жил-
майганимиз учун бахтлимиз

Вилли Жеймс

Инсон ўз бахтига ғов бўлиш йўлида уддабурондир.

Андрей Гиде

Инсон бахтли бўлганда янада софдилдир.

Оскар Уайльд

Зилола Очилова
таржимаси

Баъзан лаблар тугатмаган сўзларни кўзлар та-
момлайди.

Ишқни сотиб ололмайсан, аммо бадалини оғир
бир шаклда тўлайсан.

Кимни севсангиз кетишига изн беринг. Қайтса, ҳар
доим сизники, агар қайтмаса, ҳеч қачон сизники бўл-
майди.

Ошиқ бўлишнинг яхши йўли нима эканлигини би-
ласизми? Фақат яхши нарсаларни ўйланг ва ёмон хаёл-
ларга эрк берманг.

Ригерт Бернд

Севган аёлини ва севган ишини топган эркак ер
юзида жаннат топган кабидир.

Ҳамма асосий тушунчани унутади. Инсонлар сиз-
ни, сиз эса уларни севганингиздагина севишади.

Пот Морол

Севганининг камчиликларини хуш кўрмаган уни
севмайди.

Демалдер

Эркаклар кўрганларида, хотинлар эса эшитганла-
рида ошиқ бўладилар.

Водров Вайд

Севгини йўқотиш севмасликдан яхшироқ.

Сенека

Ёмон инсонлар кўрққани учун итоат этишади,
яхши одамлар севгани учун.

Аристотель

Фақат севганларни севиш севги эмас, айирбош-
лашдир.

Жаноб Шаҳобиддин

Чин дилдан севганлар бадал кутмасдан севганлар-
дир.

Аҳмад Ҳамди Танпинар

Катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат кўрсатма-
ганлар биздан эмас.

Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.)

Бир нарсага кўр-кўрона ошиқ бўлма. Севганингни
қўлга кирита олмасанг, қўлга киритганингни севишга
урин.

Жорниелим

Севги — руҳнинг гўзаллигидир.

Августин

Севги билан ўйланг, севги билан гаплашинг, севги
билан ҳаракат қилинг – ҳамма нарсага жавоб топасиз.

Меммес Айлен

Севги инсонни бирликка, худбинни эса ёлғизликка
бошлайди.

Шиллер

Севги ҳаёт ичида оқаётган дарёдир.

Жерри Бичер

Ўз-ўзига ошиқ бўлганнинг рақиби бўлмайди.

Қайсар одам билан учрашганингизда уни севги би-
лан маҳв этинг.

Махатма Ганди

Бир нарсамизни йўқотаётганимизни тушунганда-
гина севишни бошлаймиз.

Г.Честертон

Ошиқ бир оловдир, аммо қалбингизга иссиқлик
олиб кириши ёки уйингизни ёқиб юбориши но-
маълум.

Сени кимлигинг учун эмас, сен билан биргалигимда мен ким бўлганим учун севаман.

Рой Крофт

Ҳамма нарсани шу қадар севги билан бажарингки, токи ҳеч қачон бошқа шаклда такрорлашга ўрин қолмасин.

Йоги Деан

Хотинларнинг қалбига олиб борувчи йўл эркакларнинг ҳамёнидан ўтади.

Брани Доне

Олдин севмоқ, сўнгра яшамоқ истаيمان.

Зилда Дитздерельд

Севиш мўъжизавий бир доридир. Ўзимизни севиш ҳаётимизда мўъжиза яратади.

Лоуисе Ҳай

Бир-бирингизни севинг – бахтли бўласиз. Бу шунчалар оддий ва шунчалар қийиндир.

Мишеи Мунинг

Ишқ – бахтга очилган эшикнинг энг муҳим калитидир.

Оливер Холмс

Ишқ – кўзларсиз кўриш, қулоқларсиз эшитиш. Нафрат эса ҳеч нарса.

Доун Хартон

Бизга мафтун бўлганларни севамиз, биз мафтун бўлганларни эмас.

Севиш ўз бахтимизни бошқанинг бахтига боғлашдир.

Готфред Лебниц

Кимнингдир яхши одамга айланишини истасан-
гиз, севишига рухсат беринг.

Овидий

Ишқ аланга олган дўстдир.

Дарахт экканлар ўзларидан бошқаларни ҳам сева-
дилар.

Инглиз мақоли

Ишқ саҳросида ҳар доим ўзини ўтга тутганлар бор-
дир.

Француз мақоли

Сабрсиз — ошиқ бўлолмайди.

Итальян мақоли

Севган аёл ҳеч қачон қаримас.

Пауль Рихтер

Ҳаётда фақат бир бахт бор: севмоқ ва севилмоқ.

Аҳмад Ҳошим

Фақатгина севганларимиздан ўрганамиз.

Гёте

Бошқалардан нафратланишнинг бадали ўзини
жуда оз севишдир.

Элдридге Имовер

Сева оладиган киши бир кўришда севади.

Шекспир

Кутилган ишқ гўзалдир, аммо кутилмаганда келга-
ни ундан ҳам яхшироқ.

Шекспир

Инсонлар бошқаларни ким бўлганлари учун эмас,
улар билан ўзларини бахтли ҳис қилганлари учун сева-
дилар.

Инвен Федерман

Бизни ҳаётнинг юки ва аччиғидан севги қутқаради.
Севгидан руҳланган аёл ҳар қандай қийинчиликни
енгишга жасорат топади.

Роберт Калф

Ошиқ бўлиш жаннатнинг бир парчасига соҳиб бў-
лиш демакдир.

Карн Скайрим

Ягона олтин қоида – севишдир.

Қирол Альфред

Ишқ олов бўлгани каби, нур ҳамдир.

Генри Торо

Севишни ўрганиш ҳақиқий бахтдир.

Халлерман

Бир нарсани қаттиқ севиш инсонни шу нарсага нис-
батан кўр қилиб қўяди.

Ҳазрат Муҳаммад (с. а. в.)

Бир одамни ҳовучимизга олишнинг энг яхши йўли
унинг қалбини эгаллашдир.

Ла Жордале

Севилмоқ севмоқдан бир поғона устундир.

Аҳмад Ҳошим

Агар севишимни истасангиз, олдин севинг ва се-
вимли бўлинг.

Бенжамин Франклин

Ҳамма нарсани бошидан бошлашнинг имкони бўл-
ганида, такроран ўзингизга ошиқ бўлармидингиз.

Ҳар биримиз ғайритабиий қобилият соҳиби бўли-
шимиз керак эмас, фақат мантиқ ва севги етади.

Марк Аврелий

Севги бир неча киши тарафидан яралган, аммо
жуда камчилик завқланиб, уни давом эттирадиган
туйғудир.

Иоганн Натхо

Севилмоқни истасанг сев.

Сенека

Севган қалб ҳар доим ёшдир.

Юнон мақоли

Севги қоронғуликни ойдинликка айлантиради.

Хелен Стайнер Райс

Мухлиса Азимова
таржимаси

УМИД

† Умидини йўқотганларнинг бошқа йўқотадиган нарсаси бўлиши ҳам мумкин эмас.

Боис Винсент

† Умид билан яшайдиганлар муסיқасиз ҳам рақсга тушадилар.

Рон Хаббард

† Ҳаётда умидсиз вазиятлар йўқ, фақат умидсизликка тушган инсонларгина бор.

И.С.Бах

Шафақ ёришмасдан олдин ҳамма жойда қоронғулик ҳукмрон бўлади.

Катерина Мансфельд

Умид кўзга кўринмасни кўради, қўл билан тутилмагани ҳис қилади ва иложи йўқ нарсанинг уддасидан чиқади.

Аноним

Катта умидлар катта шаклларни етиштиради.

Томас Фуллер

† Умид фақирнинг нонидир.

Талес

Муваффақиятга эришишни умид қилмайдиган инсон бошиданоқ ҳаммасидан айрилади.

Хесус Ольмеда

Умид қилмаган ҳеч қачон умидсизликка тушмайди.

Бернард Шоу

Ҳеч ким абадий эмас.

Сара Бернар

Умид бахтдан олинган бир мисқол қарзидир.

Жозеф Жубер

Умиднинг бир мушукчалик жони бор.

Генри Лонгфелло

Умид яхши нонушта бўлиши мумкин, лекин кечки овқат ўрнини боса олмайди.

Фрэнсис Бэкон

Умид бутун инсониятнинг ҳасратига малҳам.

Бреттон

Энг сўнги йўқотиладиган нарса умиддир.

Италия мақоли

Энг қўрқинчли пайтларда ҳам асло умидингни узма, ёдда тутки, бу илмларнинг энг тотлисидир.

Саъдий Шерозий

Бор умидим ўзимдан.

Теренций

Муҳими, фақат умид билан яшай олишимиз эмас, балки умид бўлмаса ҳаётнинг арзимаслигини англашдир.

Харви Милк

Қўрқувнинг умидингизни таъқиб этишига рухсат берманг.

Бенжамин Дизраэли

Умидсизлик аҳмоқлик билан қўлга киритилган натижадир.

Бенжамин Дизраэли

Ҳаёт бор жойда умид бордир.

Руминия мақоли

Умид билан яшашга интилинг. Умид қилиш одадий ҳолга айланганда бахтли бўлишга муваффақ бўласиз.

Норман Винкент Пил

Умидга бутунлай боғланиб қолмаслик керак.

Эпиктет

Умидвор бўлишимиз керак, йўқса очликдан ўламиз.

Пьер Буаст

Умид қилмоқ бахтли бўлиш дегани.

Апулей

Юксалиш, ривожланиш ҳеч қачон қўрқошимизга, умидимизни сўндиришга сабаб бўлмаган.

Турк мақоли

Соғлиғи жойида бўлганнинг умиди бор ва умиди бор бўлган ҳамма нарсага эгадир.

Араб мақоли

Кунингизни илҳом берувчи фикр билан бошланг.

Аноним

Дунёдаги ҳамма нарса умид туфайли яратилган.

Мартин Лютер

Умид баъзида бўлмаганни бўлдиради.

Р. К. Тхомаён

Инсоннинг зеҳнини умид билан қадрлай оламиз.

Ральф Уолдо Эмерсон

Умид бўлмаганда эди, юраклар тилинарни.

Испан мақоли

Жасорат сезги кабидир, унинг ривожланиши учун умид зарур.

Наполеон

Бизга уч нарса бахт келтиради: бажарадиган ишимиз, севадиган ёримиз ва умид қиладиган нарсамиз.

Жозеф Аддисон

Кечадан ўрган, бугун билан яша, эртанг учун умид қил.

Аноним

Умид ухлаётган кишининг тушидир.

Арасту

Дунё “воз кеч” деганида, умид “яна бир марта сина” деб пичирлар.

Аноним

Ҳеч қайси жонзот умидини узмайди.

Августин

Умид ўлимга қадар барҳаёт.

Бернард Шоу

Умид инсонга ҳаёт бағишлайди.

Меҳмет Камол

Умидларимизга кўра сўз бериб, кўрқувларимизга кўра ҳаракат қиламиз. Ҳамма нарсадан айрилганда ҳам биргина умид қолади.

Тхалес

Бахтли ҳаёт учун умид қилмаган одам ўлгандир.

И.В.Гёте

Умидсиз қолиб ҳам, ҳеч нарсадан умидни узмаслик керак.

Сенека

**Диана Исмадова
таржимаси**

ДЎСТЛИК

Дунёнинг чегарасига боришни хоҳласангиз, дўстларингиз сонини орттиринг.

Аноним

Ҳар бир одамнинг қандайлиги дўстларининг сони билан ўлчанади.

Ҳазрати Али

Учишни эсимиздан чиқарган пайтда бизни кўкларга кўтарган дўстларимиздир.

Керри Хоскинс

Нуқсонсиз дўст қидириш дўстлашишни хоҳламасликдир.

Де Сакс

Дўстингизни хафа қилмасликнинг ягона йўли уни тушунмоқдир.

Жулия Холмс

Сиз ёқтирмаганларни ёқтирмайдиган киши дўстдир.

Аноним

Дўстлик бирор кишига берганни унутишлик ва нима олганини эсидан чиқармаслиги билан мустаҳкамланади.

Думас Йонгер

Инсоннинг ўзи билан дўст бўлиши жуда муҳимдир. Чунки бундай дўстлик бўлмас экан, бошқалар билан ҳам дўст бўла олмайсиз.

Теодор Рузвельт

Душманларингизни севишдан кўра дўстингизга яхши муносабатда бўлинг.

Эдгар Хоу

Дўст камчиликларимизга қарамасдан бизни севган
кишидир. ~

Жером

Уйни гўзал қилган йўқлаб келган дўстларингиздир.

Ральф Уолдо Эмерсон

Яхши дўст олдингдан ханжар уради.

Леонард Левинсон

Душманларингиз ақлдан озишини хоҳласангиз,
уларни севинг.

Эдгар Хоу

Ховлингизнинг орқа томонида дўстларингизнинг
хатоларини кўмишга етарли катта мозор бўлсин.

Генри Бичер

Ота-онамизни тақдир, дўстларимизни ўзимиз тан-
лаймиз.

Жак Делиль

Бошқаларнинг ҳаётига нур олиб келганлар беих-
тиёр, ўз ҳаётига ҳам нур олиб кирадилар.

Жеймс Барри

Ёнингда бўла олган киши дўстдир.

Аноним

Ҳамма сиздан воз кечган пайтда ёнингизга келгани
чин дўстдир.

Вольтер Винчен

Ишончсизлик туғилганда дўстлик ўлади.

Эпикур

Дўстлик шундай бир соғлом боғки, ундан пул сўра-
масангиз узоқ ҳаёт кечириши мумкин.

Марк Твен

Дўст дўстларининг нуқсон ва заифликларига чида-
ши керак.

Уильям Кўпер

Инсон ҳамма нарсага эга бўлса-да, дўсти йўқ бўлса
яшашни хоҳламайди.

Аристотель

Дўст танлаётганингизда кимлигига қараб эмас, ха-
рактерига қараб танланг.

Сомерсет Моэм

Яхшиликларни баҳам кўрадиган дўстларингиз бўл-
маса, бирор нарсага эга бўлишнинг завқи ҳам йўқдир.

Сенека

Кимларгадир қилаётган яхшилигингиз, фақатгина
ўз бойликларингизни улашиш эмас, балки уларнинг
бойликларини ўзларига кўрсатишдир.

Бенжамин Дизраэли

Кимнидир мукофотлашингиз, уни эмас ўзингизни
мақташдир.

Жон Дьюи

Яхши яшашни истасанг, яхши дўст топ. Дунёга бе-
рилганнинг дўстлигига ишонма.

Меҳмет Камол

Инсоннинг дўсти йўқдир. Бахтлилигини баҳам кўр-
ганлар бордир, холос.

Наполеон

Дўстингизга эҳтиёжингиз пайдо бўлгандагина
унинг кимлиги билинади.

Араб мақоли

Яхши дўстнинг кўнгилга далда беришидан гўзал
нарса йўқ.

Катерина Хатхавей

Чин дўст хазинадир.

Жон Беллерс

Инсон дўстсиз бахтли бўлолмас. Бахтсиз бўлишдан олдин дўстингизнинг қадрига етмайсиз.

Томас Фуллер

Ҳамма севикли бўлишни хоҳлайди, агар кимнидир ёқтирсангиз, буни сир сақламанг.

Мери Кей

Кўп дўстлар йўқотилади, фақат битта ҳам ҳақиқий дўст топилмайди.

Чех мақоли

Агар мени юқорига олиб чиқишни хоҳласанг, мендан-да баланд бир жойда бўлишинг керак.

Эмерсон

Ўзингизни қувонтиришнинг энг осон йўли бошқаларни қувонтиришга қилган ҳаракатингиздир.

Марк Твен

Дўст ҳар қандай вазиятда ҳам дўстдир.

Халқ мақоли

Менинг энг яхши дўстим энг яхши жиҳатларимни ҳаммага кўрсатганидир.

Генри Форд

Чин дўст ўтмишингизни эслатиб, келажагингизни кўрсата олади.

Аноним

Менга илтифот қилсанг, сенга ишонмайман. Мени танқид қилсанг, сени севмайман, аммо жасорат кўрсатсанг, сени асло унутмайман.

Уильям Форд

Ишларидан орттириб менга вақт топган дўстимни қадрлайман, аммо ишлари кўплигига қарамасдан мен

учун вақт ажратган дўстимни ҳамма нарсадан устун қўяман.

Роберт Брижес

Дўстлигимизни соғлом асос устига қуришни хоҳласак, дўстларимизни ўзимиздан зиёда севишимиз лозим.

Чарльз Бакстон

Биттагина гул боғим, ёлғиз дўстим дунём бўла олади.

Антон Биас

Айрим одамлар энг яхши дўстларининг заиф томонларидан роҳатланадилар.

Честерфилд

Қийинчилик билан турмуш кечираётган дўстингизга тўкин ва бахтли ҳаёт кечираётган дўстингизга нисбатан яхшироқ муносабатда бўлинг.

Чело

Бир сўз демасдан бир-биридан завқлана олиш самимий ва чин дўстликдир.

Георг Эберс

Дўст – қалбимдаги қўшиқни эшитиб, уни менга айтиб бера олган одам.

“Ридерз дайжест” журнали

Дўст топиш учун бир кўзинг ёпилиши керак, уни сақлаш учун эса иккинчиси.

Норман Дуглас

Дўст одатда иккинчимиздир.

Маркос Кикеро

Ҳақиқий дўстга ҳамманинг эҳтиёжи бор.

Уильям Гладстон

Нуксонларим ҳақида гаплаша оладиган дўстларимни севаман.

Уильям Харлей

Дўстлик қаноатсиз севгидир.

Лорд Байрон

Чин дўстлик икки инсоннинг орасида ноқулайлик туғилмаганда пайдо бўлади.

Д. Генри

Содиқ дўст ўн бир қариндошга тенгдир.

Эврипид

Яхши дўстнинг кайфиятни кўтариб, далда беришидан яхши нарсa йўқдир.

Катерина Хатхавай

Ёнингизда дўстингиз бўлса, ҳеч бир йўл узун эмас.

Япон мақоли

Дўст ачитиб гапирар.

Халқ мақоли

Инсоннинг китобчалик дўсти йўқдир.

Эрнест Хемингуэй

Ҳеч қачон дўстни алдаманг.

Техуэ Сеч

Дўстлар келиб-кетиши мумкин, аммо душман йиғилади.

Ж. Кауфман

Эски дўст бўлиш учун кўп вақт керак.

Жон Леонард

Дўстлик кичкина яхшилик эвазига катта яхшиликлар олиш учун қилган савдомиздир.

Шарль Монтескьё

Қувончли ва қайғули лаҳзаларда дўстларга эҳтиёж сезилади.

Самуэль Питорсон

Дўстингизнинг кимлигини унга эҳтиёж сезгандагина билишингиз мумкин.

Араб мақоли

Бир инсонни билиш учун у билан дўстлашиш керак.

Шуносий

Садоқатли дўст топган хазина топган билан баробар.

Аноним

Душманингиздан қутулишнинг ягона йўли у билан дўстлашишдир.

Аноним

Ҳеч ким қўшнисига эҳтиёжи бўлмайдиган даражада бой эмас.

Дания мақоли

Агар дўст деъ билган кишимизнинг орқамиздан айтган гапларини эшитганимизда эди, дунёда жуда кам дўстимиз қоларди.

Паскаль

Юзингиз кирланса, фақат ҳақиқий дўстларгина буни сизга айтади.

Сицилия мақоли

Яхши хулқни бизни севган дўстлардан, хатоларни биздан нафратланган душманлардан ўрганамиз. Ҳақиқий характерни эса дўстлардан осонгина ўзлаштира олмаймиз.

Пауль Рихтер

Дўстимиз борлигини кашф қилган он энг қисқа,
аммо ажойиб лаҳзадир.

Уильям Рожерс

Менга дўстингни айт, сенга кимлигингни айтаман.

Сервантес

Инсон мулоқотидан ташқарида бахт йўқдир.

Антуан Экзюпери

Бахтли одам бошқаларни ҳам бахтли қилади.

Марк Твен

Ҳар доим ўз фойдасини кўзлайдиган инсон тез
душман топади.

Конфуций

Олдимда юрма, таъқиб этишим мумкин, орқамдан
юрма, йўлбошловчи бўлишим мумкин, ёнимда юр ва
фақат дўстим бўл.

Альберт Жеймс

Дўстларимизнинг бизга сезилмайдиган нуқсон-
ларини осонгина кечирамыз.

Аноним

Дўст бўлаётганингда ювош бўл, ўзгартираётганда
эса янада ювош бўл.

Бенжамин Франклин

Сенга душманлик қила оладиган даражада дўс-
тинга куч берма.

Саъдий Шерозий

Дўстларнинг тили сўзлар эмас, диллардир.

Дўстлик бор жойда бойлик бор.

Плаутус

Ҳамма билан дўст бўлганнинг дўсти бўлмас.

Олмон мақоли

Ака-укамни Худо яратди, аммо дўстларимни мен танладим.

Гёте

Ўзимни ёлғиз қолдирмаслик учун бутун кечани ойнанинг қаршисида ўтказдим.

Айбларингизни сизга айта оладиган дўст топинг.

Никола Буало

Яхши инсонлар билан дўст бўлинг. Ёмонлар билан дўст бўлишдан кўра ёлғизлик афзал.

Жорж Вашингтон

Дўстингиз билан босиб ўтилган бир кунлик масофа юз одимлик йўлдир.

Рус халқ мақоли

Бошқаларга яхшилик қилиш учун машғул бўлган киши, ўзига ҳам яхшилик қилишни кафолат остига олади.

Конфуций

Ёлғизлик ёмон дўстдан, яхши дўст эса ёлғизликдан яхшидир.

Альфред Мюссе

Ҳақиқий дўстлик икки танда яшаган бир рух ва икки рух билан яшаган бир тандир.

Аристотель

Чин дўстлик сояга қуёш нурини, қуёш нурига эса сояни олиб келади.

Томас Бокль

Қўлга киритиш ҳар доим мен учун кўп нарсани ифодалайди, аммо энг кўп маънони англатгани дўст топмоқдир.

Убайд Закони

Инсон янги-янги дўст топмас экан, ҳаёт ривожлангани сари, кўп вақт ўтмай ўзини ёлғиз ҳис қилади. Дўстлик ҳам тез-тез таъмирланиши керак.

Сэмюэл Жонсон

Эҳтиёжи бўлмаганларнинггина чин дўсти бор.

Уильям Шекспир

Душманига табассум қилган унинг қалбига таъсир этади.

Муҳаммад Камол

Дўстинг билан ёлғиз қолганда уни танқид қил, бошқаларнинг ёнида эса мақта.

Аноним

Саҳар соат тўртда телефон қиладиган киши дўстингдир.

Мартин Дистрич

Агар душман истасангиз, дўстларингиздан ўтиб кетишга интилинг. Дўст хоҳласангиз, уларнинг сиздан ўтиб кетишига имкон беринг.

Агар дўстингиз муаммо ичида бўлса, “бирор ёрдам керакми?” деб сўраманг, дарҳол унга ёрдам беринг.

Э. В. Нове

Дўстларимизнинг бизга билдирган ишончларидан ортиқ ёрдам йўқдир.

Эпикур

Икки инсон бир-бирини севгани учун доимо бирга ишлайди. Севинч қўшилганда муносабатлар янада кучаяди, қайғу эса иккига бўлинади.

Паул Галлис

Дўстнинг ширин тили дўстга ҳаёт беради.

Меҳмет Алтунбаш

Дўстни хафа қилган душманини шодлантиради.

Шоҳиста Камол қизи

Ҳар кимнинг дўстлиги табиатига муносибдир.

Салоҳиддин Абдуллоҳ

Миннат қилган ҳақиқий дўст эмас.

Муҳаммад Камол

Яхши дўст топмаган ғамгин яшаб, дунёдан ғамгин ўтади.

Меҳмет Алтунбаш

Кишиларнинг дўстликлари мусибат чоғида билинади.

Шоҳиста Камол қизи

Ҳақиқатни гапирганнинг дўсти оз, душмани кўп бўлади.

Элиф Абдурахмон

Дўст қадрини билган унинг хатоларини кечиради.

Салоҳиддин Абдуллоҳ

Гулноза Эржигитова
таржимаси

ЎТМИШ, КЕЛАЖАК

Кўпинча елкага қўйилган қўл, бир жилмайиш, бир сўз, эшитгувчи бир кулоқ, дилдан айтилган сўз ёки кичик самимий муносабатнинг кучини назарга илмаймиз. Аслида, буларнинг ҳаммасида ҳаётимизни ўзгартирадиган куч мавжуд.

Лео Путиц

Ўтмиш — челақ тўла кулдир.

Карл Сименс

Ўтмишни ўзгартиролмайсан, аммо келажақ ҳали қўлингдир.

Хай Уайт

Ҳеч ким ўтмишни қайтара оладиган даражада қудратли эмас.

Оскар Уайльд

Келажагингиз равнақи учун ўтмишингиз йўқолиб кетишига йўл қўйманг.

Чарльз Гивенс

Фақат ўтмиши билан яшаган киши секин-секин чўқади.

Барбара Стенвик

Ўтмиш ҳозирги дақиқалар билан белгиланади.

Шарль Гуно

Ўтмишдан ўрганиш билан ўтмишда яшамоқ айни бир нарса эмас.

Кенит Авченкосс

Ўтмишга келажақ нурли бўлсин, деб қаранг.

Роберт Гуткин

Ҳозирги ҳаётингиз қанчалик ёмон бўлса-да, эртага яхши кунлари бўлади.

Геральд Барзан

Кеча ўтмайдиган бир чиптадир: уни унутинг. Эрта бир санъатдир: унга ортиқ ишонманг. Бугундан фойдаланинг.

Эдвин Блисс

Келажак ҳорғин ва тушқун инсонларга эмас, роҳатини тарк этган, ғайратли инсонларга хосдир.

Цицерон

Ўтмиш ҳамиша бир оз яхши кўринади, чунки у бу ерда эмас.

Пол Диксон

Ўтмишнинг ҳақиқатлари эмас, биз учун нима ифода этгани ҳаётимизни шакллантиради.

Брайен Фрил

Ўтмиш ҳақида ёмон ўйламанг, аммо унутманг ҳам.

Томас Раддалл

Ўтмишни ўзгартиролмаймиз, аммо ҳар замон ўрнини тўлдиришимиз мумкин.

Жан-луи Фурнье

Ўтмишни хотирламаганлар уни янгилашга маҳкумдирлар.

Жорж Сантаяна

Ўтмиш бошланғич ҳаётдир.

Шекспир

Инсон ўтмишни унутмайди ва унга боғланмайди. Қанчалик тез ёки узоққа қочса-қочсин, бу занжир ҳам инсон билан бирга ундан узоқлашади.

Фридрих Ницше

Ўтмишнинг гўзаллиги ўтмиш бўлишидир. Бугуннинг гўзаллиги бунинг фарқига бормоқдир. Келажак-

нинг гўзаллиги инсоннинг қаерга кетишини кўришдир.

Аноним

Келажакнинг энг тўғри сўзли коҳини ўтмишдир.

Байрон

Энг яхши нарсалар ўтмишингизда эмас, ҳамма вақт олдингиздадир.

Бриан Жубер

Кеча тарихдир, эрта номаълумдир, бугун бир ҳадядир.

Теодор Рузвельт

Вақт ҳеч қачон йўқолмас, йўқолган бизлармиз.

Пьер Корнель

Мен келажакка қизиқаман, чунки ҳаётимнинг қолганини ўша ерда яшайман.

Чарльз Кеттеринг

Аҳмоқлар ўтмишдан, ақллилар бугундан, жиннилар эса келажакдан сўзлайди.

Наполеон

Келажагингизни яратинг, аммо ўтмишингиздан эмас.

Варнер Эрхард

Келажакдаги номаълум воқеалар учун қўрқув ҳис қилмаган инсон ақлли инсондир.

Анатоль Франс

Вақт муваффақиятга, муваффақият эса вақтни қадрлашга боғлиқдир.

Сенека

Икки кунни ҳам бир хил ўтказган вақтини зиён қилибди.

Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.)

Кундузи чироғини тайёрламаган кечқурунги қоронғуликка рози, демакдир.

Жаноб Шаҳобиддин

Келажак покиза оппоқ қор каби олдимизда ястаниб ётибди. Қандай юришингизга диққат этинг. Чунки ташлаган ҳар бир қадамингизнинг изи қолади.

Аноним

Бугун кечанинг ўқувчисидир.

Публилий Сир

Келажак деразасидаги парда ҳар вақт ёпиқдир.

Ж. Бегелов

Инсонлар ва жамият ўз келажаги билан қизиқмаса, ташвиш ва йўқотишлари кўп бўлади.

Конфуций

Ҳаётни севсангиз, вақтни бекорга сарфламанг, чунки вақт ҳаётнинг ўзидир.

Бенжамин Франклин

Афсуски, биз аҳамиятсиз ишларга югурияпмиз-у, аҳамияти кўп бўлганни унутяпмиз.

Умар Форук Жазарий

Элёр Бобоқулов
таржимаси

МУНОСАБАТ

Инсоннинг ўзи нур ёнида тургани учун соялар вужудга келади.

Ральф Уолдо Эмерсон

Ҳаётга бўлган муносабатимиз ҳаётнинг бизга нисбатан муносабатини юзага келтиради.

Эрл Найтингейл

Бахтнинг қўлидан тутолмаганлар уйғонганларида фақат нолийдиганлар ва ухлар экан эртага нима ҳақида шикоят қилишни ўйлайдиганлардир.

Адам Зиндани

Ҳаёт кўзларингиз билан кўрадиган фильмдир. Ташқарида нима бўлиб ўтгани муҳим эмас. Аҳамият-лиси, уни қандай кўрганингиздир.

Денис Уэйтли

Биринчи қоида: майда нарсаларга сиқилманг. Иккинчи қоида: барчаси майда нарсалардир.

Михаил Малютин

Ҳар кунингизни олган ҳосилингиз учун эмас, эккан уруғингиз учун қадрланг.

Роберт Стивенсон

Юкнинг ўзи эмас, уни қандай ташиганингиз келтирган зарарингизга сабаб бўлади.

Лина Хорн

Аҳамиятлиси бошингизга қандай ташвиш тушгани эмас, уларга қандай бардош берганингиздир.

Эпикур

Қийинчилик олдида фурсат ётади.

Эйнштейн

Инсон бахт йўлини танлаган вақтдан эътиборан бахтлидир.

Александр Солженицин

Бир дақиқа имконсиз бўлган нарса, ишонсангиз, бир дақиқада имкони бор нарсага айланади.

Норман Винкент Пил

Иккиланиш кичкина нарсага катга соя беради.

Швед мақоли

Имконли деб ўйлаш жасоратнинг асосидир.

Николас Батлер

Бахтга элтувчи биргина йўл бор, у ҳам бўлса ихтиёрингиздан ташқаридаги нарсаларга андиша қилмаслик.

Эпиктет

Имкон қидирмайдиган инсон булутларнинг фақат зулмат тарафини кўради ва ғам чекади; файласуф икки тарафини кўради ва елка қоқади; донишманд булутларни кўрмайди, балки уларнинг устида юради.

Леонард Левинсон

Бахтли одам аниқ шартлар ичида эмас, аниқ ҳаракатлар ичида бўлган одамдир.

Муносабат яхши ва ёмон ҳамда 24 соат ишлайдиган махфий бир кучдир.

Аноним

Имкон қидирадиган инсон нур йўқ ерда нурни кўра олади. Аммо имкон қидирмайдиган инсон уни сўндиришга ҳаракат қилади.

Мишель Перри

Кўркув эртанинг ташвишини йўқ қила олмайди, бугуннинг имкониятидан воз кечади, холос.

Корритен Боом

Инсонлар қарзлари ва масъулиятлари ўрнига эга бўлган бойликлари ҳақида ўйласалар эди, чўчишдан воз кечган бўлишарди.

Дейл Карнеги

Ҳеч нарса яхши ёки ёмон эмас, фақатгина ўша нарса ҳақида шундай ҳаёлга бориш, уни шу аҳволга келтиради.

Шекспир

Ўтмишни ўзгартира олмаймиз. Инсонларнинг ури-нишларини ўзгартира олмаймиз. Ўзгартира оладиган ягона нарсамиз хатти-ҳаракатимиздир.

Чарльз Свиндолл

Инсонлар орасида жуда кичик бўлган бир фарқ бор, аммо кичик фарқ катта фарқни келтириб чиқаради. Катта фарқ эса биздаги имконият ва имконсизликдир.

Клемент Стоун

Ўзингизни соф тутишингиз тўғри, чунки орқага қайтиб дунёни кўришингиз керак бўлса, ойна ўзингиз бўласиз.

Бернард Шоу

Имконга яқинлашиш кишининг бахтли ҳаёт учун йўлланмасидир.

Аноним

Бахтнинг энг катта қисми ундаги шартларга эмас, хатти-ҳаракатингизга боғлиқ.

Марта Вашингтон

Ҳар доим қўлингизда нима қолганига қаранг, аммо ҳеч қачон бой берганингизга эмас.

Роберт Скүлер

Умидсизлик ҳақида эмас, умидсизлик ичида қолган инсонларнинг борлиги ҳақида ўйланг.

Норман Винкент Пил

Барҳаёт қуёшга тўғри боқинг. Шунда ҳеч қачон сояни кўрмайсиз.

Ҳеллен Келлер

Қалбингизда ям-яшил бир дарахт ўстиринг, балки унга қўшиқ куйловчи бирор қуш келиб қўнар.

Хитой мақоли

Тақдирингизни ўзгартира олмасангиз, одатларингизни ўзгартиринг.

Аму Тан

Шартлар ҳар доим ҳам сизнинг назоратингизда бўлавермайди, аммо тушунчаларингизни назорат қилишга имкон бор.

Чарльз Поплестон

Инсонларга, жамиятга кўпроқ манфаатим тегсин, деган ниятда меҳнат қилиш ҳам ибодатдир.

Умар Форук Жазарий

Яшаётган дунёмиз бир инсон учун жаннат бўлса, бириси учун жаҳаннамдир.

Ральф Уолдо Эмерсон

Жилмайинг, чехрангиз гузаллиги янада ортади.

Долли Партон

Гўзал Мирзаева
таржимаси

ЖАҲДОРЛИК, КИН-АДОВАТ

Жаҳд устида қарор берган, бўронли ҳавода елкан очган инсонга ўхшайди.

Эврипид

Жаҳддорлик ўткинчи телбалиқдир. Шу сабабли туйғуларингизни жиловланг. Акс ҳолда улар сизга эғалик қиладилар.

Хаража Ман

Жаҳддорликнинг натижаси сабабдан ҳам оғирроқдир.

Марк Аврелий

Нафрат ўзингизни жазолашингиздир.

Хосе Балло

Бир инсон ўзини хор кўрмасдан бошқасини хор кўрмайди.

Сенека

Нафрат заифнинг ғазабидир.

Альфонсе Даудет

Кучли инсон ҳар вақт жаҳлини бошқара олади.

Жон Пушкин

Жаҳддорлик ғазабни вужудга келтирган ҳолатдан ҳам кўп зарар келтиради.

Девид Мкай

Севги қусурларни кўришимизга тўсқинлик қилади, нафрат эса фазилатларни.

Иба Эзра

Ғазабнинг оташи, аввал, эгасини куйдиради, сўнгра учқуни душманига ё боради, ё бормайди.

Саъдий Шерозий

Ҳеч ким менинг жаҳлимни чиқаришчалик
аҳамиятга эга эмасдир.

Карлос Контенадо

Барчамиз фарқли ҳароратларда қайнаймиз.

Ральф Уолдо Эмерсон

Иш қанчалик жаҳл билан бошланса, уят билан охи-
рига етади.

Бенжамин Франклин

Адолатимиз ошган сайин кин-адоват қилаётган ки-
шимиздан ҳам кичрайиб кетамиз.

Ла Ражеф Колд

Жаҳл ҳеч қачон тортишувсиз пайдо бўлмайди,
аммо ижобий тортишувдан чиқиши камдан-камдир.

Эдвар Холифакс

Ғазабнинг энг яхши давоси уни кечиктиришдир.

Сенека

Асабий инсон урушда бўлгани каби, ҳаётда ҳам
ўзини мағлубиятга учратади.

Сомерсет Моэм

Ғазабнинг боши телбалик, охири пушаймонлик.

Томас Карлейл

Инсон ётиб, ухламасдан олдинроқ ғазабини унути-
ши лозим.

Томас Кюнже

Ғазабланганда керак бўлган сабр юз кунлик
қайғудан юзага келади.

Хитой мақоли

Ҳамиша Аллоҳ кузатиб турганини эслаганлар
жаҳлларига ҳоким бўлганлардир.

Платон

Нафратни фақатгина севги билан енга оласиз.

Ганди

Ғазаб катта куч. Назорат қила олсангиз, дунёни ҳаракатга келтира оладиган кучга айланади.

Свами Севанада

Бир онлик ғазаб ҳар нарсани йўқ қилар.

А. Глеин

Ким эканингизнинг эътиборга олинмаслиги, ким эмаслигингизнинг эътиборга олинмаслигидан яхшироқдир.

Андрей Гиде

Сабрли инсоннинг ғазабидан сақланинг.

Жон Друдин

Нафрат севги бўлмаган жойда вужудга келади.

Уилсон Мизнер

Барча нафратлана олади. Муҳими, севишдир.

Жон Уилсон

Аёллар каби ўч олишдан завқланадиган бошқа мавжудот йўқдир.

Жювьё

Нафрат кўрқоқнинг интиқомидир.

Бернард Шоу

Қийинчиликларга жаҳл қилиш – уларни енга олмасликни ўйлаш, демакдир.

Робиндранат Тагор

Севги билан эмас, нафрат билан яшаган инсон касалдир.

Ғазаб зеҳннинг оловини сўндирувчи кучли шамолдир.

Андрей Гиде

Дунёда ҳеч бир нарса инсонни кин сақлаш туйғусичалик хароб этмайди.

Ораси бузилган дўстликдан кейинги нафрат нафратнинг энг кучлисидир.

Г. Лесинг

Инсоннинг ғазабланиши бошқаларнинг интиқомини ўзидан олиши, демакдир.

Жонатан Свифт

Душманларимизга бўлган нафрат уларнинг бахтиёрлигига бизникичалик зарар бермайди.

Пети Сан

Ғазаб билан бирга ақл ҳам учиб кетади.

Чарльз Диккенс

Нафрат жуда ҳашаматли туйғудир. Фақат севганларимизни фидо қилиб яшашимиз мумкин.

Боб Уткоф

Ғазабланган инсон ўзига келгач, ўзидан ғазабланади.

Публилий Сир

Ғазаб экилган жойдан пушаймонлик ўриб бўлинади.

А. Мандзони

Нафрат, ғазабинг учқун сочар экан, сен инсон эмасан, меҳр-шафқат билан оламга қарагинки, шунда чин инсон бўласан.

Муҳаммад Камол

Мадина Акромжонова
таржимаси

БОЙЛИК

Бир миллион доллар ўрнига бир миллионта дўст-
ни афзал кўрардим.

Эдвар Риччербакер

Ҳақиқий бойлик мол кўплиги эмас, кўнгил
тўқлигидир.

Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.)

Ҳақиқий бой деб, бориға шукур қилган ва ҳеч ким-
га бўйин эгмаган, кўзи тўқ кишини айтаман.

С. Хоу

Оз нарсаси бор эмас, доим жуда кўпини хоҳлаган
фақирдир.

Сенека

Пул очликни кетказади, бахтсизликни эмас, таом
қоринни тўйдиради, руҳни эмас.

Бернард Шоу

Инсоннинг мулки инсонийлигида.

Мустафо Камол Отатурк

Мол-мулк мард ва буюрган инсонларнинг олдига
келади.

Вергилий

Пул ўлдирган руҳ қилич ўлдирган танадан кўра
кўп учрайди.

Вольтер Скотт

Бой одам қўлидагига қаноат этган кишидир.

Эмерсон

Тиш оғригини кечирганлар тишлари соғлом
бўлганларни, камбағаллар эса пули кўпларни бахтли
санашади.

Бернард Шоу

Бой бўлишни истасанг, пул топишни ўйлаганинг
каби йиғишни ҳам ўйла.

Бенжамин Франклин

Чўнтак тешилса, уни пул билан тўлдиришнинг ҳеч
бир фойдаси йўқ.

Георгес Элитон

Дунёнинг энг катта фожиаси камбағаллик эмас,
бойликка тўймасликдир.

Жеймс Сена

Инсон кўпинча қўлидаги неъматнинг қадрини уни
йўқотмагунча билмайди.

Софокл

Дунёнинг энг бойи тежамкорликни билган, энг
қашшоғи хасис одамдир.

Камфорт

Бир йилда бойишни истаган одам олти ойда осилар.

Сервантес

Мол-давлатинг борлигида дўстинг кўп бўлади,
йўқлигида эса ёнингда фақат ҳақиқий дўстинг қолади.

Шоҳиста Камол қизи

Бошқаларнинг бойлиги сенга бойлик келтирмайди.

Фрэнсис Бэкон

Зехн ва руҳ китобдан қанчалик таъсирланса, инсон
шу қадар бой бўлади.

Генри Мюллер

Бойликка очилган эшик кичикдир. У ерга кириш
учун эгилиш керак.

М. Дисамп

Катта мол-мулк инсонни баъзан ёлғизлантиради.
Теннис Уилиам

Чеккага олиб қўйган пулингиз эришилган пулдир.
Аноним

Одамни бой қиладиган кўнгилдир.
Генри Бичер

Пул яхши дастёр ва ёмон жанобдир.
Бэкон

“Пул ҳамма нарсани ҳал қилади” деган инсон, пул
учун ҳамма нарсани кўз остига олган инсондир.
Бенжамин Франклин

Миллатларнинг бойлиги ипак, пахта ёки олтин
эмас, балки комил инсонлардир.
Ричард Хоу

Бир бўлак олтин қорани оқ, хунукни чиройли, адо-
латсизни одил, наслсизни аслзода, кексани ёш, паст-
кашни ботир қилишга етади.
Шекспир

Мактабдаги тарбия ҳаётда йўл топишингизни таъ-
минлайди. Ўз тарбиянгиз эса сизга бойлик келтиради.
Жим Рон

Бойлик оддийлик ичида кўпаяди.
Новалис

Бой яшамок бой ўлмоқдан кўра яхшидир.
Самюэл Жонсон

Қарз кулликнинг бошланишидир.
Виктор Гюго

Хазина азият чекканга, ишлаб ғайрат кўрсатганга
насиб қилади.
Мавлоно

Ҳеч қандай яхши одам бирдан бойиб кетмайди.

Публилий Сир

Мол-мулк кўпайган сари истаклар ҳам кўпаяди. Инсон қачонки эришолмаган нарсаларини эслагандагина қўлга киритганларининг қадрига етади.

Дебс

Туянинг игна тешигидан ўтиши бойнинг жаннатга кетишидан кўра осондир.

Вах бин Мунаббах

Биз мол-мулкимизни назорат қила олсаккина бой ва мустақил бўламиз. Аксинча, мол-мулкимиз бизни назорат қилса, ҳақиқатда фақир яшаймиз.

Эдмунд Борг

Қарз олишга одатлансанг, секин-аста тиланчига айланасан.

Хемингуэй

**Дилдора Пўлатова
таржимаси**

ЎЙЛАР

Бахтли ёки бахтсиз бўлиш кичик бир нарсага боғлиқдир, яъни фикрлаш доирасига.

Марк Аврелий

Тушунчалар билан яшаймиз, шу сабабли юз бераётган воқеаларга диққат қилинг.

Ева Арингтон

Атрофингиз ва моддий ҳолатингиз одатга айланган тушунчаларингизнинг мукаммал шаклидир.

Эдвард Мур

Муваффақият учун қанча ишласангиз ишланг, агар тушунчаларингиз кўрқув ва муваффақиятсизликка тўла бўлса, ҳаракатларингизни чипакка чиқаради.

Байджун

Гапиришдан олдин ўйла, кесишдан олдин ўлча.

Шекспир

Сизга бошингиз ҳукмронлик қилса озодсиз, вужудингиз ҳукмронлик қилса қулсиз.

Като

Инсон баъзан бир фикр қаршисида шу қадар кўп турадики, унинг асирига айланади.

Лорд Холифакс

Муҳит инсонга йўл кўрсатади, аммо назорат қилмайди. Инсон руҳи муҳитдан ҳам кучлироқдир.

Уильям Жеймс

Тушунчалар ўртага чиққанда, ҳамма нарса ўртага чиқади. Тушунчалар йўқолганда, ҳамма нарса йўқолади.

Хуанг По

Нимани ўйласак ўшандай. Дунёмизни фикрларимиз билан ёритамиз.

Будда

Одамлар ейишга нон ва ётишга жой топганда, ўйлашдан воз кечадилар.

Вольтер

Баъзи тушунчалар борки, инсон уларнинг хўжайинидир, акс ҳолда хизматкорига айланади.

Публилий Сир

Инсон нимага ишонса, ўша бўлади.

Антон Чехов

Эски фикрлар занглаган миҳга ўхшайди, суғуриб отмоқ жуда қийин.

Жаноб Шаҳобиддин

Инсон – кун бўйи ўйлаганларининг йиғиндиси.

Ральф Уолдо Эмерсон

Қалбингиз яхши деб ўйлагани, яхшидир. Рухнинг хис қилгани ҳар доим тўғридир.

Ральф Уолдо Эмерсон

Фикрлаш қувватини йўқотмаслик учун тана қувватини соғлом тутмоқ керак.

Вилькинс

Фикрлашдан уялмасанг, сўйлашдан ҳам уялма.

Монтегю

Ўйлаяпман – демак мавжудман.

Декарт

Чуқур ўйлаган одам мукаммаликдан шубҳа қилади.

Бенжамин Дизраэли

Ҳамма менинг фикримга қўшилса, янглишишдан кўрқаман.

Оскар Уайльд

Инсонни бахтсиз қилган воқеа-ҳодисалар эмас, воқеалар ҳақидаги тушунчалардир.

Монтегю

Инсоннинг буюклиги тушунчаларига боғлиқ.

Паскаль

Чораси топилмаган муаммо қандай бўлишидан қатъи назар ўйлашга арзимади.

Шекспир

Инсон тушунча билан кўради ва эшитади.

Эпикур

Ўйлаш руҳнинг ўз-ўзи билан гаплашишидир.

Афлотун

Яхшилик ва хасталикни, сафолат ва бахтни, бойлик ва фақирликни юзага келтирган зехндир.

Эдмонд Спенсер

Ақлсиз одамга ақлсиз эканини англатишнинг имкони йўқ. Чунки ақлсиз инсон ақлсиз эканини англаши учун ҳам ақлга эҳтиёжи бор.

Ж. Тейлор

Тушунган ҳар бир тушунчамиз ҳаётимизни шакллантиради.

Лоус Хайс

Салбий тушунчалар ҳар сафар яна-да салбийлашади.

Жени Холзер

Ё фикрланг, ё бошқалар сизнинг ўрнингизга фикрлайдилар.

Скотт Фитсгеральд

Бошқаларнинг хоҳишига кўра эмас, фақат ўзингиз учун фикрланг.

Вольтер

Ҳамма бир нарсани тушунса, ҳеч ким ортиқча нарсаси тушунмади, демакдир.

Ватер Линнман

Ақлли одам ақлини ишлатади. Яна-да ақлли одам бошқаларнинг ҳам ақлини ишлатади.

Бернард Шоу

Ёшларнинг бахти ўйи камлигидадир. Ёш катталашган сари ўй ҳам катталашади.

Фридрих

Нотўғри тушунчалар охир-оқибатда нотўғри ҳаракатларни юзага келтиради.

Жульям Хуксли

Биз ўйларимизни кўпинча елкамизда кўтариб юраемиз.

Аҳмад Ҳамди Танпинар

Ичимни иситган “иссиқ” фикр мен учун пулдан ҳам қадрлироқдир.

Томас Жефферсон

Ўз фикрларини ҳар доим тўғри деб ҳисоблаган одам нақадар бечорадир.

Алаин

Баъзи инсонлар учун ўйлаш ҳаётдаги энг қийин нарсадир.

Мартин Лютер

Тушунмасдан ўқиш фикрни ўтмаслаштиради, ўқимасдан тушуниш адаштиради.

Конфуций

Тушунчалар инсондан инсонга сакраган бургаларга ўхшайди, лекин ҳаммани чақмайди.

Станислав Лев

Фикрлар одамларни қуликдан эркинликка олиб чиқади.

Генри Лонгфелло

Бошқаларнинг тушунчалари ҳам бизнинг тушунчаларимиз каби аҳмоқона эканига ишонишда қийналамиз, аммо шундайдир.

Жонс Робинсон

Соғлом фикрдан кучли ҳаракат туғилади.

Шекспир

Яхши бош юзта кучли қўлдан ҳам яхшироқдир.

Томас Фуллер

Тушунмоқ – кўрмоқдир.

Бальзак

Қилган ҳар бир ишингиз ортида бир тушунча бордир. Тушунмасдан ўрганмоқ вақт йўқотмоқдир.

Конфуций

Ақл жим бўлиши билан фикрлаш тўхтайдди, фикрлаш тўхташи билан ҳаракат ҳам тўхтайдди. Ҳаракатсизлик эса чиришнинг эшигидир.

Газзолий

Тушунчанинг кучи бор. Тушунча энергиядир, дунёнгизни ўз тушунчаларингиз билан қуришингиз ёки йиқитишингиз мумкин.

Суассон Тейлор

Дунёда ўзгарадиган нарсалар воқеалар ва тушунчалардир. Инсонлар эса қандай бўлишса, шундай қолишади.

Жон Голсуорси

Тушунчаларимдан ташқари бойлигим йўқ. Аслида, бу мулк мен учун етарли.

Сара Туас Дале

Ақл парашютга ўхшайди. Очилганда иш беради.

Уольд Дисней

Тушунмасдан олдин гапирма.

Чилтон

Бирор иш қилишдан олдин жуда узоқ вақт ўйла-сангиз, ҳеч нарса қилолмайсиз.

Ева Йонг

Тушунча оловдан узоқ жойни ҳам исита олади.

Генри Лонгфелло

Инсонлар ақлсизликлари сабабли пешонасида ёзилганидан ҳам кўпроқ азият чекадилар.

Инглиз мақоли

Узоқ ўйлаш кўпинча фурсатни бой беришдир.

Публилий Сир

Фақат ўзини ўйлайдиганлардан қоч. Уларнинг дўстлигида вафо йўқдир.

Шоҳиста Камол қизи

Дунёдаги энг катта жазо ўйи – жоҳил инсон бошининг ичидир.

Монтегию

*Дилноза Юсупова
таржимаси*

ТАБАССУМГА МОЙИЛ ГАПЛАР

Доимо ҳаракатда бўлган чумоли ётган бир ҳўкиздан
кўп иш бажаради.

Мексика мақоли

Пулни севмайман, аммо пул асабларимни тинчлан-
тиради.

Ж. Керси

Пулнинг яратилишига сабаб қанча қарзингиз бор-
лигини билишдир.

Жульян Хентовет

Ҳамма одамлар хато қиладилар, лекин оилали ин-
сонлар бунинг фарқига тез борадилар.

Ред Скелтон

Эҳтиёжларимга етарли даражада пулга эгаман,
агар соат тўртгача ўлсам.

Хенни Янгман

Томас Эдисондан кўп нарсa қарздормиз. У бўлма-
ганида телевизорни шам ёруғида томоша қилар эдик.

Мильтон Бирли

Одамни телба қилган ҳамма хотинларга муқобил
телбани одам қилган бир хотин бордир.

Ла Рочефуколд

Ҳаётни комедия деб ҳисоблаганлар сахна сўнггида-
ги ҳазил ҳақида яхшилаб ўйлаб кўрсинлар.

Сенека

Ҳар ой озроқ пул йиғинг ва охир-оқибат қанчалик
кўп пулингиз борлигига ҳайрон коласиз.

Эрнест Хаскинс

Бахт моддий севинчлардан иборат бўлганда эди,
пичанга югурган ҳўкизлар энг бахтли саналарди.

Гераклит

Бошда Муҳаммад Али бўлишни истагандим. Таёқ
егандан сўнг, бошқа нарсани танлашим кераклигини
тушундим.

Узоқ умр кўришнинг формуласи ҳеч қачон белги-
ланган тезликдан ошмасликдир.

Аноним

Имкони бўлса инсон ухламасдан тунни ҳам дунё-
си учун сарфлар эди... Бироқ дунё ҳамма нарса дегани
эмас.

Умар Форук Жазарий

Кўз ёши аёлнинг тузоғидир.

Жалолиддин Румий

“Ҳаёт яшашга арзийдими?” Бу савол бир эмбрион
учундир, инсон учун эмас.

Самюэл Батлер

Шунга ишонаманки, мен қаерда бўлсам, бахт ўша
жойдадир.

Томас Хаксли

Жасур Умаров
таржимаси

КАМОЛГА ЭЛТУВЧИ СЎЗЛАР

Муваффақиятга эришолмасанг умидсизликка тушма, зеро ҳар муваффақиятсизликда бир муваффақият ётар.

Герман Мартин

Ҳеч ким тоғларга қоқилиб тушмайди. Майда нарсалар мувозанатингизни бузади. Йўлингиздаги кичик нарсалардан ўтинг ва тоғни босиб ўтганингизни кўрасиз.

Агар келажагингизни кўришни истасангиз, бугунги қилган ишларингизга боқинг.

Хитой мақоли

Ёшлигимда бажарган ўн ишимдан тўққизтасининг муваффақиятсизлик билан якунланганини кўрдим. Муваффақиятсиз бўлишни истамасдим, шунинг учун ҳам ўн баробар кўп ишладим.

Бернард Шоу

Тоғни ўрнидан қўзғатган одам ишни майда тошларни олишдан бошлайди.

Хитой мақоли

Томчилаган сув тошни емиран. Тошни емирган сувнинг кучи эмас, томчиларнинг давомийлигидир.

Лотин ҳикматли сўзи

Эй, инсон! Доимо оз таом егин. Оз емоқ қалбингга фараҳлик беради, танбалликни йўқотади. Шундай экан, уйқунг келмагунча ухлама.

Муҳаммад Камол

Нима иш бажарсак бир қарорга келиб сўнгра бажарамиз. Натижасига эса тақдир деб баҳо берамиз.

Бенжамин Дизраэли

Борадиган манзилинг йўқ бўлса, ўзингга тўғри йўл
топишни бошла.

Қувонч Эртуғрул

Хаёлингни ва ғояларингни ташлаган бўлсанг бари
бекор. Яшашни ҳам ташла.

Мэри Андерсон

Нафс — тарбия, ислоҳ қилинмас экан, инсон кибр,
ўзини яхши кўриш, ғурур, манманлик каби ёмон хаста-
ликларга чалинади.

Умар Форук Жазарий

Куч инсоннинг руҳидадир, мушакларида эмас.

Алекс Каррас

Дилдора Пўлатова
таржимаси

ҲАЁТ

Ҳаёт сахнага чиқиб, ўйинга кирганимизда бошланади.

П. Л. Дебеванс

Ғам-қайғу қанчалик оз бўлса, турмуш шунчалик узун бўлади.

Эмма Элкот

Жонингиз эга бўлган нарсаларингизнинг энг қийматлиси ва яхшисидир. Ундай бўлса унга қандай қараганингизни менга кўрсата оласизми?

Эпиктет

Қилаётган ҳар бир юмушингизни сўнги бор бажараётгандек бажаринг.

Марк Аврелий

Ҳаётга ҳужум қилинг, йўқса у сизни ўлдиради

Стивен Коаллиер

Кимдир ҳаётим тугади, деса унга ишонманг, ҳаёт уни тугатади.

Оскар Уайльд

Яшашнинг ва вақтнинг қадрини билмаган ҳаётни ҳам қадрламайди.

Леонардо да Винчи

Ҳаёт сиз бошқа режалар тузаётганингизда содир бўлган воқеадир.

Жон Леннон

Ҳаёт ўйини яхши, бир қўлга эга бўлишдан кўра ёмон қўлда ўйнашдир.

Х.Т.Лесли

Ҳаёт толиқишнинг узун бир жараёнидир.

Самюэл Батлер

Ҳаёт билан кино орасидаги фарқ шундаки, сценарийнинг бир мантиғи бўлиши керак, ҳаётнинг эмас.

Мосенс

Ҳаёт хомашёдир, бизлар эса санъаткорлар. Борлиғимизни чиройли ёки хунук бир шаклга сола оламиз. Бу бизнинг қўлимиздадир.

Жадх Биттер

Муҳими, неча йил яшаганимиз эмас, бу йилларда нима қилганимиз.

Ивангилини Батх

Ҳаёт инсонларнинг нима учун сиқилганлари эмас, нималарни қўлдан бой берганларидир.

Томас Жалили

Ҳаётингиз хатолар қилганингиздагина қизиқарли бўлади.

Гефли Марпентиор

Ҳаётимизни томчилаб сарфлаймиз, бирданига эмас.

Роберт Жон

Ҳаёт мукофот ва жазолардан ташкил топган дарсдир.

Эрнес Димнит

Инсонлар нима учун ўладилар? Тамбалликдан, ишончсизликдан ва ҳаётни яшашга арзийдиган бир ҳолатга келтира олмаганликлари учун.

Бернард Шоу

Вафот этганингиздан сўнг унутилишни истамасангиз, ё ўқишга арзийдиган бирор нарса ёзинг ёки ёзишга арзийдиган ишлар қилинг.

Бенжамин Франклин

Ҳаёт чалкаштириб қориштирилганда, энг яхши кўриниш олади.

Паул Фамульт

Ҳаёт ҳақида ўрганганларингни уч сўз орқали ифодалай оласан: ҳаёт давом этмоқда.

Роберт Дрост

Шундай яшангки, ўлаётган вақтингизда яна яшашни хоҳланг.

Гиллерд

Ҳаёт ичидаги энг муҳим нарсаяшадир, ҳаётнинг берганлари эмас.

Гримм

Бу дунёга келишнинг фақат бир йўли мавжуд, тарк этишнинг эса минг бир усули бор.

Доланд Харингтон

Бахтсиз бўлмаслигингиз керак, ҳеч кимнинг ҳаёт билан шартномаси йўқ.

Девид Нат

Эртага нима бўлишини сўрашдан воз кеч. Ҳар куни сенга берилган бир фурсатдир. Уни қўлингдан келганча қадрла.

Хораки

Ҳаёт кечиришнинг энг яхши йўли сиздан сўнг қоладиган яхши ишлар учун сарфламоқдир.

Уильям Жеймс

Ҳеч бир киши ҳаётини орқага қараб кечирмайди, олдинга қаранг. Келажагингиз ўша ердадир.

Анлон Дерс

Ҳаётингизга эгалик қилинг. Бундан бошқа нямиз бор?

Хери Жоинс

Инсон ҳаётининг уч саҳифаси бор: туғилмоқ, яшамок ва ўлмоқ. Айрим инсонлар туғилиш ва ўлишнинг фарқига бормайдилар.

Жон Бүэр

Ҳаётда яшашимизга имкон берилади.

Филипп Додриж

Ҳаётдан хурсанд бўлинг, чунки у сизга севмоқ, ишламоқ, ўйламоқ ва юлдузларга қараш имконини беради.

Генри Дени

Ҳаёт қисқа, уни охиригача яшанг.

Никита Хрущёв

Дунёга келган вақтимизда ҳеч нарса олиб кела олмаганимиз каби, ўлаётган пайтда ҳам ҳеч нарса олиб кета олмаймиз.

Виктор Гюго

Яшаганлар курашганлардир.

Виктор Гюго

Ҳаётнинг сирини билишга интилар эканмиз, ҳаёт тугайди.

Д. Душос

Ҳаётда ширин билан аччиқ ҳар доим аралашдир.

Людвик Пиеник

Ҳар бир инсон кўзларининг ичига қараганимда ҳаётни, ҳаётнинг кучини ва яратилиш гўзаллигини кўраман.

Радор Урилли

Ҳаёт велосипед ҳайдаш кабидир. Педални алмаштиришни тўхтатмасангиз йиқилмайсиз.

Жлауде Ре Пеннер

Ҳаётингизнинг қанчалик узун бўлгани муҳим эмас,
муҳими унинг сифатидир.

Роджер Давсон

Оқар сувнинг тўлқинлари каби келиб кетамиз.

Жон Паштис

Менинг санъатим ва касбим яшамокдир.

Монтегио

Умр чалғитиш, вақт ўтказиш билан ўтади.

Аҳмад Рашид

Ҳаёт ҳамма ўйнаши керак бўлган бир комедиядир.

Артур Римбауд

Инсон севишни бошлаганида, яшашни ҳам бошлайди.

Севринье

Сувда ҳаёт бериш хусусияти бўлганидек, инсонда
ҳам кишиларга ҳаёт улашувчи хислат бўлиши керак.
Чунки инсон фақат шу хислат билан ҳақиқий инсонга
айланади.

Муҳаммад Камол

Ҳаёт бир жангдир.

Сенека

Ҳаётнинг ўқилмаган ва тилга олинмаган бўлимла-
ри бордир.

Карл Шелде

Ҳаёт ҳаракат, ҳаракатсизлик ўлимдир.

Левис Мифрис

Ҳақиқий яшаганлар яхши ишлар қилганлардир.

Толстой

Кечадан ўрганинг, бугун учун яшанг, эрта учун
умид қилинг.

Аноним

Одоб инсоннинг кўркидирки, унинг ичига аҳдга вафо, тўғрисўзлик, хиёнатдан ҳазар, севги-муҳаббат ҳам киради.

Умар Форук Жазарий

Ҳар қандай қуш ўз уясига қараб парвоз қилади, инсон эса юксакликларга ўз ғайрати, ҳиммати билан эришади.

Жалолиддин Румий

Муҳими, фақат яшаш эмас, яхши яшашдир.

Сукрот

Шерзод Маматқулов
таржимаси

ХУДБИНЛИК, ХАСИСЛИК, САХИЙЛИК

Худбинлик – дўстликнинг заволи.

Бальзак

Худбин инсон ёлғиз қолган мевасиз дарахт каби қуриб кетади.

Тургенев

Худбин инсон доимо ёлғиздир.

Георг Санд

Худбинликнинг кўзи кўрдир.

Махатма Ганди

Ҳеч кимга фойда келтирмаслик беҳуда ҳаёт демакдир.

Декарт

Ёлғиз ўзи учун яшаган ва фақат ўзини ҳимоя қилган инсон комилликдан йироқ инсондир.

Б.Анербак

Сенга ёқмаган бирор бир нарсани бошқага раво кўрма.

Носир Хисрав

Ёлғиз ўзини ўйлаган одам тухум пишириш учун қўшнининг уйини ёқади.

Фрэнсис Бэкон

Инсоннинг ўз руҳиятидан олиб ташлаши керак бўлган икки нарсаси бор: иймонсизлик ва худбинлик.

Ла Рочефуколд

Ҳар тонгда икки фаришта: “Оллоҳим, хасиснинг молини тезда қўлидан ол, сахийнинг молини эса кўпайтир” деб дуо қиладилар.

“Каъбул ахбор”дан

Берган қўл олган қўлдан устундир.

Ҳадис

Ҳам ҳасислик, ҳам қўрқоқлик мўминга ярашмайди.
Ҳадиси шариф маъноси

Сахийлик дўст ва аҳбобга яхшилик ва икромда бў-
лишдир.

Суфён ибн Уйайна

Молнинг хайрлиси қулнинг шарафи ва ор-номуси-
ни қўриқлашга сарф этилганидир.

Сахийнинг таоми шифо, ҳасиснинг таоми эса ҳас-
таликдир.

“Саҳиҳи Бухорий”дан

Сахийлик саодат калитидир.

Носир Хисрав

Тузокқа сочган донлар сахийлик ҳисобланмайди...

Жалолиддин Румий

Сахийлик дўстликнинг асосидир.

Оскар Уайльд

Сахийлик зиёдасини жойига ва вақтида бериш де-
макдир.

Ла Бруер

Сахийлик қилгин, токи сенга ҳам сахийлик
қилишсин.

“Сунани Термизий”дан

Эй инсон фарзанди, сенга ҳайрон қоламан! Ўз ор-
зуларингга эришиш учун исроф бўлгунга қадар сарф-
харажат қиласан-да, бир дирҳам билан Роббинг ризо-
сини қозониш учун ҳасислик қиласан.

Ҳасан Басрий

Умида Раҳимова
таржимаси

КЕЧИРИМЛИ БЎЛИШ

Қасос орзуси тузалиши мумкин бўлган қалб яраларининг очиқ қолишига сабаб бўлади.

Фрэнсис Бэкон

Кечиримли бўлиш ўтмишни ўзгартира олмайди, аммо келажакка йўл очади.

Поль Бурже

Ўзингизни хатоларингиз ва айбларингиз учун кечиринг ва яшашда давом этинг.

Браунинг

Аҳмоқни ҳадеб кечириш уни ахлоқсизга айлантиради.

Поль Курье

Кечиримли бўлиш кучлини янада кучли қилади.

Эбнер

Кечиримли бўлиш қасос олишдан яхшидир.

Питтак

Ожиз одам ҳеч қачон кечиролмайди. Кечиримли бўлиш олижаноблик белгисидир.

Махатма Ганди

Бир душманни кечириш бир дўстни кечиришдан осонроқдир.

Дорот Делузи

Аллоҳ наздида энг азиз банда қасосга кучи етса ҳам кечира олганидир.

“Ҳадиси шариф”дан

Кечиримли киши баҳслашишга барҳам беради.

Африка мақоли

Кечиришнинг қандайлигини фақат жасурлар билишади. Қўрқоқларнинг табиатида афв этиш деган тунча йўқ.

Лоренс Стерн

Ўзини кечирган кишининг барча хатолари кечирилиши мумкин.

Конфуций

Кечириш ва унутиш яхши кишиларнинг қасосидир.

Иоганн Шиллер

Англаш афв этиш демакдир.

Сталь

Душманини кечира олмаган инсон ҳали ҳаётдаги энг катта завқларни тотмабди.

Лаутер

Севган инсон кечира олади.

Ла Рочефуколд

Кечиримлилиқ дўстликнинг ёнилғисидир.

Жош Медавел

Фақат жасур инсон кечиришни билади.

Лоренс Стерн

**Мадина Абдурахмонова
таржимаси**

ЯХШИЛИК

Яхшиликни фақат яхшилар тушунади, ёмонликни эса ҳамма.

Жаноб Шаҳобиддин

Яхшиликни табиий ҳолда, махсус тайёрланмасдан, худди гул ҳид таратгани каби қилмасангиз, ундан не фойда?

Сомерсет Моэм

Пасткаш инсонларга яхшилик қилиш денгизга сув ташишга ўхшайди.

Сервантес

Фақат яхшилик қилиш кифоя эмас, яхшиликни жилмайиб қилиш лозим.

Диодор

Яхшилик қилишга кучинг етмаса, ёмонлик ҳам қилма.

Фаридиддин Аттор

Турли ёмонликларни қилгим келганда, ўзимни тияман. Мана шудир яхшилик.

Андре Гиде

Яхшиликни унутган чаён феълли, бетавфиқдир.

Муҳаммад Камол

Ҳаёт зинапояларидан кўтарилар экансан, инсонлар билан яхши муносабатда бўл, чунки қайтиб тушаётганингда яна ўша инсонларга дуч келасан.

Жаноб Шаҳобиддин

Инсоннинг ҳақиқий бойлиги бу дунёда қилган яхшиликларидир.

“Кутуби Ситта”дан

Қуёшга қараган инсон сояни кўрмайди.

Хелен Келлер

Ўзини севиш бошқаларни сева олиш қобилиятига
эга бўлганларда кўринади.

Эрих Фром

Ёмонликларни ўйлаган ёмонликка юз тутади, ях-
шиликларни ўйлаган эса аксинча, яхшиликларга эрга-
шади. Яхшиликларни ўйлагин, сен ҳам яхши бўласан.

Муҳаммад Камол

Яхшилик ва тавозе барча душманликларни енгади.

Аменемеп

Баҳор ёмғири ерга ҳаёт бахш этади. Куз ёмғири эса
ўтларни сўлдиради. Бу мисол ориф билан жоҳилнинг
халққа қиладиган таъсирига ўхшайди.

Меҳмет Алтунбаши

Яхши инсонни халққа ёмон қилиб кўрсатаётган
кимсанинг оқибати ёмондир, чунки бу Абу Жаҳлнинг
ахлоқидир.

Шоҳиста Камол қизи

Ёмонлик нафсга хирс қўйишдан бошланади.

Салоҳиддин Абдуллоҳ

Кулар юз ила ато, саҳо устига саҳо.

Алишер Навоий

Дўстнинг энг яхшиси сенга тўғри йўл кўрсата ол-
ганидир. Сен қайси мартабада бўлсанг ҳам, албатта,
тўғри йўл кўрсата оладиган яхши дўст изла.

Шоҳиста Камол қизи

Жўрабек Зиёдов таржимаси

ЖАСОРАТ

Мол-дунёсини йўқотган ҳеч нарса йўқотмаган, *гурурини* йўқотган кўп нарсадан ажралгандир. Жасоратини йўқотган эса ҳамма нарсасини қўлдан бой берган инсондир.

Гёте

Одамнинг камчиликларига эътибор қаратиб, танқид қилувчи одам ҳурматга сазовор эмас. Аслида ҳурмат — очик майдонда юзи чангга, тупроққа, терга ва қонга қоришган, жасурларча курашган, йиқилган ва ҳар сафар оёққа турган, ўзини хайрли мақсадларга бағишлаган, энг яхши пайтда зафар қучишини, энг ёмон шароитда омадсиз бўлса ҳам, катта жасорат билан курашиб омадсизликка учраганини билган, на зафар қучганини, на енгилганини билмаган кўрқоқларга қўшилмаган кишиларгагина хосдир.

Теодор Рузвельт

Йўқотишдан кўрқмаган пайтинг ютуқларга эришасан.

Роки Аоки

Омадсизлик ақл билан иш юритиш учун қулай фурсатдир.

Генри Форд

Омад юз ўтирганда умидсизликка тушма, ҳар бир омадсизликда бир зафар туйғуси бор.

Герман Мартин

Хато қилиш ҳеч нарса эмас, агар афсусланмасанг.

Конфуций

Ботган қуёш учун куйиниб йиғламанг, янгидан чиққанида нима иш қилиш зарурлигини ўйланг.

Дейл Карнеги

Энг катта ютуқ ҳеч қачон йиқилмасликда эмас, балки йиқилган тақдирда қайта оёққа туришдир.

Конфуций

Бировни юракдан севиш куч бағишлайди. Биров томонидан юракдан севилиш жасорат бағишлайди.

Лао-Цзи

Бир сурув устига ташланган бўри унинг саноғи ҳақида ўйламайди.

Искандар

Жасур одамнинг қараши қўрқоқнинг қиличидан кескирди.

Турк мақоли

Қўрқоқ одам ўтмас пичоққа ўхшайди.

Бенжамин Франклин

Жасур одам дунёнинг қиролидир.

Эдисон

Жасур одамлар қаби иш қилинг ва қийинчиликларни жасорат билан қарши олинг.

Ҳорас

Қўрқув ичида яшаган одам асло озод эмас.

Гораций

Қўрқувни енгганимиздагина яшашни бошлаймиз.

Д. Томпсон

Бирор нарсадан қўрққан инсон ўз устидан назорат қилишларига шароит яратади.

Фас мақоли

Агар ҳаёт фақат севинчдан иборат бўлса, ҳеч қачон жасорат ва сабрни ўргана олмасдик.

Хелен Келлер

Жасорат — кундалик эҳтиёж. Ҳақиқат билан юз-ма-юз келганда чекинмасангизгина, жасур инсондек яшаётган бўласиз.

Муаллифи номаълум

Дунёда энг таҳликали жараён — бир жарликни икки одимда ошиб ўтишдир.

Лорд Жорж

Бирор нарса қилишга жасоратимиз бўлмаса ҳаёт қандай бўларди?

Винсент Ван Гог

Қўрққан ишларини қилиб ҳамма қўрқувни енга олади.

Элеанора Рузвельт

Энг катта хато — хато қилишдан доимо қўрқишдир.

Эльберт Хаббард

Дунёда қобилиятли кишиларнинг кўпчилиги кичик бир жасоратга эга бўлмагани учун йўқ бўлиб кетадилар.

Сидней Смит

Сувга тушган пайтинг чўкмайсан. У ерда қолиб кетсанг чўкасан.

Муаллифи номаълум

Йиртқич шерларни сиртлонлар билан кўрқитиш галатидир.

Салоҳиддин Юсуф Хон

Омадсизликдан кўрққан одамнинг енгилиши аниқ.

Напалеон

Кўрқоқ — таҳликага тушиб, оёқлари билан фикр юритган одам.

Биерц

Кўрқоқлар бир неча маротаба ўлади, жасурлар эса бир марта.

Уильям Шекспир

Жасорат олий ҳимматлиликдир, чунки у олий ҳимматлиликнинг пайдо бўлишига замин яратади

Уинстон Черчилль

Жасоратда кўрқоқлар баҳо беролмайдиган ҳақиқий гўзаллик бор.

Уильям Конгреве

Жасорат таҳликали пайтда ақл-заковатни тўғри қўлай билишдир.

Афлотун

Ўзингизга ишонч уйғотишнинг энг мукаммал йўли — бирор омадсизликка имкон бермасдан ҳаракат қилишдир.

Локвуд Зорн

Ҳар бир қўрқоқ ютуққа эришишига ишонар экан,
кураша олади.

Жорж Эллиот

Хоҳ аёл, хоҳ эркак — бу дунёда жасоратли бўл-
масдан ҳеч нарсага эриша олмайди.

Жеймс Аллен

Жасоратни йўқотмаяпман, чунки ҳар бир нотўғри
ҳаракат олдинга қўйилган тўғри қадамдир.

Томас Эдисон

Жасорат бўлмаса, бошқа фазилатларни қўллаш
учун фурсат топа олмайсиз.

Самуэль Жонсон

Курашни идора қилолмасанг, зафарни қўлга кири-
толмайсан.

Ричард Девос

Батъзан яшашнинг ўзи ҳам жасоратдир.

Сенека

Жасорат қўрқишдир, аммо қўрққан ишингни яна
бир бора бажариб кўришдир.

Гаррис Жонс

Инсон жасоратини сусайтирадиган тўсиқларнинг
катталигига қараб қадр-қийматини белгилайсан.

Роберт Саваж

Хаёлда жасур бўлиш осондир.

Эзон

Жасорат севгига ўхшайди. Юксалиш учун умид керак бўлади.

Напалеон

Ҳеч ким сендан яхши эмас. Аммо, бир иш қилишга жасорат кўрсатмасанг, сен ҳам бировдан яхши эмассан.

Дональд Лойерд

Ёнингиздаги инсонга жасоратли эканини айтинг, унинг ана шундай фазилатли бўлишига ёрдам берасиз.

Томас Каралай

Ҳар бир инсон аслида жасурдир, аммо жасоратни бошқалардан излаб ўзига хиёнат қилади.

Ральф Уолдо Эмерсон

Чемпион юрагига ҳеч қачон беписандлик билан қараманг.

Руди Томянович

Шамол қанчалик шиддат билан эсса, дарахт илди-зи шунчалик мустаҳкам бўлади.

Уильям Марриот

Қуёнюрак одам таҳликадан кўрқади, кўрқоқ воқеалар содир бўлаётган пайтда, жасур инсон эса воқеалар тугагандан кейин кўрқади.

Паул Ричер

Инсон йўқсиллик ва қоқилишдан, қамоқ ва ўлимдан кўрқмасин, фақат кўрқоқ бўлишдан кўрқсин.

Эпиктет

Қанчалик кам қўрқсак, шунча оз таҳликада юрамиз.
Титуз Ливитуз

Ҳузурга эришишнинг бадали — жасорат.
Амелия Эрхарт

Муҳими бошингизга қандай иш тушгани эмас, бу ишни қандай ҳал қилганингиздир.
Жим Рон

Қилинган хатоларни унутинг. Муваффақиятсизликни унутинг. Ҳозир қиладиган ишингиздан бошқа барча нарсани унутинг ва уни бажаринг.
Уильям Дорант

Жасорат — қўрқувни ҳис этиб, яна олдинга қараб ҳаракат қилишдир.
Муаллифи номаълум

Инсон руҳияти бошингизга келадиган ҳар нарсадан кучлироқдир.
Жорж Паттон

Қўрқадиган нарсамиз битта — у ҳам бўлса қўрқувнинг ўзи.
Гёте

Қўрқоқ таҳлика йўқлигида мушт кўтарар.
Гёте

Жасорат қўрққан ишингни қилишдир. Қўрқмасдан жасоратли бўла олмайсан.
Эдди Рикенбакер

Муваффақият ҳаракатга боғлиқ. Омадли инсонлар доим ҳаракатда бўладилар. Хато қиладилар, аммо воз кечмайдилар.

Конрад Хилтон

Ҳеч нарсага жасорат қилмаган, ҳеч нарса умид қилмасин.

Фридрих Шиллер

Жасорат нимадан қўрқмаслигини билишдир.

Платон

Ҳаёт ё жасорат билан яшаладиган можаро ёхуд ҳеч нарсадир.

Ҳелен Келлер

Қўрқувингизни ичингизга беркитинг, аммо жасоратингизни бошқалар билан бўлишинг.

Роберт Стивинсон

Дунёда жисмоний жасоратнинг шунчалик кенглигига нисбатан руҳий жасоратнинг камлиги ҳайрон қолдиради.

Марк Твен

Жасорат олға юриш, қўрқув эса ортда қолиш билан кучаяди.

Публилий Сир

Катта омадсизликларни инобатга олганлар катта ютуқларни қўлга киритадилар

Роберт Ф. Кеннеди

Ўйлаш осон, ҳаракат қилиш қийин ва бир инсон-

нинг ўй-фикрлари асосида ҳаракат қилишга ўтиши дунёдаги энг қийин ишдир.

Гёте

Имкониятни қадрланг! Ҳаёт фақат имконият деганидир. Энг узоққа борган одам, бу энг кўп ишни қилган ва энг кўп жасорат кўрсатган инсондир. Ҳамма нарсасидан кўнгли тўқнинг кемаси қирғоқдан ҳеч қачон кўп узоқлашмайди.

Дейл Карнеги

Варрак шамолнинг кучи билан эмас, балки шамолга қарши учгани учун юқори кўтарилади.

Уильям Курчил

Барча зафарлар ҳаракатни бошлашга жасорат қилиш билан келади.

Евгений Вар

Кичик қоқилиш ва депсинишлар мени кўрқита олмайди.

Жаҳид Сидқи Таранжи

Тортинмай ўз жасоратини намоён қилган одам ўлимдан ҳам кўрқмайди.

Лао-Цзи

Жасорат барча қуроолларни енгади.

Овидус

Кўрқоқ одамнинг омади ҳам келмайди.

Публилий Сир

Баъзи инсонлар ҳаётларининг биринчи ярмида

фурсатни қўлдан бой берадилар, қолган ярмида эса уни қидириш билан вақт ўтказадилар.

Муаллифи номаълум

Ҳеч қачон хато қилмаган, ҳеч қачон бирорта янгилик яратмаган инсондир.

Альберт Эйнштейн

Ҳаёт инсоннинг жасорати муқобилида тораяди ёки кенгаяди.

Анаис Нин

Ичимиздаги жасорат ва шижоатнинг қанчалигини ўлчай олмаймиз.

Андре Нортон

Жасорат бўлмаса, хаёлнинг меваси ҳам бўлмайди

Валтасар Груциан

Комилликка эришиш учун каттароқ ишларга қўл уриб кўринг.

Вете Девис

Одатда фикримизни ҳимоя қилишдан кўра ўзгартириш кўпроқ жасорат талаб қилади.

Геофрет Аберт

Шубҳаланаётганингда жасоратингни ишга сол.

Жасорат таҳликаларни кўриб кўрмасликка олиш эмас, балки таҳликани енгишдир.

Фридрих Рихтер

Ғам жасоратга куч беради. Ҳаётда фақат яхши ишларни кўриб жасур бўлолмайсиз.

Тайлор Мор

Жасорат мушакка ўхшайди. Ишлатилган сари ривожланади.

Руз Жордан

Мен қидирмайман. Топаман.

Пабло Пикассо

Жасорат фақат қарор қилиш эмас, айна пайтда такроран бошидан бошлаш қобилиятидир.

Скот Фицджеральд

Фурсатлар қувилгани сари тахланаверади.

Сюн Цзи

Жасорат ўлим билан эмас, балки яшаш билан имтиҳон қилинади.

Витторио Альфери

Асло, асло, асло таслим бўлманг.

Уинстон Черчилль

Жасорат манбаларни кўпайтиради, қўрқоқлик камайтиради.

Кристиан Бове

Кучли бўлишнинг ўрнини ҳеч нарса эгалламайди.

Бир Брайнд

Жасоратли одамнинг қалби айна пайтда ишонч билан тўлади.

Маркус Цицеро

Яшашга жасоратингиз бўлсин. Ҳамма ҳам ўла олиши мумкин.

Роберт Коди

Муаммоларимга қараганда ўзим муҳимроқман.

Жос Феррер

Жасурлар абадий яшамайди, албатта, бироқ
қўрқоқлар умуман яшамайдилар

Тимоти Лусь

Қилган ишингизга нисбатан буюкроқ бўлинг.

Орисон Свит Марден

Инсонлар ўзларига таъсир қиладиган таҳликалардан
қўрқишади, аммо бошқаларни таҳликадан халос
этишлари мумкин.

Пол Ричер

Жасорат — орзу қилишга ишонишдир.

Лео Ростен

Қийинчиликлар жасур одамнинг зехнига таъсир
этмайди.

Сенека

Ҳаётда муаммосиз яшаш зерикарли. Энергияни,
кучни бекорга сарфламанг. Ҳаёт билан ҳозироқ юзла-
шинг.

Муаллифи номаълум

Ҳаётим давомида қайд қилиб қўйишга арзигулик ҳар
қандай нарса аввалига мени қўрқувдан ўлдираёзарди.

Вэтти Вэндер

Жангчи қўрқувни билиши керак.

Кас Д.Омато

Қўрқув — энг катта итарувчи куч.

Вилл Диксон

Инсонларни мағлубиятга олиб борадиган дунёдаги энг ёмон нарса — қўрқув.

Ральф Уолдо Эмерсон

Қўрқувни ҳис қилинг, аммо асло йўлингиздан қайтманг.

Сюзан Жефферс

Қўрқув бор жойда мантиққа ўрин қолмайди.

Луисиос Лактаниус

Соялардан асло қўрқманг. Булар яқин жойда бир нур борлигидан далолатдир.

Руз Ренкель

Қўрқув бор жойда бахт йўқ.

Сенека

Ҳар бир қийинчилик бир лутфдир.

Роберт Шиллер

Инсон севганидан қўрқади, фақат қўрқувини севолмайди.

Жаноб Шаҳобиддин

Қўрқув қобилиятлилар олдига сим тўсиқ тортади.

Публилий Сир

Бошқаларни қўрқитадиган одамнинг ўзи ҳам қўрқув ичида яшайди.

Клаудиос

Таҳликадан қочолмаган одам, унинг қаршисида жасорат билан туришни билиши керак.

Ля Фонтан

Жасорат инсонни муваффақиятга, қўрқоқлик эса ўлимга олиб боради.

Сенека

Қўрқувнинг ўлимга фойдаси йўқ.

Турк мақоли

Жасур одам ҳар ерда ўзига паноҳ топади.

Овидиус

Хавфсизлик инсонларнинг табиий эҳтиёжидир. Аммо хавфсизликнинг таъминланиши ишончсизликни келтириб чиқаради.

Дуглас Мак Артур

Ҳаёт ё жасорат билан яшаладиган можаро, ё ҳеч нарса эмас.

Ҳелен Келлер

Гавҳар Комилова таржимаси

ИШОНЧ

Зафар — «мен ғолиб бўламан» деб айта олган, муваффақият — «бунга эриша оламан» деб иш бошлаган ва «муваффақ бўлдим» дея олганникидир.

Мустафо Камол Отатурк

Чемпион бўлишингизга ҳеч ким ишонмаслиги мумкин, аммо ўзингизга қатъий ишонинг.

Рей Робинсон

Уддалай олган ёки уддасидан чиқа олмаган ишларимиз, имконсиз деб билганларимиз — кўпинча ҳақиқий дунёқарашимизнинг натижаси эмас, балки кўпроқ ким бўлганимиз ҳақидаги эътиқодларимиз аксидир.

Энтони Роббинс

Бирор ишнинг имконсиз эканлигига ишониш, уни имконсизга айлантиради.

Француз мақоли

Ўзига ишонган бир киши қизиқувчан тўқсон тўққиз кишилиқ армияга тенгдир.

Жон Стюарт

Ҳар нарсага ишонаман, ҳатто ишониб бўлмайдиган нарсаларга ҳам.

Оскар Уайльд

Ишонишни истамагани мантиқ ҳам ишонтира олмайди.

Жаноб Шаҳобиддин

Бир неча йил аввал қаттиқ ишонганларимга ҳозир ишонмайман. Бу — бошқаларнинг мен билан ҳамфикр

бўлишини кутиш — нақадар аҳмоқлик эканлигини кўрсатади.

Ван Атбург

Ишонувчанлар учун ҳеч қандай исбот шарт эмас. Ишонмайдиганлар учун эса ҳеч қайси далил етарли эмас.

Аноним

Ўзингиз ҳақингизда нималарни ўйлаганингиз — бошқалар сиз ҳақингизда нима деб ўйлашидан муҳимроқ.

Сенека

Ҳеч қачон бошингиз ҳам бўлмасин. Доимо тик тутинг.

Ҳелен Келлер

Инсонларни ғазаблантирган ҳақиқат эмас, балки ҳақиқат эканлигига ишонишларидир.

Аноним

Бирон ишни бажариш учун ақлига ишонган одам омадга эришади. Тўла ишонч бор жойда муваффақият бўлади.

Арнольд Шварцнегер

Келажакда буюк ишлар қила олишингизга бутун қалбингиз билан ишонинг.

Жо Патерн

Ишонч фақат ақлда мавжуд бўлган фикр эмас, балки фикрнинг ақлга эгалик қилиши ҳамдир.

Роберт Больт

Ҳаётдан кўркманг. Ҳаётнинг яшашга қиймат беришига ишонинг. Шунда бу ишонч ҳақиқатга айланади.

Уильям Жеймс

Чорасиз эканимизни уйламасак, кўпроқ муваффақиятларга эришган бўлар эдик.

Малешербес

Ўзингизга ишонинг. Иқтидорингизга суянинг. Имкониятларга етарлича ишонмасангиз, омадли ва бахтли бўла олмайсиз.

Норман Винкент Пил

Туганмас омад — фақат омадга эришишга ишонган инсонлар томонидан эгалланади.

Варрен Веннис

Ишонганидек яшамаган, яшаганидек ишонади.

Ҳазрати Умар

Қалблар эриша оладиган юксакликка қўллар етиша олмайди.

Орисон Марден

Ишонган нарсангизни амалга ошириш учун ғайритабиий бўлишингиз шарт эмас.

Дебби Физэлдс

Инсон ростгўй бўлиши учун мўъжизаларга ишониши керак.

Генри Вайлей

Ишонганлар ҳаётида уни лол қиладиган ҳодисалар бўлади. Муаммонинг ечими борлигига ишон.

Норман Винкент Пил

Кўз билан кўриш, қўл билан тута олиш мумкин бўлган нарсаларга ишониш — бу ҳали ишонч эмас. Лекин кўринмаган нарсага ишониш ишончдир.

Воб Проктор

Ишонган бахтли, шубҳа қилган файласуфдир.

Венгер мақоли

Ишонган гўдакнинг кўзларидаги завқни кўришдан ортиқ бахт йўқ.

Жун Нел

Мўъжиза — бу ҳавода ёки сув устида юриш эмас, балки дунё устида юришдир.

Хитой мақоли

Бирор нарсадан воз кеча олмайдиган инсонни енгмоқ қийин.

Бабе Рут

Ўзингизга ишонмас экансиз, нима учун бошқаларнинг сизга ишонишига умид қиласиз?

Руб Брокоус

Ишонишни бошламас экансиз, ҳаётингиз сўнгги кунигача шундай қолади.

Роберт Антони

Кўрганларингизнинг ярмига ишонинг, эшитганларингизнинг ҳеч бирига ишонманг.

Дина Крак

Тузалиш учун ҳар доим ҳам дори ичиш шарт эмас, аммо ишонч ҳамиша керак.

Норман Коусинс

Ўзимизга ишониш сеҳрдир. Буни уддалай олсак барча нарсани амалга ошира оламиз, ҳақиқатга айлантирамыз.

Фока Гомез

Ишониш руҳ садосига жавоб бермоқ, ишонмаслик эса инкор қилишдир.

Ральф Уолдо Эмерсон

Ишонмоқ инсоннинг омад биносига қўйган дастлабки ғиштидир.

Франк Гиффорд

Ишончсизлик ўрганишнинг олдида тўсиқларни келтириб чиқаради.

Роберт Хайнлейн

Нима бўлганда ҳам шу лаҳзада амалга ошмаган нарсани чин юракдан истамагансиз.

Никос Казантзакис

Ҳар бир кишининг нимага ишониши қандай ишониши даражасида муҳим эмас.

Тимот Виркала

Ишончни хаёлларингиз ва орзуларингизни қўллаб-қувватлаган ҳолда ўзгартира оласиз. Ўз орзу-истакларингизга қаттиқ ишонинг.

Марк Виедер

Яшаш тарзингиз кўрган-кечирганлар билан эмас, кутганларингиз билан шаклланади.

Бернард Шоу

Ўзига ишонишнинг энг яхши йўли — омадсизликка имкон қолдирмасдан ҳаммасига тайёр туришдир.

Локвод Торпе

Муниса Мухторова
таржимаси

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

Ўтмишингизни билмоқчи бўлсангиз, бугунги ҳолингизга разм солинг. Агар келажакдан хабардор бўлмоқчи бўлсангиз, бугун бажарган амалларингизга эътибор беринг.

Хитой мақоли

Минглаб километрлик йўлни барча илк одимни ташлаш билан бошлайди.

Лао-Цзи

Энг муҳими, босиб ўтиладиган масофа эмас, балки илк қадамни ташлай олишдир.

Мари Дюдеффан

Аллоҳ шамолни юборди, лекин йўлга чиқишни истаган одам елканларни ўзи танлаши лозим.

Сайнт Августус

Энг лўнда жавоб, уни бажаришдир.

Георг Ҳербат

Танлаган нарсангиз айна пайтда сизники бўлишни хоҳлайди. Унга эришиш учун ҳаракатни бошлаш лозим.

Жек Кэнфилд

Бажариш сўзлардан ҳам кўпроқ товуш беради.

Аноним

Бу дунёда кўтарилаётган одамлар ўз хоҳишларини қидирган, тополмаганларида эса енг шимариб, уни яратган инсонлардир.

Георг Бернард Шоу

Чаққон ҳаракат қил, аммо кўп ва хўп ўйла.

Юнон мақоли

Ҳаётдаги вазифамиз келажакда нималар бўлишини кўриш эмас, балки қўлимизда борларини нима қилишимиздир.

Томас Карлейль

Ёшим ўтган сари инсонларнинг айтганларига унча аҳамият бермаяпман. Бажарган амалларига разм солмоқдаман.

Эндрю Карнеги

• Дунёни ҳаракатлантирмоқчи бўлган кимса, энг аввало, ўз мақсадларини амалга оширмоғи лозим.

Сукрот

Бажара оламан деб ҳисоблаган нарсангни амалга оширишинг шарт.

Элеонора Рузвельт

Қайғунинг давоси доим ҳаракатда бўлишдир.

Альберт Ҳабард

Бугун амалга оширилган мақсад — эртага бажариш зарур бўлган идеал мақсаддан яхшироқдир.

Георг Паттон

Фақат бахтда тўхтаб қолма, қилишинг лозим бўлганини бажар.

Уильям Дюрант

Агар бажаришни умид қилган ишларингни ўйлашда давом этаверсанг, уни асло қила олмайсан, у ҳеч қачон рўёбга чиқмайди.

Жо Ди Мажо

Мақсадни амалга ошириш ҳушёр ҳаракат қилишга қараганда кўпроқ хазина келтиради.

Люк Де Клапье

Узоқ сафарлар ҳам фақат биринчи одимдан бошланади.

Хитой мақоли

Омаднинг сири игна билан қазини бошлаб, уни давом эттира олишдир.

Денис Гриин

Жангда доим ҳам ғалабага эриша олмайсиз. Лекин жанг қилганингизни англаш муҳимроқ.

Маржори Ҳолмс

Шошма-шошарлик билан бахтга эришиш имконсиз.

Ховард Мёрфи

Доим ҳаракатда бўлган чумоли танбал ҳўкиздан кўп меҳнат қилади.

Мексика мақоли

Яхшилик қилиш учун ғайриоддий ҳодисалар бўлишини кутманг; оддий воқеалардан фойдаланишга ҳаракат қилинг.

Пауль Рихард

Қадрингизни бажарган ишлар билан асослайсиз,
оғзингиз билан эмас.

Пат Риле

Инсонни ташланган биргина қадам қутқаради.
Кейин яна бир қадам.

Антуан Экзюпери

Фақат орзу қилиш етарли эмас. Орзулар ушалиши
учун ўзингиздан нималар қилиш лозимлигини сўранг.
Ричард Росен

Бизга бирон нарсани бошлаш учун илҳом керак-
лиги айтилмаслиги лозим. Ҳаракатларнинг ўзи сизни
илҳомлантиради. Илҳом эса баъзан ҳаракатларни кел-
тириб чиқаради.

Франк Тиболт

Юлдузларни нишонга олиб, ойни уриб тушириш
муаммо эмас. Аммо аниқ нарсани нишонга олиш
муҳим.

Роберт Тонсейд

Агар ҳаракат қилмасангиз, омаднинг ҳеч қайси
қонуни ҳам сиз учун ҳаракат қилмайди.

Аноним

Баъзилар баҳорда ерга уруғ сепишни унутадилар,
ёзда ёнбошлаб ётадилар ва ниҳоят кузда ҳосил кутади-
лар.

Аноним

Айб қудуқнинг чуқур эканлигида эмас, балки
арқоннинг калталигидадир.

Хитой мақоли

Ұйлаш — осон, амалга ошириш — қийин. Инсоннинг хаёлларини ҳаётга тадбиқ этиш дунёнинг энг қийин ишидир.

Гёте

Ҳозир ҳаракат қилишнинг айнаи вақти. Бирор мақсадни амалга ошириш учун асло кеч эмас.

Карл Сандбург

Муҳим нарсалар бир лаҳзада амалга оширилмайди. Майда-чуйдалар йиғиндисидан аҳамиятлисига эришамиз.

Винкент Фон Гук

Келажакни тахмин этишнинг энг мақбул йўли уни яратишдир.

Шенен Ковей

Амалда қўлланилган озгина билим бефойда кўп билимдан яхшироқ.

Халил Жуброн

Ҳеч қачон бошламасанг, ҳеч қачон омадга эришолмайсан.

Роберт Шиллер

Ривожланиш сири — бошлаш.

Салий Бергер

Қилган ишларингиздан уялиб сиқилманг. Ҳаёт — фақат синовдан иборат.

Ральф Уолдо Эмерсон

Шартлар ҳеч қачон хоҳлаганимиздек бўлмайди.

Мақсад сари интилиш доим ҳам бахт келтирмаслиги мумкин. Лекин интилиш бўлмаса, бахт ҳам бўлмайди.

Бенжамин Дизраэли

Мукаммал бўлмаган бирор ишни бажариш — хатосиз ҳеч нима қилмагандан яхшироқ.

Роберт Шиллер

Баъзилар қовоғини солади ва бардош беради, баъзилар эса табассум қилади ва бажаради.

Аноним

Эзгу ишларингги одамлар кўзи учун, шон-шуҳрат учун бажарма.

Генри Форд

Билиш етарли эмас. Билимларни амалда қўллаш муҳим. Хоҳиш етарли эмас, хоҳишни бажариш лозим.

Гёте

Ҳаётда бирор нарсага эришмоқчи бўлсангиз, фақат оёқни узатиб ўйлаш ва умид қилишнинг ўзи жуда камлик қилади.

Гук Норис

Машғул бўлиш билан ютуқни адаштирманг.

Жон Вуден

Ўтинни ўзингиз чопинг. Токи меҳнат ҳам, ўтин ҳам сизни икки карра иситсин.

Генри Форд

Бажараман деб вақтни ўтказма, бажардим дегин.

Афлотун

Ҳамиша кутилаётгандан кўпроғини бажаринг.

Георг Паттон

Амалда қўлланмайдиган ғояларнинг ҳеч қандай қиймати йўқ.

Ҳелен Келлер

Ҳаракат қилмасдан обрўга эришиш кундуз кўрилган тушдир. Обрўга эга бўлмасдан ҳаракат қилиш эса алаҳсирашдир.

Япон мақоли

Баъзи нарсаларни фақат уни бажарибгина ўргана-миз.

Арасту

Мақсадингиз сари етакловчи қадамни ҳозирдан ташланг. Ўзингизда ҳаракат қилиш туйғусини шакллантиринг.

Лес Браун

Кимдир бутун шу дарахт соясидан баҳра олади. Сабаби анча вақт аввал кимдир шу дарахтни ўтқазган эди.

Варрен Баффет

Ишонган — кучли, шубҳа қилган эса — ожиз. Буюк одимларнинг орқасида ана шу кучли ишончлар турибди.

Жеймс Кларк

Ишларни тугаллашнинг сири чаққон ҳаракат қилишдир.

Бенжамин Девид

Фақат қилган амалларингизгина қадрингизни белгилайди.

Иоганн Фихте

Инсонлар ҳаётда меҳнатлари билан яшайдилар, фикрлари билан эмас.

Анатолий Франс

Ҳар бир инсон амалларининг йиғиндисидир. Асло бошқа нарса эмас.

Махатма Ганди

Тез ҳаракат қилиб, шарт-шароитга мослашиш лозим. Акс ҳолда режалар иш бермайди.

Луис Герстнер

Бажарилган ишлар кимлигингни кўрсатади.

Чарльз Гарфилд

Қилинадиган энг яхши ишни узоқ ахтариш кечикиш билан тугаши мумкин. Фикрингиз ё иш беради, ё бермайди. Бу ердаги калит бошламоқдир.

Аноним

Бирор нарсани амалга оширишдан аввал ўзинг бирор нарсага арзишинг керак.

Гёте

Билим амалда қўлланмаса, бир чақалик қиймати йўқ.

Ҳеберт Грант

Етарлича билимга эгасиз, ягона қиладиган ишин-
гиз буларни амалда татбиқ этишдир.

Пеаке Пилигрим

Отам менга қандай яшашим лозимлигини айтма-
ди. У яшади ва ҳаётини кузатишимга изн берди.

Лоренс Келланд

Омадга чўққидан эришмайсан, аксинча пастдан
юқорига кўтариласан.

Самуэль Левинсон

Инсонларнинг қилган ишлари фикрларининг энг
яхши таржимонидир.

Жон Локк

Муҳими, бор имкониятларингиз билан нималар
қила олганингиздадир.

Ширли Лорд

Одатда омадли ва омадсиз инсонлар ўртасида-
ги фарқ — бирининг энг иқтидорли ёхуд энг яхши
ғоялари бўлиши эмас, аксинча инсоннинг мақсадларига
ишонч билан қараши ва диққат билан таваккал қилиб
ҳаракатланишидир.

Максвелл Мольц

Бирон нарсани яхши бошладингми, демак, йўл-
нинг ярмидасан.

Платон

Аллоҳ бодомларни беради, аммо уларни чақмайди.

Немис мақоли

Узоқдаги манзилга етишиш учун майда қадамлар ташлаш керак.

Хельмут Шмидт

Сиз келажак ҳақида хаёллар қуриб ва ўтмишдаги хатолардан хафа бўлиб юраверсангиз, қўлингизда турган ҳозирги кунингиз ҳовучларингиз орасидан қум каби тўкилиб кетади.

Ҳиллари Беллос

Энг катта хатолардан бири ҳеч нарса қилмасликдир.

Сидней Смит

Муҳими, қадамларни катта ташлаш эмас, балки қай тариқа ташлашдир.

Томас Тровард

Биз икки ўғри ўртасида ўзимизни фидо қиламиз. Булар кечаги хафагарчилик ва эртанги кунга нисбатан кўркувдир.

Георг Бернард Шоу

Ҳар бир муваффақият синаб кўришдан бошланади.

Аноним

Ё сарбонлик қил, ё таъқиб қил ёки четга чиқ.

Тед Турнер

Бошлаш учун журъат топа олсангиз, қўлга кириш учун, албатта, жасорат соҳибига айланасиз.

Девид Вискот

Инсон энг баланд тоғни ҳам битта-битта қадам ташлаб ошиб ўтади.

Жон Ванамакер

Ҳар доим бир йил ичида бўладиган ўзгаришларни катталаштириб, ўн йиллик ўзгаришларни эса кичиклаштириб тасаввур қиламиз.

Билл Гейтс

Ҳаммамиз умр қисқалигидан шикоят этамиз, аммо беҳудага сарфлаётган вақт қадрига етмаймиз.

Сенека

Инсонлар айтганларингизга шубҳа билан қарайдилар, аммо бажарганларингизга ишонадилар.

Левис Касс

Дилфуза Шойзоқова
таржимаси

ХАТО ҚИЛИШ

Олдиндаги тўсиқ нима учун қўйилганини билмасдан туриб уни олиб ташлама.

Роберт Фрост

Қилинган хато — ўша пайтдаги энг яхши амал эканига чин дилдан ишонишдир.

Арнольд Беннетт

Омадли инсон хатоларидан фойдаланади ва уни яна бошқача шаклларда ҳам синаб кўради.

Дейл Карнеги

Агар эслашда давом этмасанг, хато ҳеч нарса эмас.

Конфуций

Бир ишни тўғри қилиш унинг хато эканини тушунтириб беришга нисбатан кам вақт олади.

Генри Лонгфелло

Биргина хато ҳам катта бир омад учун зарур нарсага айланиши мумкин.

Генри Форд

Хато қилиш асабни бузади, лекин унинг ҳеч ким аҳамият бермайдиган даражада қадрсиз эканини билганимиздан сўнг эса жуда уятлилигини ҳис этамиз.

Чак Дэйли

Хато қилмаган инсон ҳеч нарса қила олмайди.

Бернард

Баъзан бир инсоннинг хатоларидан кўп нарса ўрганишимиз мумкин.

Генри Лонгфелло

Кўлидан келадиган ишларнинг энг яхшисини бажарган инсон омадсиз эмас.

Орисон Суэт Марден

Хато қилишдан қўрқма. Лекин ўша хатони яна такрорлашдан қўрқ.

Акио Морита

Ёшлар хатосининг олдини олсанг, унинг бефойда қарорлар қабул қилишининг ҳам олдини оласан.

Жон Эрскин

Ёшлар ўз хатоларини содир этишлари кераклилигини унутманг.

Гита Шапира

Амалиётдан кучлироқ ўқитувчи йўқ, аммо ўрганиш ҳисси уйғонмаса, амалиётдан ҳам ҳеч нарса ўрганиб бўлмайди.

Бернард Шоу

Хато билан ўтган ҳаёт шарафли эмас, бироқ ҳеч нарса қилмасдан ўтган ҳаётдан кўра яхшироқдир.

Бернард Шоу

Хатоларимиздан фойдалансак, ҳамма нарса жой-жойида бўлади.

Микки Риверс

Хато қилмаган одам ҳеч нарсани кашф этолмайди.

Самуэл Смайлс

Хатолар тажрибасизлик билан тажриба орасидаги кўприқдир.

Филлис Терос

Ҳеч кимнинг хатосини юзига солманг. Инсонга ўз хатосини бошқа биров мисолида тушунтиринг.

Али (р.а.)

Кечанинг хатоларини бугуннинг сабоқларига айлантиринг.

Аноним

Амалиёт бошингизга тушган нарсалар эмас, балки бошингизга тушганлар билан нималар қилганларингиздир.

Алдоус Хаксли

Хатолар ҳаётимизнинг ҳаётий парчаларини, ҳатто баъзан ҳаётимизнинг энг яхши парчаларини ташкил қилади.

Эллен Гудман

Хатолар бизни юқорига олиб чиқадиган зинанинг поғоналаридир.

Паул Мейер

Ҳамма одам хато қилади, лекин фақат ақлли инсонгина буларни ўрганади.

Уинстон Черчилль

Ҳеч ким бошқаларнинг хато қилишидан кўз юлмайди.

Гёте

Омадли инсонлар ўсишда давом этадилар. Хато қилишади, лекин воз кечмайдилар.

Конрад Хилтон

Статистика нима деса десин, ҳар қандай вазиятда ҳам омадга етакловчи йўл бор, албатта.

Бернард Сегел

Наргиза Тожиева
таржимаси

ОМАДСИЗЛИК

Баъзи мағлубиятлар буюк муваффақиятларнинг рағбатчисидир.

Шекспир

Мағлубиятга учраганда умидсизликка тушма, ҳар омадсизликда зафарга интилиш туйғуси мавжуд.

Герман Мартин

Агар омадсизлик эҳтимоли бўлмаганида эди, муваффақиятнинг ҳеч қандай маъноси қолмасди.

Роберт Шиллер

Ўтмишдаги омадсизликлардан ҳаракатга келиш учун фойдаланинг, ҳаракатсиз қолиш учун эмас.

Чарльз Гивенс

Ҳеч бир инсон катта ҳатолар қилмасдан омадга эриша олмайди.

Уильям Гладстон

Омадсизлар икки хил бўлади: ҳамиша ўйламасдан иш қилганлар ва бирор ишни аввал қилиб, кейин ўйлаганлар.

Жон Чарльз

Дунёдаги энг ёмон нарсa омадсизлик эмас, балки тажрибасизликдир.

Аноним

Омадсизлик кучлиларга куч беради.

С. Экзюпери

Пешқадамларнинг ким бўлганларини аниқлаш осон. Уларнинг орқаларига найзалар санчилади ва юзлари билан лойга йиқиладилар.

Аноним

Омадсизлик учун қирқ миллион сабаб бор, лекин бирорта ҳам узр йўқдир.

Редъярд Киплинг

Сизга омаднинг формуласини беролмайман, лекин омадсизлик формуласини бера оламан: ҳаммани хурсанд қилишга интилиш.

Герберт Своун

Кимки омадсизликка учрамаган бўлса, ўша инсон ўз асабларига ҳокимдир.

Порыие

Омадсизлик бир тажриба, инсоннинг ўзи эмас.

Уильям Браун

Энг бахтиёр ҳаётда ҳам омадсизликдан қочиб бўлмайди. Инсон руҳи мағлубиятда ўлмайди, ундан воз кечганда ўлади.

Бен Стейн

Бирор нарсанинг орқасида тўхтамасанг, олдинга келган ҳар нарсанинг орқасидан кетасан.

Стив Бартон

Шахматда ҳеч ким бир хужумда илгарилаб,

муваффақиятга эриша олмайди. Баъзан олға юриш учун бир қадам ортга чекинмоқ керак.

Амар Боуз

Омаддан бир сатр, омадсизликдан бир китоб нарса ўрганасан.

Паул Бровн

Омадсизликларнинг тўқсон тўққиз фоизи ўзини-ўзи оқлайдиган инсонларда юз беради.

Георг Карвер

Сувга тушсанг бўғилмайсан, чўксанг бўғиласан.

Эдвин Кол

Омадсизликни кутиш, омадсизликнинг ўндан тўққизидир.

Франсис Крафорд

Энг катта сабоқни омадсизликдан олдим.

Ҳамфри Дэви

Бирор нарса ўйлаганингиздек бўлмаса, ундан фойда йўқ дегани эмас.

Томас Эдисон

Агар ниятингиз омадсизликдан қочиш бўлса, ҳаракатсиз қолишни афзал кўрасиз. Озгина ҳаракат қилсангиз мувозанатни йўқотасиз.

Роберто Гозуэта

Муваффиқият учун омадсизликка дуч келишингиз

керак. Шунда кейинги сафар нима қилиш кераклигини биласиз.

Антоний Де Ангело

Бирор инсоннинг ўз-ўзига: «Уч маротаба омадсизликка учрадим» ва «Мен омадсиз инсонман», дейиши орасидаги фарқларни кузатинг.

С. Л. Ҳаякава

Омаднинг тўқсон тўққиз фоизини омадсизликлар ташкил этади.

Соитиро Хонда

Йўқотмоқ топмоқнинг бир парчасидир.

Дик Мунро

Синовдан ўтиб омадсизликка учраган киши, ҳеч нарса қилмасдан омадга эришган инсондан омадлироқдир.

Лойд Жонс

Катта ташаббуслар кўрсатишда, ҳатто омадсизликка дучор бўлиш ҳам завқли.

Кассий Лонгин

Буюк ўйинчининг энг яхши қобилияти ҳисобни ўзгартира олишидир. Катта чемпионларнинг ҳаммаси мағлубиятни зафардек қабул қиладилар.

Сам Снед

Ғолиб одам, эҳтимол ҳакам тарафидан майдон ташқарисига бир неча марта чақирилгандир, аммо у ҳакамни эшитмаган бўлади.

Х.Е.Жонсон

Ҳар бир омадсизлик омад томон қўйилган қадамдир.

Уильям Вевел

Инсоният муваффақият учун яратилган, муваффақиятсизлик учун эмас.

Генрий Тореу

Мағлубият — уни бирор одам қабул қилмагунича келмайди.

Жозефус Даниел

Шаҳноза Мирзаева
таржимаси

Ҳар бир инсонни эгаллаган мансаби билан эмас, кўз тиккан мансаби билан баҳолаш керак.

С. Толстой

Кимнингдир юқорига сакрагани эмас, балки юқорини кўзлагани муҳимдир.

Б. Уилиамс

Агар бирор нарсани чин дилдан истасанг, унга эришишнинг бирор йўлини, албатта, топасан.

Наполеон Хилл

Муваффақият йўлидаги тезлик — истакнинг шиддатли қароридир.

Дейл Карнеги

Биз бекорга орзуларни жиддий қабул қилиб, асаб хужайраларимизни ўлдираамиз.

Кристиан Бовее

Ҳаётда улкан орзуларингиз бўлса, катта қадамлар ташланг. Бу қадамлар бошқалар наздида кичик бўлиши мумкин, аммо унинг шу онда босиладиган энг катта қадам эканига ишонинг.

Милдред Макафее

Эҳтиёждан истак, ундан эса муваффақият орзуси туғилади.

Денис Веитлей

Инсон чин юракдан орзуга берилсин, ҳеч бир нарса қўл етмас даражада узоқда эмас.

Андерсон

Ҳаётда нимага қўл урмоқчи бўлсангиз, шу ишни қилинг, агар тўсиқлар кўп бўлса, ҳеч хавотир олманг, бунга чиниқасиз. Аччиқ ва ёмон ҳоллар бўлиши табиий, аммо агар шу ишнинг рўёбга чиқишини чин дилдан хоҳласангиз, ўша ишнинг ечимини, албатта, топасиз.

Жек Юнгблуд

Римда иккинчи бўлишдан кўра кичик бир уюшмада биринчи бўлишни афзал кўраман.

Цезар

Биз одатда ўзимизга нима муҳим экани борасида ўйлаб вақт сарфлаймиз, аммо билмаймизки, бунинг учун, энг аввало, ҳаракат қилиш лозим.

Уильям Росс

Ўз-ўзига ёрдам беришни хоҳламаган инсонларга бошқалар ёрдам қўлини чўзишининг ҳеч маъноси йўқдир. Агар ўзи ҳаракат қилмаса, уни ҳеч кимса зина-поядан юқорига кўтара олмайди.

Эндрю Карнеги

Менга нималарни ёқтиришингни айт, сенга ким эканингни айтаман.

Жон Рускин

Агар бирон нарсани бажонидил хоҳласанг, уни, албатта, қўлга киритасан.

Уильям Жеймс

Зеҳнга орзунинг уруғини экинг. У шундай кучга ай-

ланадики, оқибатда сиз эришмоқчи бўлган нарсаларни ҳада қилади.

Роберт Коллиер

Истак-хоҳиш фақат фурсатларни эмас, имкон ва қобилиятларни ҳам юзага чиқаради.

Эрик Ҳоффер

Истак кучни юзага келтиради.

Раймонд Геллингвелл

Инсонлар катта орзулар кетидан чопмасалар, кичик ишларни муваффақиятли бажаришар эди.

Генри Лонгфелло

Менда бирорта одам бормаган жойга бориш истаги йўқ эди, аммо инсон оёғи етган энг олис жойга боришни хоҳлайман.

Жеймс Гук

Агар ортидан кетаверсанг, истаган нарсага эриша оласан. Аммо сен бунинг учун уни чин дилдан хоҳлашинг керак. Муваффақиятни шундай исташинг лозимки, эрталаб уйғонганингдаги илк тушунчанг, тун ётоғингга кираётгандаги охирги ўй-хаёлинг бўлсин.

Чарльз Попплестон

Етарлича ишласанг, истаган нарсангга эриша оласан. Хоҳлаган ҳар бир нарса бўлади, бажаришга қарор қилган ҳар нарсангни бажарасан, фақат уни бутун борлигинг, юрагинг билан орзу қилишинг лозим.

Авраам Линкольн

Орзуларингиз етарлича кучли бўлса, муваффақият

учун инсондан устун турувчи ғайритабиий кучларга эга бўласиз.

Наполеон Хилл

Истак кўп ҳолларда ақлли одамларни телбага ай-
лантиради, телбаларни эса ақлли қилиб қўяди.

Аноним

Ғолиблик руҳи ва юксак орзу — кутилган
воқеалардан кўра аҳамиятлидир.

Винсент Ломбарди

Муваффақият асоси — орзу. Нимани орзу қилишни
ҳам билиш керак.

Роберт Коллер

Марваридлар соҳилда бўлмайди. Агар уни олишни
истасанг, сувга шўнғимоғинг даркор.

Хитой мақоли

Инсоннинг кимлиги қилган ишларида кўринади.

Аноним

Ҳақиқатдан ҳам ўз муваффақиятларимга ишо-
наман. Кўпгина инсонлар етарли қобилиятга эгалар,
аммо ҳаракат қилишга тайёр эмаслар.

Жо Картер

Ҳаётда ҳаракат қилиш учун биров истак лозим.

Самуэл Жонсон

Муваффақият — орзулар томон бутун кучингиз би-
лан ҳаракат қилиш.

Вилферд Петерсон

Муваффақият қозонишни истасангиз, эскирган қоидаларга амал қилишдан кўра, янги қоидаларни кашф этишингиз керак.

Жон Рокфеллер

Юксак орзу пайдо бўлиб, уни қўлга киритиш учун юракдан қарор қилингунга қадар ҳар бир инсоннинг зеҳни қайнаб турган катта кучга айланади.

Эдгар Робертс

Орзу ҳақида ўйлаш, уни янада катталаштиришдир.

Аноним

Истакларингни қай даражада аниқлаштириб олсанг, шу даражада кучга эга бўласан.

Аноним

Сен ҳаётда ишонч билан яшай оласан, чунки бошқаларнинг хоҳиш-истакларидан кўра, юрагинг хоҳиши ишончли ҳаётга йўл очади.

Стенли Жуд

Эҳтирос кема елканларини шиширувчи шамолдир. Шамол баъзан кемани чўктириб юборса-да, усиз сузиб бўлмайди. Бу дунёда ҳамма нарса хавфли ва айни дамда муҳимдир.

Франсуа Мери Вольтер

Шерзод Усмонхўжаев
таржимаси

ХАЁЛЛАР

Кўпинча хаёллар дастлаб имконсиздек кўринади, кейинчалик етарли истак билдирилса, пировардида улардан қочиб қутулиб бўлмайди.

Кристофер Рив

Бир инсоннинг қалбини ва фикрларини англаш учун қилган ишларига эмас, орзуларига эътибор қаратинг.

Халил Жуброн

Хаёллар ва идеалларингдан воз кечсанг, яшашдан ҳам умуман воз кеч.

Мариан Андерсон

Буюк хаёллар қилинг, лекин омадсизлик хатарини ҳам инобатга олинг.

Нарман Вадахан

Агар дарахтга тирмашмоқчи бўлсангиз, юлдузларга етишишни ният қилинг-ки, уддалайсиз.

Конфуций

Дунё кўрган ҳар бир муваффақият дастлаб бир хаёл эди. Энг қудратли чинор уруғ ичида, энг катта куш бир тухум ичида яширин эди.

Аллен

Хаёлларимиз ким эканлигимизнинг ойнасидир.

Барбара Шер

Хаёлга мутлақо бегона кимса энг қашшоқ одам саналади.

Аноним

Хаёл қилишга эринсанг, яшашдан ҳам воз кечасан.

Малкольм Форбс

Ҳаётингиз ичидаги йиллар эмас, балки йиллар ичидаги ҳаётингиз жуда муҳимдир.

Авраам Линкольн

Мен ичмайман, ҳаёлларим менга етарлича бахт бермоқда.

Мария Эшенбах

Агар ҳаёлга берилсанг, доимо буюк нарсаларни ўйла.

Дональд Трамп

Бугунги мағлубият эртанги гўзал ҳаёлларга соя солмасин.

Аноним

Келажак — ҳаёл қилишдан тўхтамаганлар қўлида.

Элеонора Рузвельт

Оёқни ердан узмай юлдузларга интилишда давом этинг.

Гасей Косим

Бошқаларнинг орзу-истагига ёрдам беринг, шубҳасиз, шунда сиз ҳам орзуларингизга етасиз.

Лес Браун

Аллоҳ бизга комилликка интилишимиз учун жуда катта орзу-ҳаёллар беради.

Аноним

Доимо юксак хаёллар оғушида бўлинг. Агар хаёл сўнса, ҳаёт қаноти синиқ, учолмайдиган қушга ўхшаб қолади.

Лангстон Хазхес

Хаёллари ўрнини афсус-надомат эгалламаган инсон қаримайди.

Жон Берримор

Ҳаётнинг ўзи уйғоқликда кўрилган тушдир.

Генри Гореа

Хаёллар қанотлари ҳар куни қирқилиб турадиган, аммо доимо янгидан ўсадиган бир қушдир.

Карло Дольчи

Хаёл сурунг, зеро хаёл тафаккурни шакллантиради.

Роберт Шуллер

Сувратимни тасаввур қиламан, сўнг ҳаётим расмини чизаман.

Винсент Ван Гог

Майда хаёллар инсоннинг улкан юрагини ҳаракатга келтира олмайди.

Гёте

Хаёл сурган пайтимда ёшимнинг аҳамияти йўқолади.

Елизавет Гогсворд

Хаёлдан олдин ҳеч нарса бўлмайди.

Карл Сандбург

Бир кўза ташимоқ, икки кўза ташишдан қийиндир.

Ориф Нихот Осиё

Ичига қараб борилгани сари ҳаётнинг ҳар дақиқаси маънога эга бўлади.

Барбара Шер

Қаерга боришини аниқ билган инсонга йўл бериш учун бутун олам бир ёнга чекинади.

Старр Жордон

Орзуинг учун бутун борлигини фидо қилишга тайёр бўлсанг, албатта, унга эриша оласан.

Жеймс Барри

Хаёлга ишонч билан эргашинг. Шунда хаёлга мос яшайсиз.

Генри Торо

Хаёлдан асло воз кечманг. Бирон нарсага эришиш истаги ишонч, қатъият, ирода, фидокорлик ва тинимсиз ўз устида ишлашни талаб қилади. Ўзига ишонган инсон учун ҳар нарсанинг мумкинлигини унутманг.

Гейл Диверс

Буюк ишлар хаёли билан яша. Шунда кичик ишларни амалга оширишга имкон топасан.

Мюльс Ренард

Фақат мумкин бўлган нарсалар орзу қилинади.

Декарт

Амалга ошмаган хаёллар бизни ҳаётга боғлайди.

Роберт Шуллер

Ҳаётнинг майда нарсалардан иборат эканини англамаган инсон катта нарсаларни қўлга киритишга ҳаракат қилади.

Франк Кларк

Моддий бойликни ўғирлашлари мумкин, аммо руҳиятда жамланган бойликни ҳеч ким ўғирлай олмайди.

Оскар Уайльд

Бошқалардан ҳеч нарса таъма этмаган инсон бахтлидир. Чунки унинг хаёллари асло пучга чиқмайди.

Александр Поуп

Сизга бахт берадиган йўлни изланг.

Жозеф Кэмпбелл

Хаёлларимни кўриш учун кўзларимни катта-катта очаман ва ўтмишимни кўриш учун кўзларимни юман.

Тони Арата

Инсондан хаёллари тортиб олинса, унинг яна қандай шодлиги қолади.

Фустанелли

Юлдузларга қўл чўзиб бирорта юлдузни ҳам, бир ҳовуч тупроқни ҳам қўлга киритолмайсан.

Лео Бурнетт

Инсон зотига ҳеч бир хаёл кўплик қилмайди.

Жимини Крикет

Хаёл суришдан тўхтаган заҳоти ўламиз.

Голдман Эмла

Хаёл қила олсанг, унга соҳиб бўла оласан.

Уольт Дисней

Буюк инсонларда мақсад, бошқаларда эса ҳавас ва орзулар бор.

У. Ирвинг

Хаёлнинг зерикарли бўлганини кўрганмисиз?

Ральф Годсон

Инсонлар бўлган воқеаларга қараб: «Нега?» дея сўрашади. Мен бўлмаган нарсаларни ўйлаб: «Нега бўлмасин?» дея сўрайман.

Бернард Шоу

Ёшликдаги хаёлларингиздан воз кечманг.

Фридрих Шиллер

Бошқалардан яхши бўлишга эмас, балки ўзингиздан яхшироқ бўлишга интилинг.

Уильям Фолкнер

Хаёллар сизга кучли эканингизни кўрсатади.

Ҳелен Шучман

Ёшингиздан қатъий назар ичингизда туғиладиган хаёлларнинг жуда гўзал имкониятлари бор.

Доле Турнер

Хаёллар бепулдир.

Аноним

Муҳими, кимлигимиз эмас, қайси йўлдан кетганимиз.

Олливер Колмас

Севгилингнинг хаёли ўзидан анча гўзалдир.

Жалол Сано

Борган жойингизда қўлдан келганини қилинг.

Теодор Рузвельт

Муваффақият — қўлдан келганини қилиш ҳузури ва роҳатидир.

Жон Вуден

Инсон ўз ҳаётини ўзи хоҳлаганича яшай олади.

Аҳмад Ҳамди Танпинар

Муаммо энг яхши ечим топиш учун бир фурсатдир.

Буке Эллингтон

Хаёлларингизни йўқотган онингиз, ҳаётингиз ҳам поёнига етган ҳисобланади.

Марк Твен

*Гўзал Норқулова
таржимаси*

МАҚСАДЛАР

Инсон қайси соҳилни кўзлаганини билмаса, унга ҳеч қандай шамол ёрдам беролмайди.

Сенека

Балоғат ёшига етмасданоқ, улғайгач ким бўлишим-ни белгилашга қарор қилдим. Мақсадим — дунёдаги энг машҳур спортчи бўлиш эди.

Дидриксон Заҳарис

Юлдуз бўлиш пешонага ёзилмагандир, аммо энг яхшиси бўлиш мақсадингиз бўла олади.

Брайн Линдсей

Қаерга бормоқчи эканингни билмасанг, ҳеч қаерга боролмайсан.

Персий Жонсон

Борадиган жойинг бўлмаса, ўзинг томонга йўл ол.

Қувонч Эртурул

Инсоннинг бирор иш қилишга асоси бўлмаса, бу унинг ҳеч нарса қилмаслик учун яхши бир сабаби бор деганидир.

Томас Скотт

Ё бир йўл топамиз ёки ўша йўлни ўзимиз яратамиз.

Ганнибал

Инсон учун бирор мақсад муҳим бўлса, аввалига қанчалик имконсиз бўлиб кўринса ҳам унга етишиш учун йўл топади.

Нидо Губеин

Икки қуённи қувсанг, иккиси ҳам қўлдан чиқади.

Аноним

Майда гаплар ҳеч қачон буюк фикрларга зарар етказмайди.

Ховард Невтон

Олға қараб юрар экансиз, маълум бир нуқтага етганингиздан кейин ортга қайтиш учун йўл бўлмайди. Етишингиз керак бўлган нуқта шудир.

Франц Кафка

Мақсади бор инсонлар унга етишадилар, чунки улар қаерга боришни истаётганларини биладилар.

Эрл Найтингейл

Ҳар куни олдингизга янги мақсадлар қўйинг.

Жулия Крон

Мақсадга етишни хоҳласангиз, кўтаринки кайфият билан ишга киришинг.

Опрах Винфлей

Омаднинг сири касбни иш деб эмас, сеvimли машғулот деб тушунишдадир.

Марк Твен

Бирор нарсага эришишда аниқ мақсад ва тўсиқларни енгиб ўтишга ишонч керак.

Герберт Отто

Тўхтаб қолмаслик туйғусини асрашнинг ягона йўли ҳамиша улкан мақсадларга эришишдир.

Майкл Корда

Осон эришиладиган мақсадларни кўзлаган киши ўз имкониятларини чегаралаган бўлади.

Савет Роберт

Муваффақиятлар калити мақсад йўлида қарор қилмоқ ва унинг учун курашмоқдир.

Брейн Тресси

Чўққиларни мақсад қилинг.

Анри Карнеги

Кўпчилик инсонларнинг ҳаётда муваффақиятсизликка учрашининг асосий сабаби қобилият ёки заковат, ҳатто жасоратнинг йўқлиги ҳам эмас, балки ўз имкониётини бир мақсад йўлида бирлаштира олмаганидир.

Альберт Хаббард

Бир мақсад йўлида интилиш ва унга содиқ қолиш барча нарсани ўзгартиради.

Скот Ред

Мақсадлар ҳаётда нима кераклилиги бўйича йўл кўрсатувчи хариталардир.

Лейс Бровн

Орзу — ният ичида энг муҳим бирор бир мақсадга эга бўлишдир.

Геофрет Аберт

Мақсадли бўлиш мақсадингиз бўлсин.

Аноним

Мақсадлар қалбимизнинг туб-тубида ётган кучларни ва ҳаётнинг энг яхши тарафларини юзага чиқаради.

Гарвий Маскей

Мен ўтмишга қизиқмайман, келажакка қарайман. Чунки ҳаётимнинг қолган қисмини унда ўтказишни режалаштиряпман.

Чарльз Кетрин

Бировлардан яхшироқ рақсга тушишга интил-
майман. Фақатгина ўзимдан яхшироқ рақс тушишга
ҳаракат қиламан.

Михаил Барушников

Мақсадсиз ёки ҳаёлсиз ҳолга тушадиган даражада
қари эмассиз.

Лес Бровн

Ҳар ким чин дилдан хоҳлаган нарсасини амалга
ошира олади. Ҳар биримиз ўйлаганимиздан кўра
кўпроғини бажара оладиган кучга эгамиз.

Норман Винкент Пил

Инсон бутунлай ўзини бахш этганида Аллоҳ ҳам
унга мадад беради.

Гёте

Бир мақсадга эришиш иккинчи бир мақсаднинг
бошланғич нуқтасидир.

Жон Девит

Энг муҳими, олдига мақсад қўйиш эмас, унга қандай
етишишга қарор қилиш ва бу режага содиқ қолишдир.

Том Лендрий

Инсонлар дангаса эмас. Фақат уларда илҳом бера-
диган кучли мақсадлар йўқ, холос.

Антоний Роббинс

Назокат Валиева
таржимаси

ҚАРОР ҚИЛИШ

Бирор нарса қилмоқчи бўлсак дастлаб, қарор чиқарамиз. Охирида эса бунга тақдир деб ном берамиз.
Бенжамин Дизраэли

Қувонч ва қайғулар... Уларни бошимиздан ўтказмасдан анча олдин танлаймиз.

Халил Жуброн

Фақат телбагина дарёнинг чуқурлигини билиш учун икки оёғини сувга солади.

Африка мақоли

Аллоҳим, мени ўзгартирмоқчи бўлган нарсани ўзгартиришда жасорат, ўзгартира олмайдиган нарсага кўникишимга қувват ва бу иккиси ўртасидаги фарқни ажрата олишим учун ақл бер.

А. Чарлс

Ҳар биримизга яшаш бахти берилди. Бизнинг ишимиз — яшашни бошлашдир.

Нельсон Брандлей

Агар омадли ва даромадли корхонани кўрсангиз, билинги, кимдир вақтида жасурана қарор чиқара олган.

Петр Друкер

Мудом иккиланувчи инсондан бахтсизроқ киши йўқ.

Уильям Жеймс

Иккиланиш ва вақт ўтгандан сўнг ҳаракат қилиш, омадсизликка етаклайди.

ГорҒ Чаннинг

Қарорлар балиққа ўхшайди: қармоққа осон туша-

ди, бироқ қўл билан ушлаб олиш қийин.

Александр Филис

Бир қарорга келишдан қочиш учун баъзан инсонлар ўзлари қоидалар ўйлаб чиқарадилар.

Майк Крзевский

Бирор фалокат вақтида тўғри қарор кила олиш унинг ярмидан қутулиш демақдир.

Пасталозий

Бирор нарсани ҳал қилмасликка қарор бериш ҳам қарор чиқариш саналади.

Вик Крантрэ

Ўз қадрингизни билсангиз, у ҳолда қарор чиқариш қийин бўлмайди.

Рой Дисней

Мақсадларим амалга ошмагунча тиниб-тинчимасликка қарор қилган эдим.

Девид Линвингстон

Қаерга боришни билмасангиз, борадиган ернинг қизиги йўқ.

Петр Друкер

Орзу қилган ҳаёт тарзига эришиш учун вақт етарлидир. Фақат орзу ушалиши йўлида қилинган қарорлар оз бўлиши мумкин.

Вайнэ Дйэр

Билишимиз зарур бўлган энг қийин нарса қайси кўприкдан ўтиш қулай эканини ёки қайси кўприкнинг қулашини билишдир.

Девид Руссел

Жавоб бермаслик ҳам берилган жавоб саналади.

Немис мақоли

Агар сен чуқурда бўлсанг, ерни қазишда давом этиришнинг фойдаси йўқ.

Рой Вольтер

Йўл ўртасида турган инсонларнинг ҳоли маълум: эзиладилар.

Анэурин Беван

Йўлнинг қоқ ўртасида туриш хавфли. Ҳар икки томондаги ҳалокат сизни четлаб ўтолмайди.

Маргарита Теччер

Барчанинг бахти учун ҳаракат қилиб кўринг. Ҳеч бирини бахтли қила олмайсиз.

Эзон

Ниятимизни астойдил амалга оширишга киришсак, албатта, унга эришамиз.

Ҳелен Келлер

Буюк инсонларсиз ҳеч қандай буюк кашфиётлар бўлмайди. Қатъиятли инсон буюк бўла олади.

Чарльз Гауле

Ўз вақтидан олдин чиқарилган қарорларнинг охири йўқ.

Оскар Уайльд

Билганларимиз эмас, тўғри тахмин қилганларимиз бошимизни балоларга бошлайди.

Авраам Линкольн

Саида Рўзиева таржимаси

ҲАРАКАТ ҚИЛИШ

Қилган ишимнинг ўндан тўққизтаси муваффақиятсизлик билан якунланди. Муваффақиятсиз бўлишни истамасдим. Шунинг учун мен яна ўн карра ҳаракат қилдим.

Бернард Шоу

Инсонларнинг меҳнат қилиб ҳолдан тойишига ишонмайман. Асабийликдан, ташвишдан ва кўркув туфайли ҳолдан тоядилар. Жамиятимиздаги аксарият кишилар кўп ишлаш нималигини ҳам билишмайди.

А. Л. Уильямс

Кутганлар баъзи нарсаларга, масалан, истаган нарсалари учун курашганлардан қолганигагина эга бўладилар.

Авраам Линкольн

Оддий бир одамнинг қўлидан келганини қилиши зийрак бир одамнинг данғасалигидан яхшироқдир.

Б. Грасиан

Тоғни жойидан қўзғатган одам, ишни майда тошларни ўйнатишдан бошлайди.

Хитой мақоли

Мен учун энг буюк завқ ҳаракат қилишдир.

Моцарт

Мева истаган — дарахтга тирмашиши керак.

Томас Фуллер

Шуни айтиш мумкинки, ҳаракатчан бўлишга
эҳтиёжимиз бор.

Мустафо Камол Отатурк

Эрта туриб кеч ётган йўқотган молига қайтадан
эришади.

Гардер

Доимо излан. Бутун олтин изласанг мис топасан.
Эртага мис изласанг олтин.

Жаноб Шаҳобиддин

Муваффақият — бирор нарсага эришиш учун қў-
лимиздан келган барча нарсани қилганимизда юраги-
мизда уйғонган ҳузур ва роҳатдир.

Жон Вуден

Кўп ишлаш муваффақиятни кафолатламайди, ле-
кин имкониятни орттиради.

В. Ж. Гунта

Олдин ишланг, сўнгра дам олинг.

Александр Пушкин

Бир иш кунингизни ҳавога совуриш учун мингта
йўл бор, аммо ортга қайтиш учун битта ҳам йўл йўқ.

Том Де Марко

Агар кимдир ҳамма нарсасидан айрилмаган бўлса,
ҳеч нарсасидан айрилмабди.

Георгес Гуйнемер

Баҳорда гулламаган дарахт, кузда мева бермайди.

Инглиз мақоли

Шамол бўлмаса, эшкакларни ишга сол.

Лотин мақоли

Агар инсонлар эришган ютуқларим учун қанчалик
тер тўкканимни билсалар эди, ютуқларим уларга бу
қадар таъсирли кўринмас эди.

Микеланжело

Чарчаганларнинг дам олиши учун туннинг ўзи
етарлидир.

Гёте

Барча эҳтимоллар сизга қарши бўлса ҳам, доимо
бор нарсангизни бўлишинг.

Арнольд Палмер

Ҳеч нарса йўқдан бор бўлмайди.

Уильям Шекспир

Бошлаш учун буюк одам бўлишингиз шарт эмас,
аммо буюк одам бўлишингиз учун бошламоғингиз ке-
рак.

Зиг Зиглар

Буюк ишлар, аҳамиятли қадамлар фақатгина бир-
ликда қўлга киритилади.

Мустафо Камол Отатўрк

Буюк характернинг асосий белгиси тўғри ва
меҳнаткаш бўлмоқдир.

Александр Гумбольдт

Гулноза Муҳамедова
таржимаси

ХАТТИ-ҲАРАКАТ

Тўғри йўлдаги одамнинг мақсадига эришишига ҳеч нарса тўсиқ бўлмайди. Янглиш бир вазиятда қолган одамга эса дунёдаги ҳеч нарса ёрдам беролмайди.

В.В. Зиеге

Пессимист булутлардаги қоронғуликни кўриб ташвишланади; файласуф эса иккала тарафини кўради ва фикр юритади, оптимист булутларни кўрмайди, балки булутлар устида юради.

Леонард Левинсон

Чарчашингизга сабаб юкнинг ўзи эмас, уни қандай ташиганингиздир.

Лена Ҳорне

Бургутларнинг катта-кичиклиги ва ҳайбатини хатти-ҳаракатларидан фарқлай оласиз.

Чарльз Скотт

Бахтли инсон аниқ шартлар ичида эмас, аниқ хатти-ҳаракатлар ичида бўлган инсондир.

Хугх Довис

Кайғу ва ғам қушлари бошинг узра учиб юради. Сен уларни ўзгартира олмайсан, аммо сочларинг орасидан ўзларига уя қуришларига тўсиқ бўла оласан.

Хитой мақоли

Кутаётганларимизга эришамиз.

Эрл Найтингейл

Муваффақиятсизликни қандай қаршилаганингиз муваффақиятни қандай қўлга киритишингизни белгилайди.

Девид Фертий

Ҳеч қачон ютқазишни кутмайман. Курашда ютқазаётганимда ҳам доимо бир зафар нутқини тайёрлаб қўяман.

Жексон Бровн

Бир ишга ютқазишни ўйламасдан киришгин. Заиф томонларингдан кўпроқ кучли жиҳатларга, муаммолардан кўра имкониятларингга суян.

Паул Мейер

Хатти-ҳаракат ҳақиқатга нисбатан муҳимроқдир.

Карл Меннингер

Муваффақият руҳиятингиз билан боғлиқ, унга эришишни хоҳласангиз, ўзингизни омадли инсон сифатида тасаввур қилинг.

Жойже Брозерс

Оптимист инсон қоронғуликда ҳам нур кўра олади. Лекин нега пессимист инсон доимо уни ўчиришга шошади?

Мишел Пиер

Ҳар нарсанинг калити келажакка умиддир.

Сам Валтон

Инсонлар хатти-ҳаракатларини ўзгартириш билан ҳаётларини ўзгартира оладилар.

Норман Винкент Пил

Ҳеч нарса яхши ёки ёмон эмас, фақатгина шундай ўйлаш нарсалар ҳақидаги тасаввуримизни ўзгартиради.

Уильям Шекспир

Бемаъни инсон фурсатлардан қийинчиликлар, яхши инсон эса қийинчиликлардан фурсатлар яратади.

Ҳенри Труман

Ҳаётда яшашнинг икки йўли бор. Бири — ҳеч нарса мўъжиза эмас, бошқаси — ҳаммаси мўъжиза, деб яшашдир.

Альберт Эйнштейн

Абадий яшайдигандек орзу қил, бугун ўладигандек яша.

Жеймс Деан

Ўтмишни ўзгартира олмаймиз, инсонларни ўзгартира олмаймиз, муқаррар нарсаларни ўзгартира олмаймиз. Ўзгартира оладиганимиз биргина хатти-ҳаракатимиздир.

Чарльз Свиндол

Инсонлар ўртасида кичик фарқ бор. Лекин шу кичик фарқ катта фарқларни пайдо қилади. Бу кичик фарқ хатти-ҳаракатдир. Катта фарқ эса унинг бўлиши ёки бўлмаслигидир.

Слемент Стон

Ҳаётингни яша ва ёшингни унут.

Норман Винкент Пил

Чемпион ғалабани яхши кўришдан кўра кўпроқ ютқазишдан нафратланади.

Крис Эверт

Хатти-ҳаракатнинг ожизлиги характер ожизлигига айланади.

Альберт Эйнштейн

Вужуд чидамайдиган жойда руҳнинг енгилиши қайғулидир.

Марк Антоңий

Хатти-ҳаракат яхшими-ёмонми, йигирма тўрт соат ишлаган яширин кучдир.

Аноним

Муваффақият ҳақидаги энг қийин нарса муваффақиятли бўлишда давом этишнинг кераклигидир.

Ирвинг Берлин

Муваффақиятсизликларнинг тўқсон тўққиз фоизи узрли сабаб топишга одатланган инсонларда юз беради.

Георг Карвер

Кўнгил очиш учун ишланг, пул ўзи келади.

Ронни Милсан

Тарих менга нисбатан яхши фикр уйғотади ёки мен уни яхшилаб ёзишни ният қиламан.

Уинстон Черчилль

Ўйнасак ҳам, ўйнамасак ҳам барибир аҳмоқмиз. Қани, ўйнайлик.

Япон мақоли

Эркин бўлмаган ҳаёт, руҳсиз вужудга ўхшайди.

Халил Жуброн

Ҳаётни бугун яшанг. Кечаги кун ўтди, эрта эса ҳеч қачон келмаслиги мумкин.

Аноним

Бахтнинг катта қисми мавжуд шартларга эмас, хатти-ҳаракатга боғлиқ.

Марта Вашингтон

Муваффақиятга эришишда — қарор бошқа ҳар нарсадан фойдали эканини асло унутманг.

Авраам Линкольн

Инсонлар яшашдан ягона мақсади бахтли бўлиш эканини ўйламасаларгина бахтли бўла оладилар.

Жорж Оруэлл

Кўз олдимиздаги ҳеч нарса хатти-ҳаракатчалик эмас. Хатти-ҳаракат бизни муваффақият ёки муваффақиятсизликка етаклайди.

Норман Винкент Пил

Ҳар доим қўлингизда нима қолганига қаранг. Ҳеч қачон нимани йўқотганингизга эътибор берманг.

Роберт Шүллер

Муҳими, бошингизга нималар тушгани эмас, уларга қандай таъсир кўрсатганингиздир.

Эпиктет

Ишонч билан олдинга интилинг. Яхши нарсалар бўлишини кутиш билан бирга муаммоларга бутун кучингиз билан ҳужум қилинг.

Норман Винкент Пил

Шартлар ҳар доим ҳам сизнинг назоратингизда эмас, лекин фикрларни назорат қила оласиз.

Чарльз Поплестон

Муваффақиятсизликни ҳисобга олмаган ҳеч қачон буюк муваффақиятларни қўлга кирита олмайди.

Роберт Кенеди

Мукаммаллик уддабурунлик эмас, хатти-ҳаракатдир.

Ральф Марстон

Бахт мақсад эмас, қўшимча сабабдир.

Элеонор Рузвельт

Ҳаётдаги биргина тўсиқ натижасиз хатти-ҳаракатдир.

Скотт Хамилтон

Агар имконсизликни ўйламаганимизда кўп нарса қила олар эдик.

Христиан Малашербес

Деворга эшик деган умид билан қарама.

Лаура Шлезингер

Хатти-ҳаракат сизнинг табиат қонунларини қабул қилишингиз ёки рад қилишингиздир.

Жим Рон

7 ранг, 10 рақам ва 7 нуқта бор. Муҳими булар ёрдамида нима қила олишингиздадир.

Руз Росс

Бир стаканнинг ярми тўла ёки ярми бўш эканлиги
унга қараган инсоннинг хатти-ҳаракатига боғлиқдир.

Аноним

Энг ёмони учун тайёрлан, энг яхшисини кут ва
қўлга киритганинга рози бўл.

Роберт Сперри

Дилрабо Кенжаева
таржимаси

Сабрли одам игна билан қудуқ қазийди.

Итальян мақоли

Кучимизга қараганда сабримиз кўп нарсани ҳал қилади.

Эдмонд Бурк

Сабр билан куч орасидаги ҳар қандай беллашувда ҳам сабрли бўлинг.

Прескот

Қум соатини кўз олдинга келтир. Шовқин-сурон ёки шошилиш билан ҳеч нарсага эришолмайсан. Қум зарраларининг бир тарафдан иккинчи тарафга ўтишини кутишга мажбурсан.

Жон Моргенстон

Сабр ўрта ёшли аёлни ҳам гўзаллаштиради.

Исаак Ньютон

Сабр — юк остида қолиб шикоят қилмасликдир.

Георг Гранвил

Кичик муаммолар қаршисида сабрли бўлолмаганлар, катта режаларни амалга ошира олмайдилар.

Хитой мақоли

Бугун сабр қилинг, келажакка ишонинг ва ҳаётнинг ҳаловатини тотинг.

Георг Перера

Ғалаба — энг кўп машаққат деганидир.

Напалеон

Рим бир кунда қурилган эмас.

Аноним

Қизиққон одам бир ой сабрли бўлса, юз кунлик пушаймондан қутулади.

Хитой мақоли

Баъзида, Аллоҳ таоло инсонлардан сукут, сабр ва кўз ёшдан бошқа ҳеч нарса хоҳламайди.

Робинзон

Сабр — руҳият оламида жабр-ситам тортиш демақдир.

Аноним

Беҳзод Мирзақулов
таржимаси

АЗМ-ШИЖОАТ

Аччиқни тотмаган, ширин нималигини билол-майди.

Олмон мақоли

Муваффақиятнинг ҳақиқий ўлчови бошқаларга қараганда қанчалар кучли эканингизда эмас, кечаги шартларингизнинг қаерида эканингиздадир.

Ҳинд мақоли

Умидини йўқотган кишининг йўқотадиган бошқа нарсаси йўқ.

Болсе

Дунёдаги энг муҳим муваффақиятлар ҳеч қандай фойда келтирмайдигандек кўринган дамларда ҳам си-нишда давом этган инсонлар томонидан қўлга киритил-ган.

Дейл Карнеги

Ё бир йўл топамиз ёхуд ўзимиз курамиз.

Ханни Бал

Дунё ғам-ғусса билан тўла бўлиш билан бирга, буни енгиш йўллари билан ҳам тўладир.

Ҳелен Келлер

Етти марта йиқил, саккизинчи марта ўрнингдан тур.

Япон мақоли

Дуч келинган қийинчиликлар қанчалар катта бўл-са, уларни енгиш шунчалар ғурур бахш этувчидир.

Эпиктет

Осонликча эришилган талабалар арзондир. Эришишга арзигуликлари эса аёвсиз кураш сўнгида келади.

Генри Бичер

Қайта-қайта синаб омадингиз юришмагани муҳим эмас. Муҳими, синаб, омадсиз бўлганингизда, қайта синаб кўришни уддалаганингиздир.

Чарльз Кеттеринг

Болға шишани чилпарчин қилади, бироқ чўяни янада тоблайди.

Рус халқ мақоли

Азм бор жойда яна бир йўл бордир.

Георг Класон

Аллоҳ сизга ҳамма нарсага бардош бера оладиган бир вужуд берди. Энди зеҳнингизни кўндирсангиз бўлгани.

Винченцо Ломбарди

Ҳеч қачон воз кечмадим. Ҳатто одамлар менга ҳеч қачон уддалай олмаслигимни айтганларида ҳам.

Боб Вичман

«Ҳозир воз кеч, барибир кўлингдан келмайди!» Ана шу «тавсия»га алданмасангиз, йўлнинг ярмини босиб ўтган бўласиз.

Давид Зучер

Азм ва сабот инсонларнинг энг катта дастёридир.

Ҳазрати Али

Уддаламоқнинг ягона йўли чидамоқдир.

Дэн Браун

Инсон азм-шижоати нисбатида кучлидир.

Аноним

Мен омадга ишонаман. Кўп ишлаганимда кўпроқ омадим юришади.

Томас Жефферсон

Олмос исканжа остида қийматли бўлган фақат кўмир парчасидир.

Аноним

Хоҳиши бор учун ҳеч нарса қийин эмас. Хоҳишсиз учун ҳеч нарса осон эмас.

Томас Фуллер

Мағлубиятларга дуч келайлик, аммо мағлуб бўлмайлик.

Майя Ангелоу

Феруз Холмирзаев
таржимаси

ТУЙҒУЛАР

• Ҳаётингизда чорасизликни, ишончсизлик ва қўркувни оз бўлса-да ҳис қилдингиз. Бу ҳислар ҳозиргача сиз билан бирга яшади. Йўлимиз буларни енгиб ўтиш йўлидир.

• Яна ҳам яхшироқ муваффақиятларга эришмоқчисиз. Лекин бошқа тарафдан ўзингизни чуқурликка тушиб қолгандек ҳис қиляпсиз. Ўтмишингиз армонларга тўла. «Тақдирим балки шудир», деб ўйлайсиз баъзан.

• Бемаъно ва узоқ вақт телевизорга тикилиб ўтирасиз. Худди бир нарсадан қочаётганга ўхшайсиз. Ўзингизга ҳурматингиз камайди. Ҳеч нарса қилишга қувватингиз йўқ. Уйингизга зўрға келасиз. Ўзингиздан, ҳаётдан ҳам хафасиз. Бир нур кўрсангиз ортидан кетасиз. Суянадиган бир шох топсангиз, қўйиб юбормайсиз. Бир чиқиш йўли ёки бир бошланғич нуқта кидиряпсиз.

• Муваффақият сирини билиш учун узоққа боришнинг кераги йўқ. У сир сенинг ичингда, ўз юрагингда. Чин дилдан қилган орзуларинг бўлса бошқа ҳеч нарсага эҳтиёж сезмайсан. Билмасанг ўрганасан, кўрксанг жасурларча олға юрасан, тўсиқлар бўлса парчалайсан.

• Ёниқ руҳиятдан кучлироқ қурол йўқдир. Орзу бор жойда интилиш бўлади. Орзу имконсиз ишларни амалга оширишга имкон беради. Орзунинг амалга ошишида ҳеч нарса тўсқинлик қилолмайди.

• Амалга оширишга кўрқаётганинг қийин иш эмас, сен ўзинг кўрққанинг учун қийинлаштиряпсан. «Мен истаган ҳаёт бу эмас», агар бирор нарсани ўзгартиришга қарор қилиб, ҳаракат қилмасанг «сен истаган

ҳаёт» шу бўлади. Жасурлик билан ҳаракат қилганда олган жароҳатларинг кейинроқ жасоратингнинг мукофотлари сифатида, ўзингни ерга уришга эмас, ўзинг билан ғурурланишингга йўл очади.

- Ҳаётинг ниҳоясига етишидан қўрқма, ҳеч қачон бошланмаслигидан қўрқ. Агар қўркув сени енгмоқчи бўлса, сен ҳам бир парчасини енгиб қўр.

- Муваффақиятсизлик муваффақиятга эриша олмаслик, бошқа ҳеч қандай имконинг қолмади ёки истаганларингга эга бўлолмайсан, дегани эмас. Омадсизликни ўзинг катталаштирма. Бу охирги бекат эмас. Ҳаёт деб аталган йўлнинг бир километри-дир, холос.

- Шижоат ажойиб нарса. Ичингда шундай бир туйғу борки, ич-ичингга сиғмайди. Одимларингда мусиқийлик, ичингда шундай ажиб бир куч борки, уни сўз билан ифодалаб бўлмайди, фақатгина бошдан ўтказган билади. Бир неча метр узоқдан кишининг диққатини тортасан. Куч, сеҳр бор сенда — ўзига тортувчи бир куч бор. Нима деб атасанг ата, бунинг номи — шижоат.

Женгиз Эршаҳин

Темур Носир таржимаси

Жаноб Шаҳобиддин 1870 йили Манастир шаҳрида туғилган. Мингбоши бўлган отаси Плевна жангида шаҳид бўлганидан сўнг, беш ёшида онаси билан Истанбулга келади. Бошланғич таълимни Тўпхонадаги Фавзия мактабида олгач, Гулхона аскарлик рушдиясида (ўрта мактаб) ўқийди. Лицейни тамомлаб Францияга кетади. 1890–1894 йиллари Парижда тери касалликлари ихтисослиги бўйича таҳсил олади. Туркияга қайтиб Мерсин, Родос шаҳарларида, сўнгра Жиддада тиббиёт ходими сифатида ишлайди.

Жаноб Шаҳобиддин 1891–1901 йиллари нашр қилиниб, Туркия адабий муҳитида салмоқли ўринга эга бўлган “Сарвати фунун” журнали атрофида уюшган машҳур ижодкорлардан бири. 1914 йили тиббий хизматига истеъфо бериб, университетда турк адабиёти тарихидан дарс беради (1914–1922), ижод билан шуғулланади. Сиёсий алғов-далгов замонда яшаган шоир мияга қон қуйилиши хасталигидан 1934 йилининг 13 феввалида Истанбулда вафот этади, Барикўй қабристонига дафн қилинган.

Жаноб Шаҳобиддиннинг илк шеъри ўн беш ёшлигида “Саодат” газетасида нашр қилинганди. У Францияда ўқиб юрган кезлари символистлар ва парнасчи шоирлар ижодини чуқур ўрганади. Жаноб Шаҳобиддин ижодига бу оқим вакиллариининг таъсири кучли бўлганлиги бежизга эмас. Шоир ҳаётлигида биттагина “Тамат” (1887) шеърий тўпламини эълон қилган. Унинг асосий адабий мероси вафотидан сўнг китоб ҳолида нашр қилинади. Жаноб Шаҳобиддиннинг “Сочма шеърлари” (1934), “Бутун шеърлар” (1884) шеърий тўпламлари, “Ҳаж йўлида” (1909), “Ироқ уфқлари” (1917), “Европа мактублари” (1919) саёхатномалари, “Ёлғон”, “Кичик Бейлар”, “Кўз бойлаш” каби драматик асарлари, “Уильям Шекспир” илмий китоби ва учта мақолалар тўплами чоп қилинган. Турли адабий жанрларда ижод қилган Жаноб Шаҳобиддиннинг

машхурлиги шеърлари туфайлидир. Драматик асарлари муваффақият қозонган эмас. Ижодининг бошланиш даврида Муаллим Ножи ва Вайсийларни ўзига устоз билган шоир кейинчалик Режаизода Маҳмуд Акрам ва Абдулҳақ Ҳамид Тархон ижодидан таъсирланди. Назми “наsr ва мусиқанинг уйғунлиги”, деб билган шоир шеърларида оҳангдорликка алоҳида эътибор қилади.

Жаноб Шаҳобиддин Товфиқ Фикрат, Холид Зиё Ушоқлигил сингари ўз даврининг машхур ижодкорлари билан яқин мулоқотда бўлса-да, у “соф санъатчи” сифатида ижтимоий мавзуларда асарлар ёзишга унча рағбат сезмаган. Унинг шахсида янгиликка интилувчанлик билан мумтоз адабиёт анъаналарига содиқ қолиш, муҳофазакорлик уйғунлашиб кетган эди. Умуман Жаноб Шаҳобиддин ижодида қарама-қарши мавзуларга ҳам бирдек муносабатда бўлиш ҳоллари учраб туради. 1908 йилдан насрга алоҳида эътибор қила бошлайди. Насрий китоблари асосан унинг саёҳатномаларидир. Асарларида романтик руҳ кучли бўлган Жаноб Шаҳобиддин ишқ, табиат, фалсафий мавзуларда кўпроқ асарлар ёзди. У “Шеърдан мақсад гўзалликни куйлаш” эканлигини алоҳида уқтиради.

Жаноб Шаҳобиддиннинг адабий-фалсафий қарашлари ибратли сўзларида, афоризмларида янада ёрқинроқ акс этган.

Ушбу, Гўзал Мирзаева таржимасида берилган Жаноб Шаҳобиддиннинг ҳикматомуз фикрлари сизнинг-да ақлингизни чархлайди, тафаккурингизни теранлаштиради, дея умид қиламиз.

Адҳамбек Олимбеков,
ЎзМУ доценти

- Гўзал фикр тўғри бўлмаса ҳам хуш ёқади.
- Фикр миянинг эмас, тилнинг маҳсулидир.
- Гўзал фикр қаримайди.
- Пок пешона устида бир само бордир – тўғри ва гўзал фикр.
- Ошқозон учун луқма қандай бўлса, мия учун фикр ҳам шундай. Барчаси ҳам бир хил эмас, бир қисми соғлиқ учун фойдали бўлса, бир қисми зарарлидир.
- Тўғри фикр ҳар куни кўксимизга урилади, биттасига бўлса ҳам юрагимизни очганимиз муҳимдир.
- Агар менга бирор фикр берса, бўрон сочларимни юлса ҳам зарар кўрмайман.
- Баъзан асарларнинг сузгичидан ўтган фикрларни ҳам барчага уқтира олмаймиз.
- Бўш ошқозон ҳайқиради, дейишади. Биз ҳам кўшимча қиламиз: тўла оғизларнинг саси чиқмас.
- Доҳийликнинг на мамлакати, на асири бор. Ҳамма ер, барча замон униқидир.
- Руҳияти ожиз одам олдидаги тарихни ўтган тарих каби очик кўра олмайди.
- Дунё жуда тез айлангани учун ранги аниқ эмас.
- Сўзи. тушунарли бўлмаган товуш сукутнинг шовқинидир.
- Инсонга нисбатан энг гўзал таърифни “фоний” деб айтганлар.
- Ҳолимизга мос тушмаганлар бизни чалғита олишмайди.

• Миянг тўла бўлса кўп ёзасан. Қалбинг тўла бўлса миянг бўм-бўшдек гўё.

• Халқ маҳкамаси доимо ғойибона маҳкум қилади.

• Яхшилик — кучлилар яратган асардир.

• Ўз ҳолатидан шикоят қилиш зимдан мағлубиятни эътироф этишдир. Шунинг учун суҳбатдошимиз назаридаги қийматимизнинг бир қисмини йўқотамиз.

• Яхшилигимизни бошқалар суиистеъмол қилганидек, ёмонлигимизни ўзимиз суиистеъмол этамиз.

• Юзимиздаги бугунги табассум эртанги ажинни ҳозирлайди.

• Қарға қанчалик номини ўзгартирмасин овозидан танишади.

• Қисмат худди туяга ўхшайди. Олдига бир эшак тушмагунча истаган тарафингизга юрмайди.

• Узумнинг энг ширини боғ бузилишига қолади.

• Тарози ҳақиқатан ҳам адолат тимсолидир. Тилни доимо оғир босган томонга мойил қилади.

• Кўзларини эшик тирқишидан уза олмаган хизматкорлар хўжайинларини ҳаммадан яхши билишади.

• Барчани билиш даъвоси ўзини билмаганлардан чиқади.

• Қадр каби таҳқир ҳам ўрнида қўлланилиши керакки, унинг-да қиймати бўлсин.

• Метин иродали деганларимизнинг аксарият қисми ҳиссизлардир.

- Ақли кўпнинг лаззатли дамлари кўп бўлади, алами ҳам.
- Ер юзида ёмонлик йўқолмайди; чунки пайғамбарлар ўлган, бироқ шайтон ҳали-ҳануз яшамоқда.
- Пулсизлик ёлғон гапирмайдиган қора хабарчидир.
- Ширин хотира бахтли ҳаётнинг бир қисмидир.
- Фикр баъзан мантиқнинг хоҳлаганини айтади, бироқ қалб мантиққа ўз истагини сўзлатади.
- Баъзилар бошқалар моне бўлмагунча ўзини тамоман озод ҳис эта олмайди.
- Янги фикрларнинг умри узоқ бўлиши учун кўп ҳукм сурган ҳодисаларга таянмоғи лозим.
- Ҳамма ҳам ҳақиқатан ўзи лойиқ бўлган муомалани бошқаларга нисбатан лозим топади.
- Яхши кўрмаслик ожизликнинг энг кенг тарқалган шаклидир.
- Заифлар назарида қувватнинг ҳар қандай кўриниши бир фазилатдир: хоҳласа яратсин, хоҳласа бузсин.
- Ҳеч шубҳасиз ҳаёт бир комедиядир, фақат унда кўпчилигимиз йиғлаймиз.
- Заррача умидингиз борми? Бир оз аламга бардош беринг. Зеро, ҳаёт мувозанати шундай.
- Ҳамма ўзини жамият учун ўта керакли деб ҳисоблайди, ҳолбуки башариятнинг ҳеч биримизга эҳтиёжи йўқ.
- Фақат ношудларгина кичрайганини ҳис қилишмайди.

- Инсонлар тарихга истаганини айттира оладилар, магар ўликлар эътироз билдиrolмайди.

- Ҳақиқий шукрона оғиздан чиқмай туриб, кўзлардан ўқилади.

- Бир ишқ пайдо қилган ярага фақатгина янги бир ишқ малҳам бўла олади.

- Бирор шоирнинг хотираси тарихга кирдими, билингки, у кексайди.

- Яхши кийин, бироқ эътиборли бўлгинки, костюминг сендан устун бўлмасин.

- Фикрга амир бўлoлмасанг асир бўласан, иккинсининг ўртаси йўқ.

- Жағи тушгач қариялар кам гапирадилар. Ҳаёт уларга кўп сўзнинг фойдасизлигини ўргатибди.

- Тасодифан юксалган одамлар ўз меҳнати билан юксалган одамлардан юксакроқ кўринади.

- Озодлик неъматини англамаган эртами-кечми ундан ёмонлик йўлида фойдаланади.

- Ҳақиқий ғам йиғлатмайди, ичдан азоблайди.

- Бўронли кечаларда нақш ишланмайди.

- Подадан ажраганни пода севмайди.

- Бир оз суриштирсангиз олмос ҳам кўмирдир.

- Оқар сув ҳаётнинг нақадар гўзал дарсидир. Кичик тўсиқлар учраса кўпиради, катталарининг ёнидан индамай ўтаверади.

- Сиёсатнинг энг аниқ нуқтаси молия ошхонасидаги катта зиёфатдир.

- Кўп сақлаган емагимиз биздан нордон таъми билан ўч олади.

- Илгарилаб кетган ҳар бир қадамни миллионлаб одам эади. Бу тарих қонунидир.

- Виждон ёлғон гапирмайди, бироқ тез-тез енгади ва енгади.

- Тарихи бўлмаган миллатлар бахтиёр, дейишади. Мен бу сўзнинг тасдиғини тополмадим. Ишончим комилки, гапнинг тўғриси, тарихи бўлмаган миллатлар бахтли эмас, ўлимга маҳкумдир.

- Ер юзида яшаш дунёнинг озми-кўпми оғирлигини кўтармоқдир.

- Тошни, албатта, мевали дарахтга отадилар. Бироқ дарахтга фарқи йўқ, тушган қуртларнинг тўкилишини билади.

- Умидли халқи бор жамият ўлмайди. Энг ёмон бошқарув халқни умидсизликка туширишдир.

- Ғозлар орасида бургут, бургутлар орасида ғоз бирдек сиқилади.

- Фақир закоти сабр билан ишлашдир.

- Бошлар бўш турар экан оғирлашади.

- Ўжарлик ироданинг эшаклигидир.

- Қизик, юкни тортган ҳўкиз овоз чиқармайди, бироқ омоч инграйди.

- Аҳмоқ ҳеч ким ёқтирмайдиган аҳмоқлигини қусурсиз, гўзал деб билади.

- Ўлим, айниқса, динни яшатади. Ўлимга чора топилмас экан, дин ўлмайди.

• Ҳақиқий фонийлар яхшиликни аҳмоқликка булғашади.

• Олтин қисқич билан кўнгилхушлик қила олмайдиган панжа йўқ.

• У зот ҳақиқий ирода одамидирки, “аъло” ва “бўлмади” дейишни ўрнида қўллайди ва ҳеч ортга қайтмайди.

• Тўғриси айтиш эмас, тушунтириш қийин.

• Ҳамма ҳам сотилавермайди, бироқ яхши нарх-лаш шарт билан барча нарсани сотиб олиш мумкин.

• Ёшликдаги кўп қусурлар кечирилиши мумкин, чунки ўзини тўғрилашга ҳам вақт етарли бўлади.

• Душман орттириш, дўст қозонишдан осон эмас.

• Ишлаш шундай ишончли ҳассаки, ҳар йиқилган унга суяниб тура олади. “Йиқилганнинг дўсти бўлмади” деган одам меҳнатни унутган бўлса керак.

• Умрида ёлғон гапирмаган одамни алдашга ҳеч кимнинг журъати етмайди. Кўпчиликнинг ёлғон гапиришга журъат этиши шундай одам йўқлиги учундир.

• Ўзларини гуноҳкор билувчи маъсумлар, маъсум билувчи гуноҳкорлардан кам эмас.

• Ишонма, бироқ ишончли кўрин, бу бир ижтимоий қоидадир.

• Бошқаларга нисбатан гина сақлаган одам чаёнга ўхшайди. Эртами-кечми заҳри ўзини ўлдиради.

• Тик ва тўғри юр! Ҳеч бўлмаса бўйингдан паст кўринмайсан.

• Нур ёритган атрофи ва олов иситган доирасига нисбатан қадрлидир.

• Озодлик, унинг қадрини билмаганнинг ҳақи эмас.

• Ҳукм ҳукмдорники бўлса ҳам, ҳақ халқникидир. Чунки ҳукмдор ҳар бир ҳақни халқнинг қувватидан олади.

• Ҳар бир миллат қорнида истиқбол номи билан бир гўдак ташийди. Бу гўдакни тушириш ижтимоий жиноятларнинг энг каттасидир.

• Тахтни бузиш тахтни қуришдан қийинроқ.

• Энг оғир ҳолат бефойда ишни бажаришдир.

• Яхши одам деб таърифлаганимиз ўзимизга жуда ўхшайди.

• Кўп орзуси бўлиб, умуман пулсиз юришдан кўра, кўп пули бўла туриб, умуман орзусиз яшаш ачинарлироқдир.

• Ишқий асарларнинг кўпида комедия бўлгани сингари, комедияларнинг кўпида ишқ бор.

• Сиёсат кўршапалақдир. Ёруғликни кўпам севмайди.

• Йўқсиллик шамоли ҳар тўзондан аввал фазилатни супуради.

• Инсон фақат уни севувчилар ва ундан кўрқади-ганларни ишонтира олади. Бунинг учун бир табассум ва бир қоң чимиришнинг ўзи етарли.

• Тўғри сўз ҳар оғизга ҳам ярашавермайди. Баъзиларнинг лабларида сўлакка аралашгандек бўлади.

- Бугунги фикрлар қийматини фақат эрта кўрсатади.
- Тарих такрордан иборат. Ҳар бир давр ҳийла ўзгаради.
- Ёш кўриниш истаги асосан ўлим кўрқувидан қочиш учун пайдо бўлади. Ўйлаймизки, ёш кўринган пайтимиз ажалдан узоқлашамиз!
- Шундай одамларни кўрдимки, ўлимдан ҳам кўпроқ мазордан кўрқишади. Кўмилмаса дарҳол ўлишга рози ҳам бўлади. Бундай одамлар ҳаётни ҳаёллари билан қаноат қиладиган даражада севадиганлардир.
- Баъзи одамларнинг мияси гаранг. Ҳақиқат уларга ҳайқирармидики, англасин.
- Ичингиздаги қалбга кўра ишқ олтин, кумуш ёхуд тунукадир.
- Аёл, қимор, ичкилик. Булардан бирортасига мубтало бўлиш, барчасига берилишдан кўра хавотирлироқдир.
- Мубталолик доираси қанчалик торайса шу қадар кучли бўлади ва улардан қутулиш осонлашади.
- Назокатли инсон хоҳ маҳси кийсин, хоҳ чорик, босган ерини лой қила олмайди.
- Ҳақиқатни қуёшга ўхшатишади. Тўғри. Кўзимиз зарарланишидан қўрқиб кўпинча унга қарай олмаймиз.
- Ҳақиқат ҳар доим ҳам мантиққа тўғри келвермайди.
- Ҳар нарсага кулавериш телбалик, кулмаслик ҳам ақлсизлик.

• Ўрнида кулиш асло жиддийликка моне эмас. Тўғри яша, озод кул, ҳеч қачон кўрқма – виқорингга путур етмайди.

• Нималарни билмаслигини билган кўп. Энг оғири ҳеч қачон била олмаслигини билишдир.

• Бизнинг ҳақиқий деганимиз нисбий ҳақиқатлардир, мутлақ эмас.

• Душманлар ҳаёт қайласининг қалампиридир.

• Сигирни ҳақир кўрганларнинг аксарияти дудланган гўштни севувчилардир.

• Қўлингдан келганича ҳаракат қилмагунингча имкон топа олмадим, деб шикоят қилишда ноҳақсан.

• Пулсиз қолмасликни хоҳласанг садоқатдан эмас, қарздан чекин.

• Энг ачинарли махлуқ тошбақалар билан юришга мажбур учқур отдир.

• Кексаларда марҳамат ҳисси камроқ бўлади. Мия юмшагани сари қалб қаттиқлашади.

• Ҳар фазилатга эга хотин бўлиш – фаришта бўлишдан қийинроқдир.

• Ғам чекиб сиқилмаганлар кўнгилхушлик қилишда ҳам қобилиятсиздирлар.

• Кўп билган каби умуман билмаслик ҳам афвга яқиндир. Ярим-ёрти маълумотдан кўрқаман.

• Аёллар кечира олмайдиган биргина қабоҳат бор: кексайиш.

• Ҳақиқий санъат шайдоси ҳеч қачон ҳирсга берилмайди, унинг хаёллари эҳтирос учун етарли демакдир.

- Билимсизлик доимо нур билан оловга тақлид қилади ва кўпинча ўзини ёритган каби ёққанни ҳам қуёш деб билади.

- Хаёл билан йўлга чиққан манзилга қўллари бўм-бўш ҳолатда етиб боради.

- Кўҳна фикрлар қоқилган михларга ўхшайди. Суғуриб олиш жуда қийин.

- Баъзи одамлар борки, қонундан қўрқмасалар-да, назар тегишидан ўтакалари ёрилади.

- Инсон ҳақиқат ва хаёлни бир-бирига аралаштириб яшайди.

- Оёғимиз ерда экан, кўзларимиз кўкдадир.

- Инсон ботинан ва зоҳиран мос бўлиши керак. Бўри териси ичига қўзичоқнинг руҳи жойлашса, жуда кулгили бўлади.

- Қўйларини асрашни хоҳлаган чўпон қўй кумалоқларини арслонга ҳидлатмайди.

- Бош учун ҳар фикр бир тождир, дейишади. Бу сўз тўғри бўлса керак, зеро, баъзи фикрларнинг бошларга тож сингари оғир келганини кўриш мумкин.

- Кароматни кўриш учун олдинги кароматга ишониш керак.

- Ишбилармон каби кўриниш учун йўқдан бир иш чиқариш бир нави бошқарув маҳоратидир.

- Хотираларим мен учун гўёки ўтмишни узайтираяпти ва эслаш ёрдамида гўё ортга томон бир умр узунлигига эришаяпман. Ким билсин, балки хотиралар лаззати ҳам шундадир.

- Дўстингни бир зумда айриладигандек сев; душманингни ҳеч қачон ўлмайдигандек қабул қил.

- Гўзал санъатлар учун гўзалликдан бошқа ҳар қандай кўрқув пашша кабидир: Вайрон қилмаса-да, ифлослантиради.

- Пайғамбар бўлмаган жойда авлиёлар кўпаяди.

- Хурриятни суиистеъмол қилиш унга лойиқ эмасликни тан олиш демақдир.

- Дангасанинг икки машҳур баҳонаси бор: “Пулим йўқ!”, “Вақтим йўқ!”.

- Ҳеч кимга ўхшамасликни хоҳлайдиган кимса бир карикатура (ҳажвий расм)га ўхшайди.

- Қишлоқлик кишининг митти чориғида ҳам ер меҳри бор.

- Бирор бир ҳаракатинг сени тузатдими, унга бир ибодат деб баҳо беришинг мумкин.

- Ёқтирмаган одамларимиз дунёда кўплаб жойларни ишғол этаётгандек туюлаверади.

- Бадбахтнинг сукути шикоятдан таъсирлироқдир.

- Мактабда ўқиганимизни ҳаётда ўрганамиз.

- Ажаб: ипакни яратган қурт эмас, уни кийган аёл ғурурланади.

- Шундай дуоларимиз борки, қабул қилинса, бундан ҳам бадбахтроқ бўламиз.

- Тўғри фикрлайдиган мия бир оз шубҳаланишга маҳкум. Шубҳани ҳаёлига ҳам келтирмаслик эса фақат мажнунларга хосдир.

• Ўз-ўзидан тез-тез сиқилиб турасизми? У ҳолда сизнинг ҳузурингиз бошқаларга ҳам келтиришидан ҳайратланманг.

• Кўнгилларга нур беришни истаган ўқитувчилар шамдек эришга рози бўлишлари керак.

• Ишқнинг энг тотли лаҳзалари – бошланишидаги умид билан якунидаги хотирадир.

• Хизматчи эътироф этади: “Ўз ишининг натижасини кўриш барчанинг ишини кузатишдан кўра қийинроқ экан!”

• Сояда яшаганлар қуёшни кўра олишмайди.

• Ҳақиқий шон ва шараф моҳ (тош устида ўсадиган майса) каби қабр тоши устида унади.

• Кўп шеър ёдлаганларнинг қалбларини шеърятдан холи ҳис этаман.

• Аҳмоқлар фақат гўзал сўзлашни эмас, гўзал сукут сақлашни ҳам билишмайди: сукутлари қулфланган бўш жавонни эслатади.

• Қоронғудаги сукут ҳамиша ҳам яхши эмас. Сассиз кеча гўёки икки зерикарли тунга тенгдир.

• Ёшлик тез ўтиб кетади, дейишади. Афсуски, кексалик ҳам шундай.

• Кексайиб қолишдан қўрққанлар бор. Ҳолбуки, қаримасликдан қўрққанимиз керак.

• Арслон юнги орасидан бит қидиришмайди.

• Кўпинча темир қафасни ўз қўлларимиз билан ясаб ичига кирамиз ва кейин хурриятсизликдан шикоят қиламиз.

- Қарияларни шундай севаманки, ўз яшаш тарзлари билан ёшлик сабоғини беришади.

- Маъмурият йўли ғарибдир: баъзан юрган ортида қолиб, кўп тўхтаган илгарилаб кетади.

- Ҳақиқат қуёшини яширган булутларнинг энг хираси манфаатдир.

- Яхшиларга жаннат, гуноҳкорларга жаҳаннам. Бу ҳақда барча динлар бир хил фикрда. Бироқ гуноҳ қилиш билан яхшилик чегаралари борасида бири-бирига ўхшаш фикр юритган икки дин топилмайди.

- Шундайлар борки, уларнинг юзларини табиий ниқоб дейиш мумкин.

- Денгиз маёқчасининг ёғдуси энг порлоқ юлдуз аксидан қийматлироқдир, чунки у хаёлий эмас.

- Ҳаёт санъати: тополмайдиганингдан воз кеч; олишинг мумкин бўлганини иста; боридан фойдалан.

- Арча соясида унган майсаларнинг кўпи ўзларини арча ниҳоли деб ҳисоблашади.

- Руҳимиз ичимиздадир, бироқ шаклини атрофимиздан олади.

- Кунлар ўтаверади, бироқ ҳаётимизда абадий муҳр қолдиришади.

- Билимсизликнинг роҳатли уйқуси ҳаётдаги энг қўрқинчли тушдир.

- Актёрлар билан фарқимиз – улар комедияни билиб ўйнашади.

- Дўстингнинг кимлигини билишни хоҳлайсанми? Унда тасаввурларини таҳлил қил.

- Маданиятнинг руҳияти гўзал санъатларда намоён бўлади. Улар касаллангач, маданият жон талвасасига тушади.

- Орзуларинг кучинг етадиган жойни, хаёлларинг заифлигинг олиб борадиган жойни кўрсатади.

- Қуёшда ўтирган нурдан кўркмайди.

- Инсонларни ўйлатган куч – бошлари эмас, кўкракларидир. Уларни бошқариш учун тилга эмас, ҳисларга хитоб этиш керак.

- Қалб сўзлай бошласа, ақл чекинади.

- Барча каби ёза олмаганнинг ёзувини ҳамма “қалбаки” деб баҳолайди.

- Менга шундай туюляптики, изтироб ичидаги юрак янада жонлироқдир.

- Ҳақиқий хуррият юксак фикрларга асир бўлмоқликдир.

- “Ва ҳоказо” сўзини жуда севаман. Хотирам айбини яширгани учун.

- Ҳозир дунёнинг ибодатгоҳи биржа ва байроғи қоғоз пул бўлди.

- Самимий фикрловчилар билан қаттиқ зиддиятга борсам ҳам севинаман. Зеро, фикрларимизнинг манзараси қанчалик фарқ қилса-да, қуёш ҳам, зиё ҳам бирдир.

- Мутлақ бетарафлик инсоннинг қўлидан келмайди.

- Европага қилган охирги саёҳатимдан шу фикр

билан қайтдим: Биринчи жаҳон уруши машинадан бошқа ҳеч қандай маданият қолдирмабди.

- Ернинг лойига сурканмасликни ўйлайдиганларнинг барчаси димоғдорнинг укаларидир.

- Нон арзонми, демак, моддий ва маънавий томондан ҳамма нарса арзонлашади.

- Ҳар бир бойлик душман яратади; фикр бойлиги барчасидан ортиқ.

- Ишқ таъсирчан ва ишончсиздир.

- Ҳақиқат кутилмаганда айтилса-да, телбанинг вайсашидек эшитилади.

- Кўпчилик ёмонлар каби яхшилар ҳам ёмонлик билан яхшилик ҳақини ажрата олмайдилар.

- Ўз билимсизлигини яшириш учун энг таъсирли чора бошқаларнинг жоҳиллигидан баланд овозда шикоят қилишдир.

- Бошқарувчи шундай зотки, ўтирган жойида ҳам илгариларни хоҳлайди.

- Ҳасад ва кўра олмаслик кўпайгани сари улар ўз кучларини кўрсатишади.

- Заиф миялар сўзларнинг бадҳазмлигидан изтироб чекишади.

- Палағда тухумнинг ҳидига чидаш керак.

- Қишлоқликнинг шевасини тилидан ва динининг муҳрини дилидан ҳеч ким суғуриб ташлолмайди.

- Қулоғимга мос келган ҳар қандай шовқин, назаримда, бир мусиқади.

- Бўшатишган нўхта осонлик билан қўлдан чиқади. Қўлингдан чиқаришни хоҳламасанг маҳкам тут.
- Тилимизда тез-тез айланадиган сўзлар энг буюк куч билан таъриф этиладиган маънолардир: озодлик, ишқ, ватан, жамоатчилик фикри каби.
- Ўзини яхши кўрадиганларга бошқаларни ҳам яхши кўрадигандек кўриниш бир марҳамат тақозосидир.
- Қўлларинг кучини шундай кўрсатки, уларни бука олиш фикри ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасин.
- Инсон учун энг буюк куч ўзини қандай бўлса шундай кўра олишдир.
- Биз ҳақимиздаги ҳукмлар ҳамон янглишдир. Зеро, муҳаббатдан ёки нафратдан туғилмасалар, ҳасаддан ёки марҳаматдан туғиладилар.
- Сўзимиз гўзал бўлса ҳам ора-сира сукут билан рамкага солинмас экан, сеvimли бўла олмайди. Эзмалар қанчалик гўзал сўз айтишмасин, сеvimли эмаслар.
- Китоб илми ва ҳаёт илми бор; комил инсон деб иккисини билганга айтаман.
- Доно одам китобдан ҳаёт ибратини, ҳаётдан эса китоб ибратини олади.
- Бўрон денгиз қудратидан бир асар, инсон эса, аксинча, заифлик ҳосиласидир.
- Кўпинча ҳеч нарса қилмаганини “яхши одам” деб айтамиз, балки “ўлик одам” десак тўғрироқ бўлармиди.

• Ожизнинг энг хунук манзараси ҳасаддир. Ҳасадгўй, агар бир кўзли бўлса, истайдики барчанинг кўзи кўр бўлсин.

• Самимиятни севамиз, фазилатларимиздан сўз очгунга қадар.

• Келишамиз, дейишади. Яхши. Бироқ тушунмайдиганлар билан келишиб бўладими?

• Зулм ҳис қилинади, адолат эса идрок этилади. Менга шундай туюладики, адолат ҳисси заифроқдир.

• Ҳаммол фақат юк остида чиройли юради.

• Ҳақиқий журъат унумсиз қолмайди.

• Аёл эрқакдан юксакдир; фақатгина тушунча уни эрқакдан пастлатади.

• Меъёр ҳар нарсада лозим. Назокатда эса мутлақо.

• Буюк одамлар мамнуният билан хизмат қилишади, бироқ улардан фойдаланишларига йўл қўйишмайди.

• Виждон ҳамманинг ҳам юрагида бўлавермайди. Уни тилда, ошқозонда ва ҳатто чўнтақда олиб юрганлар ҳам бор.

• Бизда темир кўп, бироқ сангдон ва болға йўқ.

• Билмайман, кимдир “Ўлим бир жумла охирига қўйилган нуқтадир” деган бўлиши мумкин. Шундай фарқ биланки, гапни чиройли ёзганига амин бўлганлар ҳам қўллари титрамай ўша нуқтани қўймайдилар.

• Кекса бўла туриб ёш кўриниш, ёш бўла туриб қари кўринишдан яхшироқ.

- Бой бўлмаган бечора дўст доимо ярим дўстлигича қолади.

- Мақташни хоҳлаган одамнинг ҳеч қандай устунлигини топа олмасангиз қўйинг, ўз-ўзидан баҳс этсин.

- Ожизлигини билмаган одам ҳақиқатан ҳам кучли эмас.

- Баъзиларни мартаба ва мансаб юксалтиради, баъзиларни эса пастлатади.

- Овозлар борки, қулоғимни тешади, деб ўйлайман, сўзлар борки, кар бўлмаганимга мени пушаймон қилади.

- Қўлидан келса ҳар бир ёзувчи барча ўқувчиларга ўз завқини улашарди.

- Оддий фикрга сарфланган гўзал ифодадан кўра жуда ҳам оддий ифода ичидаги гўзал фикрга ачинаман.

- Гўзал дид эгаси хунукликка ачинади, бузук дидли гўзалликдан ғазабланади.

- Инсон душманининг ҳар қандай ҳимматига ишониши мумкин, бироқ самимиятига эмас.

- Истиқбол барчага ҳам айна масофада кўринавермайди. Уни бир йилнинг охирида кўрганлар бўлгани каби, бир неча аср давомида кўрганлар ҳам бор.

- Ошиқнинг кўзи кўр дейишади, амин бўлингки бепарвонинг кўзи ундан ҳам кўрроқдир, чунки у ҳеч қаёққа қарамайди.

- Тузоғига тушмаган ўлжани айблайдиган овчи ҳам бор.

• Ёлғиз ўзимизни айблаган ҳолда бунинг учун кўпинча инсониятни масъул ҳисоблаймиз. Тилимизга энг кўп келадиган таъбирлардан бири “инсон ёлғиздир”. Ўйлайманки, агар инсон ёлғиз бўлганида айти хато кўпчиликда такрорланмасди.

• Иккиюзламачилик қўрқуви баъзиларни кўпол қилиб қўяди.

• Ўзларини яхши кўрадиганларнинг пушаймонликлари ҳам катта бўлади. Ўйлайдиларки, хатолари коинотгача етган.

• Ёлғончининг ўзини энг кулгили ҳимоя қилиши: “Тўғрисини айтсам, ишонмасдингиз!”.

• Ёлғончи унинг гапига ишонмаганлардан ғазабланади, ишонганларга ачинади, бироқ ич-ичидан севинади.

• Энг жирканч нарсa – ёлғондакам кўз ёши.

• Тўғри сўзни ёлғон шубҳаси остига олганингиз ёлғончига ёқиб тушади. Чунки бу ноҳақ айбловингиз билан бутун ҳақли айбловларингизни емирган бўласиз.

• Баъзиларнинг қўли беради-ю, кўнгли бермайди, айримларнинг кўнгли беради-ю, қўли бермайди. Аслида иккиси ҳам хасисликдир.

• Ел билан келган ел билан кетмаса, сел билан кетади.

• Аҳмоқ учун зафарнинг таъсирли чораси ақл эмас, аҳмоқ бўлиб кўринишдир.

• Кўр ўлса чарос кўзли бўлади, кал ўлса қийғос сочли бўлади. Чунки ортга қайтиш эҳтимоллари йўқ.

• Ёмғир ва лой... Нақадар покиза булут ҳодисаси. Ер билан алоқага киргач, қанчалик кир шакллар юзага келади.

• Тушунмаслик ҳам инсон ҳақларидан биридир. Айтиш мумкинки, энг салоҳият билан қўллайдиган ҳақимиз ҳам шудир.

• Бир дуони гўзал деб биламан: “Ё Раббим, инсонларнинг дуоларини қабул эт!”.

• Санъат санъат учундир, лекин у билан тирикчилик қилиб бўлмайди.

• Баъзи дўстларингиз улар билан туйғуларингиз боғланган кундан бошлаб, дўстликларингиз узоқ давом этишини ортиғи билан ваъда қилишади.

• Хотирамиз ўз-ўзича бойиган сармоядир.

• Ҳеч бир кўз йўқки, ҳар қандай нурга чидай олса. Ҳар қандай кўз эгаси ўзига ёқмаган нурни сўндиришни хоҳлайди.

• Адабий ҳақиқатни барча ўзи хоҳлаган нуқтада кашф қилиши мумкин, чунки ҳақиқатнинг завқдан бошқа ўлчови йўқ.

• Ақлимиз каби ахлоқимиз ҳам танамизнинг солиқ майдонидир. Ақл бўлсин, феъл бўлсин танамизнинг хужайраларидан бунёд бўлади.

• Фикрнинг саломатлигини фақат тажрибадан келиб чиққан натижа кўрсатади.

• Қанча кучли бўлсанг, шунча ўйлаб ҳаракат қиласан.

• Ҳақиқат деганларимизнинг кўпи хануз ёлғон деб эътироф этилмаган ёлғонлардир.

- Ер юзи ёшлигимда поёнсиз кўринарди. Ҳозир эса тор ва кичик кўринади. Ҳатто бутун дунёни кучоғимга берсалар, набирам деб ўйнатишга розиман.

- Мени асирликка боғлаган кўприкни йиқилган деб ҳисоблайман. Энди ҳодисалар менга узоқдан қарашга маҳкумдир: ўзига боғлолмайди.

- Замонавий ёшларга қараб, дейманки: Бизни ҳам вақтида “қизиққонли” дейишарди, аслида “аҳмоққонли” дейишса тўғрироқ бўлар экан.

- Замонанинг манзаралари менга зиравордек туюлади: аччиқ, бироқ ҳаёт таъмини беради!

- Энг маҳзун кимсасизлик лоқайдлар давраси ичида ҳис қилинганидир.

- Пастда қолганга эмас, ортда қолганга қийин. Яшашни хоҳлаган замон билан баробар юриши керак.

- Даврнинг фикрлари билан фақат шу давр ичида яшаш мумкин. Бугунги назариялар юз йил олдинги даврга тўғри келмагани каби, бир аср кейин ҳам уларни қўллаб яшай олмаймиз.

- Ҳаётда ҳар биримиз учун фақат икки нарса аҳамиятга эга: умид қилишимиз ва кўрқишимиз.

- Кексайгач гўзалланиш фақат чинор дарахтига хос. Соқолини безаганларга ҳайронман.

- Садақани кўр тиланчига бер. Лутфингни кўрмаса, нонкўрлигига амин бўласан.

- Ҳаёт курашида ғалаба қозониш учун соғлом бош зарур. Инсонлар ҳам кўчкорлар каби калла уруштирадилар.

- Кечаги фикр эскирган, эртанги фикр хомдир. Бугуннинг одами учун бугуннинг фикри ярайди.
- Итни жиловлама, ўзини от ҳисоблайди.
- Бир одатий қайсарлик ўз атрофида ўн мажбурий қайсарликни яратади.
- Очқўзни миннатдор қила олмайсан: тўймайди-ку!
- Дангасалик виждон уйқусининг бир туридир. Шунинг учун бирор ёмонлик қилганингнинг фарқиға бормади.
- Сув тўкиш таҳликаси кўпинча стаканни ортиғи билан тўлдириш орзусидан келади.
- Саримсоққа ўхшаган таналар бўлганидек, саримсоққа ўхшаган фикрлар ҳам мавжуд.
- Ўта табиий бўлмасанг, тарбиясиз дейишади. Ўта самимий бўлмасанг, беҳурмат дейишади.
- Хотин бўладими, китобми, юзига алданма, ичидагиларга боқ.
- Халқ қўй руҳи билан қоплон феълидан юзага келган.
- Ҳар нарса ва ҳар одам ўз ўрнида керак. Мас-жидда майишатпарастга, майхонада олимга ишонма!
- Қўзисини кўзи қиймаган кабоб ея олмайди.
- Ўрнида силаган қўл каби, ўрнида урган қўл ҳам ўпилишга лойиқ.
- Ҳеч қачон севмаган одамнингизнинг жиддий душмани бўлолмайсиз.

- Кемада, трамвайда, театрда, барча умумий жойларда ўтириш учун бурчакни танла. Ҳеч бўлмаса бир тарафинг озод бўлади.

- Машҳур одамлар ёқтирса олқишлайди, олқишласа ёқтиради.

- Оддий кўринишимиз учун ёруғликнинг ўзи етади; бироқ хоҳлаган шаклда кўринишимиз учун нурнинг биз истаган тарафдан келиши лозим бўлади.

- Муҳаббат ва ҳижрон орасида озгина ранг фарқи бор.

- Ажалнинг аччиқ аламини севганларимизни йўқотганда тотамиз.

- Қози пора олгач табиийки, адолат четга чиқади.

- Терак дарахтини севувчи жуда оз одамни кўрасиз, чунки у тўғридир.

- Кўп пул билан қўлга киритган ҳамма нарсани ҳам қийматли ҳисоблайверма: қиммат бошқа, қиймат бошқадир.

- Ҳар бир жамият ўзига лойиқ бўлган адабиётни севади.

- Айрилиқ муҳаббатнинг сўнгги мевасидир.

- Ёлғонни йиртиб олмасдан, ҳақиқатни тикишга киришма: фойдаси йўқ.

- Ишқ қалбимизнинг беодоб меҳмони: биздан сўрамай келади, биздан сўрамай кетади.

- Қалб шундай алдамчи бир соатдир: гоҳ бир кунни бир ой қадар узун, гоҳ бир умрни бир ойдан-да қисқа кўрсатади.

• Куёшни хоҳлаганидек кўра олишлари учун куёш тутилишини қанчалик орзу қилганлар бор.

• Нафсингни олтидан асра. Зеро, заҳарни ҳеч қачон тунука қадаҳда беришмайди.

• Барчага ҳақ бергани ҳеч ким ноҳақ деб билмайди.

• Яхшилиқни фақат яхшилар билади, ёмонлиқни эса барча.

• Модани на тамоман қабул қил, на бутунлай рад эт. Кулгига қолмайсан.

• Кўз баъзиларнинг деразаси, баъзиларнинг дурбини ва баъзиларнинг ойнасидир.

• Фикр борки, қуш каби учади ва юксалади. Фикр борки, маъданчилар ер қазигани каби чуқурлашади. Инсоният на унисидан воз кеча олади ва на бунисидан.

• Халқнинг шон ва шарафи йўқдир, бироқ шон ва шарафларнинг кўпини халқ беради.

• Қўл ҳар қандай иш каби олқишлашдан ҳам ёрилади.

• Назокат ақлнинг даллолидир.

• Иш одами одамга эмас, ишга қарайди.

• Мақомига лойиқ бўлган одам нима қилса ҳам мақомига лойиқ иш қилади.

• Санъат учун санъат: мен бу дастурни жон-дилим билан қабул қилганман. Зеро, диққат қилдим: ёзадиган нарсамнинг зарарли ёки фойдали бўлиш эҳтимоли туғилгач самимиятим кучсизланди.

• Тарбия билан безанмаган зарофат тотсиз бўлади.

- Ақл ёшда эмас бошдадир, аммо ақл бошга ёш келтиради.
- Ҳар қандай ваъдага ишонмаслик ҳар қандай ваъдага ишонаверишдан фойдалироқдир.
- Дўстларини чув туширадиганлар душманларини алдаганлардан кўпроқ.
- Қувноқ одам қуёшга ўхшайди, борган ерини ёритади.
- Шухрат қозониш учун ҳозирги замонга мос ёки қарши бўлиш керак.
- Кеча – ўқитувчи, бугун – дарс, эртага бир тенгламадир.
- Камтарлик чимматга ўхшайди, ўрасанг гўзаллашади.
- Дўстларини санагандан кўра душманларини санаш таҳликалироқдир.
- Ишқ устига ғам – чўғ устига кўмир каби тушади: олдин кўр қилади, сўнг ўт каби ёқади.
- Нафосатнинг икки буюк душмани: ўта нозиклик ва ўта қўполликдир.
- Қўпол гапир, зиёни йўқ, нозик фикрлашнинг ўзи етади.
- Халқ юқорига қарамайди, боши айланади. Унга ёқиш учун паст бўлиш керак.
- Ўрнида айтилган олқиш ҳеч унутилмайдиган яхшиликдир.

• Инсон ўз мавқеини дўслари кўрсатган нуқта билан душманлари кўрсатган нуқта ўртасидан излаши керак.

• Инсон севганидан кўрқади, бироқ кўрққанидан севмайди.

• Баъзан чиройли бир костюм ҳам кескир қиличдек жасорат беради, Насриддин Хўжанинг тўни сингари.

• Ойнага тез-тез қараган қусурларини кам кўради.

• Эски ва янги нарсалар на бутунлай яхши ва на ёмондир. Ёшлар ва кексаларнинг энг катта хатолари буни билишларидир.

• Сен фақат тилингни тийишга ҳаракат қил, бошқа аъзоларингни Аллоҳнинг ўзи асрайди.

• Ортга қайтмас муҳаббатга ҳеч ким етиша олмайди.

• Ҳасадгўйлар гоҳ булутдан нам тортади, гоҳ қуёшни кўрмайди.

• Узун сўз, узун пошна каби аёлларга ярашади.

• Ошиқ мақсадига етганда, талтаяди.

• Доимо изла: бугун олтин изласанг мис топасан, эртага эса мис излаб олтин топасан.

• Энг самарали марҳамат пешона теридир.

• Хўмрайишни истасанг ўзингни ўйла, қулишни истасанг бошқаларни эсла.

• Ишқнинг кўзи кўр, қулоғи қардир: на тўғри йўлни кўради, на тўғри сўзни эшитади.

- Назокат пулга ўхшайди: кумуши, олтини, қоғози ва ҳатто ўғирлангани бор.

- Қўрқув қаршисидан доимо куч ва жасоратни топади.

- Яширилган хунуклик икки марта хунукрок кўринади.

- Қалб фақатгина бир марта фатҳ этилиши мумкин.

- Энг муносиб соат қўнғироғи кўпинча гишт қолипдан кўчгандан сўнг чалинади.

- Сиёсат оламида обрў ғоят эластик бир доирадир. Кенгаймай туриб дарҳол тораяди.

- Изланган нарса кўпаяди: ёлғон, тўғри, яхшилик, ёмонлик ва бошқалар.

- Мозийга ўлим каби розиликдан бошқа чора йўқ.

- Бир ёлғон ўнта ёлғонни келтириб чиқаради.

- Ўлганларни ғийбат қилгандан кўра туғилганларни эъзозлаб тарбиялайлик.

- Тер баданнинг кўз ёшидир.

- Хасиснинг ҳамёни ҳаётига, ҳаёти ҳамёнига боғлиқдир.

- Манфаат жамиятнинг қоришмасидир.

- Табиат устидан ғолиблик ақлим етмайдиган фотиҳликлардандир.

- Эркак куларкан бир оз аёлга, аёл йиғларкан бир оз эркакка ўхшамайдими?

- Нима қилай деб ўйлаш ўрнига ҳеч нарса қилма, ўйла!

- Назокат инсонни севдириш учун кифоя қилмайди, фақатгина назокатдан насибаси бўлмаган куч севилади.

- Дўст ва душман бир-бирига ўхшайдики, инсон иккаласи-ҳақда ҳам қалбидагидан кўпроқ гапиреди.

- Ҳис қанчалик осон ўзгарса, фикр ўзгартириш шунчалик қийин.

- Душманликни дўстликдан зиёда яширмаган юрак энг ноёбдир.

- Икки нарса ўйланганидек осон эмас: ўрнида йиғлаш ва ўрнида кулиш.

- Пул билан муҳаббатга эришиб бўлмайди: бироқ, пулсиз муҳаббат ҳам узоққа бормайди.

- Доимо тасдиқ ёки доимо инкор ақлли суҳбатдошни ақлдан оздириш учун етарли.

- Эркакнинг қалби кексайса, аёл қалби бузилса қаттиқлашади.

- Чиройли сўзлай олишингга амин бўлмасанг жим бўл: назокат учун етарлиси шу.

- Ошиқлар орасидаги ҳақорат бадали бўса билан тўланади.

- Асарининг тарихда кўп яшабини истаган ёзувчи унга кўп вақт ажратиши керак: тез ёзилган, тез унутилади.

- Қилган яхшилигини унутмаган, кўрган яхшилигини ва қилган ёмонлигини тез унутади.

- Олтин билан эришилган муҳаббат қисқа фурсатда темир занжир оғирлигини олади.

- Фақат ўз нафсини ўйлаб дўст излаган киши хизматкор қидирганга ўхшайди.
- Ҳофиза (хотира) миямизнинг тўрва халтасидир.
- Қаттиқ севганлар доимо оз муҳаббат топишади.
- Ишлаш истироҳатнинг уруғидир.
- Дарахтларни севаман, чунки ёзда қуёшдан тўсса, кишда қорга элак бўладилар.
- Ишонишни истамагани ҳеч қандай мантиқ ишонтиролмайди.
- Камчилигимиз қанчалик кўп бўлса, қусурни шунчалик кўп излаймиз.
- Ҳаракатларимизнинг энг фойдалиси назокатдир.
- Бошқаларни назокатга чақириш баъзан қўполликни талаб этади.
- Янглиш фикрларимизни йўқота олсак, димомиз юки шунчалик енгиллашади.
- Сартарошлар нега эзма бўлмайди: чунки эрта-лабдан кечгача жағларимиз билан ўйнашади.
- Кўрмасликни истаганлар учун кўзойнак қийматли тўсиқдир.
- Ишлайдиганлар учун вақт нақддир. Ишламайдиганлар учун аксинча, харажатдир.
- Халқ бола кабидир, доим шовқинни хоҳлайди. Шовқин кўнгилхушликни, шовқинли мотамни ва ҳатто шовқинли бошқарувни севади.
- Ақлга таянмаган куч йиқитиши мумкин, бироқ кура олмайди.

• Юксак мақомлар юксак чўққилар кабидир. Чопиб чиққанларнинг нафаси сиқилади.

• Унвон олган кибрланувчилар, ёнгин минорасига чиққач, дурбин бўлдим деб ўйловчилардир.

• Тақиқлаш орзу туғдиради.

• Кундузи қандилини тайёрламаган қоронгуликка рози демакдир.

• Инсон қорни очиққани сари кўзи қораяди.

• Кичик эшиклардан киришга ҳаракат қилганлар эгилишга мажбур бўлишади.

• Инсон баландликка чиққани сари шимидаги ямоқнинг кўриниш эҳтимоли ортади.

• Қутурган ит бекорга ҳурмайди: ё жим туради ёки тишлайди.

• Қандай ёшда бўлмайлик ўзимиз юмалатган гилдиракнинг орқасидан югурган болалармиз.

• Энг қийини қаҳрамонларча ўлиш эмас, қаҳрамонларча яшашдир.

• Болалигимда парда ортидаги Қоракўзни (театр қаҳрамони) жонли деб ўйлардим. Ҳозир парда ёнидаги жонлини Қоракўз деб ҳисоблайман.

• Баъзилар табиий кўриниш учун бачкана ҳаракатлар қилади.

• Манфаат стулга ўхшайди: бошингга кўтарсанг сендан юксалади, оёғинг остига олсанг юксалтиради.

• Юксак чўққиларда кўрганинг илонни ҳам, қушни ҳам тасодиф дейишинг мумкин, бироқ бири судралиб, бири парвоз билан юксалган.

• Хаёл руҳнинг махфий эшигидир. Ёмон фикрларнинг аксарияти ўша ердан киради.

• Ҳурмат кўпинча қўрқувнинг бир шаклидир.

• Ўзи ҳақида гапиришчалик хунук ва табиий ҳаракат йўқдир.

• Ҳар бир ишда юксалиш учун йўлини йўқотганлар каби, йўлини йўқотиб юксалганлар ҳам бор.

• Кўз кўрганига ва қалб ҳис қилганига ишонади.

• Кўп яшаш қўлимизда эмас, фақатгина номимизнинг кўп яшаши қўлимиздадир.

• Қорни очлардан кўра қалби очларга ачинаман.

• Бечора қўй подаси! Чўпонни ҳам боқади, чўпон итини ҳам.

• Гўзал кўриниш яхши бир тавсия мактубидир.

• Ўлимни севмаслигимизнинг бир сабаби – ҳеч кимлигимизни юзага чиқаргани учундир.

• Қўл ҳазили ёмон, дил ҳазили ҳам, ҳаммасидан ҳам кучлироғи қалам ҳазилидир.

• Роҳат истасанг оёгингни кўрпангга қараб узат ва тепангдаги юксак фикрларга узанма!

• Катталарга кўп аралашиш эҳтиёжини фақат кичиклар ҳис этади.

• Оғзи ёлғон гапиргандан кўра кўзи ёлғон гапиргандан қўрқаман.

• Ўргимчак тўри ҳам тузоқдир, бироқ фақат пашшалар учун.

• Бечора бош, ёши неча бўлса ҳам доимо боладир. Тинч ухлаш учун меҳрдан тикилган бир ёстикни истайди.

- Тилак арслондир, бироқ қўйворсанг қўрқаманки, энг аввало, сени ютмасин.
- Жала остида кулган билан йиғлаган кўпам фарқ қилавермайди.
- Яхшилик заифлик даражасига боргач яхшиликдан чиқади.
- Қалб-қалбга юкиндими, кўз кўзни қусурли кўра олмайди.
- Кутубхонангни оёқ остига олсанг – занжир, бошингда тутсанг, тож бўлади.
- Гўзал табассум кўпинча сўлғинликни кеткизиб, чирой бахш этади.
- Хотиралар кексайган ақлларнинг қўлтиқтаёгидир.
- Уялмаган пушаймонликни билмайди.
- Билмаган нарсаларидан баҳс қилувчилар, эътибор берсангиз, сўз сўзларкан, улуғлик истайдилар.
- Олдин ғазабланганинга энди кулаяпсанми, демак, ақлинг кирибди.
- Кучингни ҳужуминг билан эмас, бардошинг билан ўлча.
- Истаганим бўлмаганидан кейин меники бўлган дунё нимага ярайди.
- Кўп ўқиган, лекин уқмаган одам, умуман ўқимай кўп яшаган одам каби жоҳил ҳисобланади.
- Нафсига кўп ишонган одам, бошқасига кўпам ишонавермайди.
- Ноҳақ шикоят ғазабланадиган жойда кулдиради, ҳақли шикоят уялтирадиган жойда ғазаблантиради.

- Дил руҳнинг ватанидир.

- Икки душманимизнинг бир-бири билан кураши, бир дўстимизнинг биздан ранжишидан кўра зарарлироқдир.

- Уятчанга фурсат бер, дарҳол сурбет бўлади.

- Зулмни кечириш буюклик, унутиш кичикликдир.

- Ҳаёт бир ойнадир, сен унга кулсанг, у ҳам сенга кулади.

- Гўзал оғизда ёмон сўз икки карра ёмонроқ кўринади.

- Ўпишни истаган қўлимизнинг шапалоғи жуда ёмон тегади.

- Олқишламаганимизни тез унутамиз. Хотирамиз ҳовучимиз каби тордир.

- Бургут менсимаганни чумолилар талашади.

- Ҳамма билан чиқишиб кетишнинг бирдан бир йўли барча билан ҳамфикр бўлишдир.

- Хоҳласанг ёлғондан ёмонла, хафа қил, бироқ ёлғон билан севинтирма, чунки бу жуда ёмон.

- Фойдаси теккан ёлғон ҳар қандай ҳақиқатдан устун.

- Кўршапалакка қуёшни кўрсатиш унга нисбатан ҳурматсизликдир.

- Ёлғонга шу қадар одатланганмизки, бир ҳақиқатни қабул қилдиришни истасангиз, бир оз ёлғон вайсашингиз керак.

- Елканга бўйсунмаган кема эртами-кечми қуруқликка чиқиб қолади.

- Гўзал капалакни хоҳлаган хунук қуртни эзмаслиги керак, зеро, капалак ундан чиқади.
- Энг буюк телбалик барчани бир хил фикрлашга ундашдир.
- Душманимизнинг душмани бўлмаган ҳақиқий дўстимиз бўлолмайди.
- Инсон фақат дўстлари билан эмас, душманлари билан ҳам фахрланиши керак.
- Одам вақт қийматини бирортасини роса кутганда билади.
- Сохта куйиниш сохта севинишдан осонроқ.
- Кўз ёшининг энг таъсирли давоси кўз ёшидир.
- Фикр ўйлаб-ўйлаб орттирилади.
- Эски бошқа, ноёб бошқадир.
- Қорни тўқ киши учун рамазон билан ҳайитнинг фарқи йўқ.
- Истаймизки, ари бизга фақат асалини берсину, нишини кўрсатмасин.
- Ҳеч кимни севмайдиганни севадиганлар ҳам кўп бўлмайди.
- Илм ва санъатни кўз-кўз қилмайдиган миллатдан буюклик кутмайман.
- Бир даврнинг ғози, бошқа давр бургути бўлиши мумкин.
- Менимча, адабий даҳо: ҳамма кўра олманини кўра олиш ва кўрганини ҳамма ҳам айтолмайдиган даражада тушунтиришдир.

- Марҳамат фақирларнинг кўзидан, бойларнинг фақат кўлидан кутилади.

- Хусусиятини сақлаб, манзарасини энг кўп ўзгартирадиган нарсa: инсоният ғафлати.

- Соф инсонлар бошқача кўринишга қанчалик уринишмасин, соф кўринаверадилар.

- Оғриқли бошга тож ҳам бало бўлади.

- Фарзанд онадан айрилади, бироқ она фарзандидан... узилади.

- Роҳатланиш учун романни тарих, тарихни роман каби ўқиш керак, деб ҳисоблайман.

- Вақти келадики, бахтли бўлиш атрофга нисбатан зулмдек туюлади.

- Ўйла ва етилган фикринг уруғларини шамолга от: бири чириса, бири униб чиқади.

- Баъзан тартибдан баҳс қилиш, оғриқсиз чирик тишни ковлаштиришга ўхшайди.

- Озод деб фақат илм ва заковатга интилганларни айтишади.

- Истасангиз, ҳар нарсани ўйлайвермаслигингиз мумкин. Ёқтирган нарсаларингизни ўйланг.

- Инсон фақат билими қадар ҳур бўлиши мумкин.

- Кучли бир ишқ топмагунингизча ҳаётингиз на саодатга тўлиқ бўлади, на фожиага.

- Ҳақиқий ирода ўзида мана шу уч нарсани мужассамлаштирганида намоён бўлади: билим, заковат, тажриба...

- Кўрлар мамлакатида кўриш бир касаллик ҳисобланади.

- Уст-бошимиз кимлигимизни эмас, ким бўлишни истаганимизни кўрсатади.

- Мени бирортаси ёмонласа ҳеч ҳам қўрқмайман, мактаса титрайман. Ёмонлаган қанчалик янглишса, зарари ўзига бўлади.

- Ёруғлик йўл кўрсатади, агар кўзни қамаштирмаса.

- Соғлиқ ёмонлашмагунча уни асраш ҳаёлга ҳам келмайди.

- “Тарбиясиз” деб боласини урушаётган оналарни эшитсам сўрагим келади: “Кимнинг айби!”.

- Яшаган саринг яшашни ўрганасан ва ўргангач, кўп яшайман деб ўйлайсан.

- Энг тотли нарсаси: бир аёл кўзидан ўзимиз учун тўкилган ёшлар орасида кўрган табассумимиздир.

- Қалб мантиқдан кучлидир. Ҳар бир тилагини у орқали баён этади.

- Сиз фақат ёмонликни суриштиринг, яхшилик ўзини кўрсатади.

- Ўта ҳалол бўлиш учун озроқ сезгир ҳам бўлиш керак.

- Доимий пулсизлик хоҳ кишида, хоҳ жамиятда бўлсин, эртами-кечми бирор фалокатни келтиради.

- Ишчи бўлиш осон, хизматчи бўлиб янаш қийиндир.

- Аҳмоққа гўзал қиз бериш, эшакка гул едиришга ўхшайди.
- Аёл осонлик билан ишонади ва осонлик билан ишонтиради.
- Тавба гуноҳ совунидир.
- Зериктирувчи одамлар ёзда пашшаларнинг ёрдамчисидек туюлади.
- Дор адолатнинг ғазабига ўхшайди.
- Қоплон билан орамиздаги фарқ: у панжаси билан олган қўзи гўштини биз пулимиз билан оламиз.
- Икки хунук буюк бир ишқ орқали бирлашса бир оз гўзал кўринади.
- Ҳа, ҳайвонларда марҳамат тушунчаси бўлмайди, бироқ зулм фикри ҳам йўқ.
- Ҳақиқий кибр яширин ҳолатда бўлади...
- Ўйлаймизки, маслагимизни доимо ўзимиз танлаймиз. Ҳолбуки, кўпинча маслагимиз бизни танлайди.
- Ўзини яхши кўрадиганларнинг иккита мароқли иши бор: тез-тез ойнага қараш ва расмга кўп тушиш.
- Жони сиқилса ҳайвон ухлайди, одам эса ёмон нарсаларни ўйлайди.
- Паст кўриш ва ёмонлаш кичикларга оғирроқ ботади.
- Пул қаерга сарфланаётганини билолмаяпсанми – хотинларнинг оёқ изларини таъқиб қил.
- Бирор бир жамиятда керагидан ортиқ қўзи бўлиши ўша жамият орасида эртами-кечми бир қашқир тўдасини яратади.

• Бир аёлни минг хил севиш мумкин. Ишқнинг қайси шаклини афзал кўришни билишингиз керакки, аёлга изҳор қилган муҳаббатингиз маъқул бўлсин.

• Тикандан қўлини сақламаганлар гўзал гулларга зарар етказиши мумкин.

• Кўп лой қориштирган эртами-кечми ўз устини булғайди.

• Ўлимга қарши биргина навбатчимиз бор: кўрқув!

• Шикоят қилиш баъзиларнинг табиатидир. Қуёшга нисбатан дунёнинг кичиклигидан шикоят қилганни ҳам эшитарсиз балки.

• Ҳар бир ўйлаган ва ҳис қилганингиз, икки учи кўринмайдиган бир занжирнинг ҳалқаларидир.

• Айтадиларки: “Энг таҳликали ёлғончи, ўзини алдайди”. Билмайман, ўзини алдамайдиган ёлғончи ва тўғри сўз кимса бормикин?

• Қилич қинини кесмайди, фақат мос келмаган қин қилични кўр қилади.

• Ҳеч қачон йиғламаган кўзлар ҳар нарсани кўрса ҳам йиғлаётганларни кўрмайди.

• Илоҳий адолат маҳкамалардан умид кесилгач эсга келган маъмуриятдир.

• Латифани севмайдиганлар ўз ҳиссаларига тушадиган ҳазилларнинг ярми тўғри бўлишидан кўрқадиганлардир.

• Бошқасини йўлга соламан деб, ўзлари йўлдан чиққанлар кам эмас.

• Бир инсонга иснод келтирган ёлғонлар, кўпинча оғизларда айланавергач, ҳақиқат тусини олади.

- Қандай йўлда бўлишдан қатъи назар узоқ масофани босишни хоҳлайсанми? Секин юр, бироқ тўхтама.

- Бирор тама учун эришилган мартаба, нишон ёхуд бир бўлак нон, нима бўлганда ҳам тиланчиликдир.

- Тухмат кучли ҳайвонга ўхшайди. Ўлгандан кейин ҳам унинг маккорлиги яшайверади.

- Бахтга ишонганлар ва бахтдан баҳслашганлар ўзларини бахтсиз ҳис қилганлардир.

- Қирда кезаркансиз, чиқинди кўришни бошладингизми, билингки, бир оздан кейин одамларга дуч келасиз.

- Метин руҳлар тазйиқ остида эзилмайди, мухрланади.

- Ҳар қандай доғ совун билан кетавермайди.

- Бир мақоланинг икки қийин нуқтаси бор: яхши бошлаш, чиройли тутатиш.

- Соғлигинг бор, пулинг бор, ақлинг бор, билиминг бор, мақоминг бор: эй, инсоф қил, душманинг бўлмасинми?

- Яхшилик натижасиз қолмайди.

- Юксак ахлоқ фақат юксак заковатга эшлик қила олади.

- Эътибор бераман: ҳар бир танишган одамим мени ўзича танийди. Танишларимиз кўпайса, гўёки мартабамиз ошадиганга ўхшайди.

- Инсон қанчалик озод бўлса муҳит ичидаги қонунлар асирига айланади.

• Умуман жазосиз бериладиган тарбияга ақлим етмайди: ҳатто сочлар буралиш учун қизиган темир ва тазйиқ истайди.

• Кўпинча бир хоним “Менинг фикрим” деб гап бошлайди, бироқ эшитсангиз барча гаплари ўзининг “туйғуларидан” бошқа нарса эмас.

• Натижасиз хаёллар ўз-ўзларини еб боқадилар.

• Игна найза ўрнини қандай боса олса, идора ишларида аёллар эркаклар ўрнини шундай босишади.

• Кўпинча узун сўзлар узун сукутларни таъқиб қилади.

• Жамиятнинг юксалишини хоҳлайсизми – инсонларга масъулият ҳиссини ўргатинг.

• Баъзилар чала туғилади, уларни ҳеч нарса укаммал қила олмайди.

• Барча билан баробар алданиш ҳақиқатни кўриб ёлғиз қолишдан яхшироқ.

• Севган одам севгилисини тингларкан, кўпинча сўзини эмас, овозини эшитади.

• Ачинишга арзигулик миллатлар ўз тарихи билан фахрланиб, келажагидан шубҳаланадилар.

• Пул туфайли кўрқув тиланчилардан кўра банкирларда кўпроқ кузатилади.

• Фалокат оча олмаган кўз кўр бўлишга маҳкумдир.

• Кир ва шўр сувда яшашга ўрганган балиқ чучук ва тоза сувда бўғилади.

• Фақир ҳар ерда бир оз бегонадир, ҳатто ўз уйида ҳам.

• Ҳар бир жоҳил янглиш ўйлайди ва ҳар бир олим ҳам тўғри фикрлайвермайди. Тўғри фикрлаш учун илм билан тўла бир мия лозимдир.

• Омадга монета бўлган сабабларнинг энг ачинарлиси фақирликдир.

• Ёши нечада бўлишидан қатъи назар, ўз кучини йўқотмаган одам ёшдир.

• Исрофгар билан хасис орасидаги фарқ: бири пулнинг қийматини билмайди, бири эса янглишади.

• “Шеърни ёқтирмайман” деган шеърни тушунмаслигини тан олган одамдир.

• “Дўст бошга, душман оёққа қарайди” дейишади, нотўғри: кимнинг бош кийими янги бўлса – бошига, кимнинг пойабзали янги бўлса – оёғига қарашади.

• Инсон тушунмаганини севиши мумкин, бироқ севаганини тушуна олмайди.

• Мавқега эришиш ва мавқедан тушиш, яхшини яхшироқ ва ёмонни ёмонроқ қилади.

• Ҳаёт йўлида бизни чарчатган нарса масофамизнинг узунлиги эмас, пойабзалимизнинг эскилигидир.

• Ҳайқираётган бўлсанг, табиийки, оғзингдан чиққанини қулоғинг эшитмайди.

• Адолат топилмаган жойда пул энг гўзал қурулди.

• Ожизни эшитмаган одамнинг кучига ишонма.

• Ҳақиқатни кўриш учун энг зурур бўлгани ҳур назардир.

• Кучли миялар ўлик фикрлар билан ўйлай олмайди.

• Тушда йиғлаганнинг кўзи ёшланмайди.

• Баъзиларга “Сен хаста эмассан, ўзингни тинглай оляпсан” дейишади. Ҳолбуки, хаста бўлмасдан ўзини тинглай олиш ҳам касалликдир.

• Баъзи кўзлар борки, назардан маҳрум ҳисобланади: шу қадар жонсиз қарайдиларки...

• Шундай пайтлар бўладики, кўз ўнгимда ҳар нарса кичраяди. Бундай дақиқаларда мен учун уммонлар ер қобиғи устидаги бир шабнам кабидир.

• Ҳаётда овози эшитилмаганларнинг вафотлари ҳам эшитилмайди.

• Юксак фикрлар юксак тоғларга ўхшайди – ўрганмаганларни ҳуркитади.

• Ҳар бир хоин кўрқоқдир, дейишади. Илова қилайки, хоин бўлмасдан кўрқоқ бўлганлар ҳам бор ва бундайларнинг ҳар тарафида хиёнат асарлари кўринади.

• Синфдошларни тасбеҳ доналарига ўхшатишингиз мумкин: мактаб тугагач ип узилиб ҳаммаси ҳар тарафга сочилиб кетади.

• Нега хафа бўлганингизни билмасангиз кураша олмайсиз!

• Туғилганимдан бери эшитиб келаман: “Бу шундайлигича давом этиши мумкин эмас!” дейишади. Ҳолбуки, ҳамон давом этмоқда ва ким билади яна қанча давом этаркин?

- Сиёсатдаги уддабуронлар ва мухолифлар салатдаги зайтун ёғи билан сирка кабидир: бири кам бўлса салатнинг мазаси татимайди.

- Халқнинг мияси қулоғидан кирган сузлар билан фикрлайди: ичдан тугилган фикрлар билан эмас.

- Ҳар бир жанозага дуч келганимда ўйлайман: “Ҳозир елкаларида ташишади, бир соатдан сўнг оёқлари остида эзишади”.

- Инсонни инсон қилган жамиятдир, сиртлон қилган ҳам у.

- Нафсидан мамнун бўлмаганни ҳеч нарса ва ҳеч кимса мамнун қила олмайди.

- Фикрлар аёллар кабидир: гўзалликлари модага мос кийимлари билан ортади; адоват ҳисси фақат бўш руҳларни тўлдиради.

- Ухлаётганда барча инсонлар инсондир, уйғонгандан сўнг баъзан ҳайвондан ҳам баттарроқдир.

- Хато ўрганилган илмда, шубҳа йўқки, жоҳиллик устун туради.

- Инсон учун ишқ нима бўлса, жамият учун озодлик ҳам шундай. Ишқсиз одам ва тобе жамият натижасиз қолишга маҳкум.

- Атрофидагиларга ўхшаш учун “кичрайиш”га ва юксакликларни қурбон қилишга мажбур бўладиган одамларга ачинаман.

- Пул ақллиларнинг дўсти, аҳмоқларнинг душманидир.

- Қуёш остида от пишқириши билан олтин гулчамбар кўринади.

- Олтин қурбонлари ўқ еб ўлганлардан оз эмас.
- Мозийни ҳатто эртанги ҳаётинг учун ҳам хотирлашинг керак.
- Онаси! Болага фақат гапиришни эмас, эшитишни ҳам ўргатгинки, суҳбатлашишни ўрганган бўлсин.
- Нурнинг сояси бўлмайди, бироқ нур бўлмаса соя бўлмасди.
- Манфаат виждоннинг жилди кабидир. Унга тегинганларни руҳимиз терисини шилаяпти, деб ўйлаймиз.
- Кишининг иши – ичининг ойнасидир.
- Ароқхўрлар мени шуниси билан ҳайратлантирадики, бир оз ичгач ахлоқдан баҳс юритишни бошлашади.
- Адоват қўрғошиндан оғирроқ, қанотлари қанчалик кенг бўлмасин ғаразкорлиги билан юксала олмайди.
- Қувонч ва ғам! Ҳаётдаги ҳар куни кириб чиқишимиз мумкин бўлган жаҳаннамдир.

МУНДАРИЖА

Вақт ва бахт	3
Инсон табиати	4
Бахтиёрлик	10
Севги	24
Умид	30
Дўстлик	34
Ўтмиш, келажак	45
Муносабат	49
Жаҳддорлик, кин-адоват	53
Бойлик	57
Ўйлар	61
Табассумга мойил гаплар	67
Камолга элтувчи сўзлар	69
Ҳаёт	71
Худбинлик, хасислик, сахийлик	77
Кечиримли бўлиш	79
Яхшилик	81
Жасорат	83
Ишонч	97
Ҳаракатда баракат	103
Хато қилиш	114

Омадсизлик	118
Орзу	123
Хаёллар	128
Мақсадлар	135
Қарор қилиш	139
Ҳаракат қилиш	142
Хатти-ҳаракат	145
Сабр	152
Азм-шижоат	154
Туйғулар	157
Афоризм – ақл қуввати	159

АТТАХ АЗ АНДЫ 1943
ЧАГАДА БУЛАКТА

АТТАХ АЗ АНДЫ

“Камолга элтувчи каломлар” туркумидан

БАХТ, ОМАД ВА ҲАЁТГА БОШЛОВЧИ СЎЗЛАР


Афоризмлар

Муҳаррир: Адиба Ҳамро қизи
Таржимон-муҳаррир: Дилшода Аввалбоева
Техник муҳаррир: Муҳриддин Ҳамроев
Мусахҳиҳа: Солиа Исмоилова

Нашриёт лицензияси: АИ № 221 – 16.11.2012 йил.
 Теришга берилди: 02.07.15. Босишга рухсат этилди: 22.12.15.
 Бичими: 60x84 1/16. Palatino гарнитураси. Офсет босма.
 Шартли босма тобоғи: 13,0. Нашриёт-ҳисоб тобоғи: 10,0.
 Адади: 1000 нусха. Буюртма № 08-15.
 Баҳоси шартнома асосида.

«Yurist-media markazi» нашриёти,
 Тошкент шаҳри, Отчопар кўчаси, 82-уй.
 Тел.: 230-04-74, 212-47-79. E-mail: yurist_media@mail.ru

«Tong press print» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
 Тошкент шаҳри, Турккўрғон кўчаси, 69-уй.
 Тел.: +99890-316-20-30. E-mail: mulk777@mail.ru



ISBN 978-9943-4338-2-3



9 789943 433823